

**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси
Академияси**

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги
Юристлар малакасини ошириш маркази**

**Фуқаролик суд ишларини юритишда
ошкоралик тамойили ва жамоатчилик
назоратини таъминлашнинг
долзарб масалалари**

(моноография)

ТОШКЕНТ – 2019

Монография Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси Кенгашининг 2019 йил 29 апрелдаги 5-сонли ҳамда Юристлар малакасини ошириш маркази Илмий кенгашининг 2019 йил 4 майдаги 7-сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.

Мазкур монография Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш марказида 2018-2020 йилларга мўлжалланган “Мамлакатимизда давлат идоралари фаолияти устидан самарали жамоатчилик назоратини ўрнатиш механизmlарини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш” мавзусидаги ПЗ-20170928652-сонли амалий тадқиқот лойиҳаси доирасида тайёрланган.

Фуқаролик суд ишларини юритишда ошкоралик тамойили ва жамоатчилик назоратини таъминлашнинг долзарб масалалари / Монография. Масъул муҳаррир ю.ф.д., проф. Б.Х.Пўлатов. – Тошкент. “Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи”. 2019. – 140 б.

Масъул муҳаррир: **Юридик фанлар доктори, профессор
Б.Х. Пўлатов**

Тақризчилар: **Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси доценти, юридик фанлар доктори В.Каримов.
Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгashi ҳузуридаги Судьялар олий мактаби директорининг ўринбосари, ю.ф.н. Д.У.Арипов.
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Фуқаролик суд ишларини юритишда прокурор ваколатини таъминлаш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари А.М. Фозилов.**

Мазкур монографияда фуқаролик суд ишларини юритишда ошкоралик тамойили ва жамоатчилик назоратини таъминлашнинг долзарб масалалари ўрин олган. Ўзбекистонда давлат органлари фаолиятининг очиқлиги ва жамоатчилик назоратини таъминлашга доир қонунчилик: шаклланиши ва ривожланиши, фуқаролик суд ишларини юритишда ошкоралик тамойилини татбиқ этишининг айrim масалалари ҳамда фуқаролик суд ишларини юритишда жамоатчилик назоратини таъминлаш воситалари ва уларни такомиллаштириш масалалари ўрин олган.

Монография фан ва таълим соҳасини бошқаришга ваколатли давлат органлари, ҳуқуқшунослик йўналишидаги олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари, докторантлар, фуқаролик ишлари, иқтисодий ва маъмурий ишлар бўйича судьялар, судьяликка номзодлар, прокуратура ходимлари, адвокатлар, нотариуслар, юриспруденцияга, хусусан, фуқаролик, иқтисодий ва маъмурий процессуал ҳуқуқ соҳасига қизиқувчи кенг китобхонлар оммаси учун мўлжалланган.

© Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси
Академияси, 2019.
© Юристлар малакасини ошириш маркази, 2019.

Падари бузрукворим Мусажон ҳожининг ёрқин хотирасига бағишлайман

Кириш

Мустақиллик йилларида мамлакатимизнинг суд-хуқуқ соҳаси ислоҳ этилиб, суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлашга қаратилган ҳуқуқий асослар яратилди, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари устунлигига асосланган ҳуқуқий тизим шаклланди.

Конституциямизда судларнинг мустақиллигини кафолатловчи нормалар мустаҳкамлаб қўйилди. Суд тизимини ижро этувчи ҳокимият органлари назорати ва таъсиридан батамом холи этиш имконини берувчи “Судлар тўғрисида”ги қонун янги таҳрирда қабул қилинди, шунингдек бу даврда жиноят-процессуал, фуқаролик-процессуал қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилди.

Судьялик лавозимига номзодларни тақдим этиш, судьяларнинг ваколатини тўхтатиш ва муддатидан олдин тугатиш, уларга нисбатан интизомий иш юритувни қўзғатиш вазифалари Адлия вазирлиги ваколатидан чиқарилди, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича судлар ташкил этилди.

Айнан ушбу даврда кассация инстанцияси ислоҳ қилиниб, суд ишларини қайта кўришнинг апелляция тартиби жорий этилди.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти томонидан қабул қилинган “Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, “Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ҳамда “Туман ва шаҳар умумий юрисдикция судлари фаолиятини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонлар суд-хуқуқ соҳасини демократлаштириш ва либераллаштиришга, суд ҳокимиятининг фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги роли ва аҳамиятини оширишга замин яратди.

Бироқ мамлакатимизни ривожлантиришнинг замонавий талаблари ва ривожланишнинг стратегик устувор вазифалари ҳозирги кунда бошқа соҳаларда бўлаётгани каби суд-хуқуқ

тизимини ҳам янада ислоҳ қилишни, судлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари томонидан фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтиришни тақозо этмоқда эди. Шу маънода Давлатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёев ташаббуси билан ишлаб чиқилган ва қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармон¹ мамлакатимизни ҳар томонлама ва жадал ривожлантириш мақсадини кўзда тутди.

Ҳаракатлар стратегиясида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини мустаҳкамлашга қаратилган муҳим тадбирлардан бири сифатида судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, фуқароларнинг мурожаатларини ўз вақтида ҳал этиш, бузилган ҳуқуқларни тиклашнинг барча зарур чораларини кўриш, фуқароларнинг одил судловга тўсқинликсиз эришишини таъминлаш ҳамда одил судловни амалга ошириш самарадорлиги ва сифатини ошириш, маъмурӣ, жиноят, фуқаролик ва хўжалик суд иш юритувининг процессуал асосларини такомиллаштириш назарда тутилди.

Суд фаолиятининг очиқлиги ва шаффоғлиги, суд муҳокамасининг ошкоралигини таъминлаш суд ишларини юритишнинг демократик процессуал шаклларининг муҳим таркибий қисмларидан бири ҳисобланиб, одил судловдаги қонунийликни амалга ошириш ҳамда фуқаролик процесси иштирокчиларининг ҳуқуқларини рўёбга чиқаришда муҳим юридик кафолат вазифасини бажаради. Судда иш кўришнинг ошкоралиги тамойили суд қарорларининг асосли, қонуний ва адолатли қабул қилинишини кафолатлайди.²

Судда иш кўришнинг ошкоралиги инсонларнинг суд ҳокимијатига бўлган ишончини мустаҳкамлайди, ошкора кўрилган ишларнинг оммавий ахборот воситалари орқали ёритилиши жамият томонидан суд фаолиятининг халқ назоратига олини-

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Ф-4947-сонли Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017. 13 февраль, 6-сон, 70-модда.

² Мамасиддиқов М.М. Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Умумий қисм / Олий ўқув юрти талabalari учун дарслик. Масъул муҳаррир ю.ф.д., проф. О.Оқюлов. –Тошкент: ТДЮИ нашриёти. 2010. – Б. 67-68.

шини таъминлайди ва тарбиявий аҳамиятга эга. Адабиётларда ҳам ишларнинг очик кўрилиши фуқароларга судьяларнинг ишлари билан бевосита танишиш, уларнинг фаолиятини халқ назорати остига олиш имконини бериши ва шунинг ўзи билан фуқаролик ишларининг тўғри ҳал этилишини таъминлаши ҳақида фикрлар илгари сурилган.³ Шунингдек, суд муҳокамасининг ошкоралиги бир томондан, суд иш юритувининг демократилиги белгиси бўлса, иккинчи томондан судда конституциявий тамойилларга риоя этилиши устидан аҳолининг назорат усули ҳамdir.⁴

Ошкоралик тамойилининг мақсади инсонларнинг суд ҳокимиятига бўлган ишончини мустаҳкамлашдан иборат. Ундан ташқари, суд мажлисида оммавий ахборот воситаларининг иштироки орқали суд ишларини кўришда жамоатчилик томонидан олиб бориладиган назорат таъминланади. Шунинг учун ҳам адабиётларда ошкоралик принципи деганда, фуқаролик ишларининг суд мажлисида кўрилишида барча шахсларнинг, шу жумладан оммавий ахборот воситалари вакилларининг ҳам иштирок этиши тушунилади.⁵ Ошкоралик принципи орқали фуқаролик ишлари материалларини оммавий ахборот воситалари, хусусан газета, журналларда чоп этиш, радио, телевидениеда эшиттириш ва намойиш этиш, ишларни зарур ҳолларда, жамоат ташкилотлари ва меҳнат жамоалари вакилларининг иштирокида, сайёр суд мажлисларида кўриш имконияти яратилади.

Таъкидлаш жоизки, фуқаролик суд ишларини юритишда ошкоралик тамойили ва жамоатчилик назоратини таъминлаш борасида муайян ишлар амалга оширилгани ҳолда мазкур масалани илмий тадқиқ этиб ўрганиш ўзининг долзарблигини йўқотган эмас. Айниқса, мамлакатимизда давлат органлари фаолиятининг очиқлиги ва жамоатчилик назоратини таъминлаш ҳамда суд ҳокимияти фаолияти очиқлигини таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш, фуқаролик

³ Шораҳметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи. –Т.: Адолат. 2001. -36 б.

⁴ Хабибуллаев Д.Ю. Фуқаролик процессуал ҳуқуқининг конституциявий тамойиллари. Ўқув қўлланма // Ш.Ш.Шораҳметов таҳрири остида. -Тошкент: ТДЮИ, 2006. -65 б.

⁵ Гражданское процессуальное право: Учебник / С.А.Алехина, В.В.Блажеев и др.; Под ред. М.С.Шакарян. - М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2004. -47 с.

суд ишларини юритишда ошкоралик тамойилини татбиқ этилишининг айрим процессуал масалаларини ўрганиш, суд ишларини юритишда замонавий ахборот технологияларини жорий этиш истиқболларини қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилиш, айниқса, фуқаролик суд ишларини юритишда жамоатчилик назоратини таъминлаш воситалари ва уларни такомиллаштириш масалаларини тадқиқ этиш долзарб масалалардан ҳисобланади. Мазкур монографияда юқорида қайд этилган масалалар миллий қонунчилигимиз ҳамда хорижий давлатларнинг илғор тажрибалари асосида қиёсий-ҳуқуқий таҳлил этилади, бу борада муайян таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилади.

1-боб. Ўзбекистонда давлат органлари фаолиятининг очиқлиги ва жамоатчилик назоратини таъминлашга доир қонунчилик: шаклланиши ва ривожланиши

1.1. Жамият ва давлат ишларини бошқаришда жамоатчилик назорати ва уни амалга оширишнинг конституциявий-ҳуқуқий кафолатлари

Мамлакатимизда демократик қадриятлар, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари муҳим омилга айланмоқда. Фуқароларнинг ўз салоҳиятларини рўёбга чиқаришда, уларнинг ижтимоий, социал-иктисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш учун шароит яратишда, жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлашга кўмаклашишда ҳамда давлат ва жамият бошқарувида жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг таъсирчан ва амалий механизmlарини жорий этишда мазкур институтларнинг аҳамияти беқиёс.

Давлат органларига юқлатилган вазифаларни бажариш самарадорлигини ошириш, улар томонидан инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларига риоя этиш устидан жамоатчилик назоратини ўрнатишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев ташаббуси билан ишлаб чиқилган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси муҳим ўрин тутади.

Давлатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида тўғри танқид қилганидек, "... бугунги кунга қадар давлат органлари фаолияти устидан самарали жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг аниқ ҳуқуқий механизmlари яратилмаган. Бу эса нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятини холисона баҳолашга ҳалақит бермоқда. Шундан келиб чиқиб, давлат ва жамият бошқарувида жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг таъсирчан ва амалий механизmlарини жорий этиш мақсадида "Жамоатчилик назорати тўғрисида"ги қонунни қабул қилиш зарур. Шу муносабат билан барча давлат органлари қошида фаолият

олиб борадиган жамоатчилик кенгашлари ташкил этишни таклиф қиласман. Мазкур жамоатчилик кенгашлари давлат органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлайдиган, уларни аҳоли билан бевосита боғлайдиган кўприк вазифасини бажариши лозим".⁶

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда фуқаролик жамияти институтлари жамоатчилик назоратини амалга ошириш орқали фуқароларнинг давлат билан ўзаро самарали алоқасини таъминлаш, одамларнинг кайфиятини, мамлакатда кечётган ўзгаришларга муносабатини аниқлашнинг муҳим воситаларидан бирига айланмоқда. Ўтган давр мобайнида мамлакатимизни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг роли ва аҳамиятини кучайтиришга, фуқароларнинг энг муҳим социал-иктисодий муаммоларини ҳал этишга қаратилган 200 дан ортиқ қонун ҳужжатлари қабул қилингани ҳам бу соҳа ривожига бўлган катта эътиборни кўрсатади.

Сўнгги йилларда “Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Жамоат фонdlари тўғрисида”ги, “Хомийлик тўғрисида”ги, янги таҳрирдаги “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги, “Экологик назорат тўғрисида”ги ҳамда “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 27 июндаги Ф-1796-сонли “Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги фармойиши, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 12 июлдаги ПҚ-1576-сонли “Фуқаролик жамияти шакланишини мониторинг қилиш мустақил институтини қўллаб-қувват-лаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори⁷, 2013 йил 12 декабрдаги ПҚ-2085-сонли “Фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга кўмаклашиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил февралдаги ПФ-4944-сонли “Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбир-

⁶Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи, 2017 йил 22 декабрь сони.

⁷Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 12 июлдаги ПҚ-1576-сонли “Фуқаролик жамияти шакланишини мониторинг қилиш мустақил институтини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори // “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2011, 30-сон, 312-модда. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси”, 2011, 7-сон, 184-модда.

лари тўғрисида”ги фармони⁸ ва бошқа қатор ҳужжатлар қабул қилинди, улар фуқаролик жамияти институтлари ижтимоий фаоллигини кучайтиришда муҳим омил вазифасини бажармокда.

Мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтларининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш борасида қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги қонуни қабул қилиниб, 2013 йилнинг 23 апрель куни матбуотда эълон қилинди ва шу кундан эътиборан кучга кирди.⁹ Мазкур қонунда жамоатчилик назорати фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан тегишли ҳудудда қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатларининг ижро этилиши ҳолатини ўрганиш; тегишли чоралар кўрилиши учун давлат органларига мурожаат этиш; давлат органлари вакола-тига кирувчи ва ижтимоий аҳамиятга молик масалалар бўйича сўровлар юбориш ҳамда қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа шаклларда ҳам амалга оширилиши мумкинлиги баён этилди (Қонуннинг 16-моддаси). Эътиборли жиҳати шундаки, ушбу моддада жамоатчилик назорати оммавий ахборот воситалари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда амалга оширилиши мумкинлиги, давлат органлари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига жамоатчилик назоратини амалга оширишда кўмаклашиши ва қонун ҳужжатларига мувофиқ уларнинг мурожаатлари юзасидан ўз вақтида чора-тадбирлар кўриши шартлигига оид нормалар ҳам мустаҳкамланди. Бу эса ўз навбатида, бугунги кунда фуқаролик жамияти институтлари, жумладан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари жамоатчилик назоратини амалга оши-рувчи субъект сифатида фуқароларнинг давлат билан ўзаро самарали алоқасини таъминлаш, одамларнинг кайфиятини, мамлакатда кечаётган ўзгаришларга муносабатини аниқлашнинг муҳим воситаларидан бирига айланаётганлигидан далолатдир.

⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 февралдаги ПФ-4944-сонли “Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017, 6-сон, 69-модда.

⁹ Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013, 17-сон, 219-модда.

Жамият ва давлат ишларини бошқаришда жамоатчилик назорати ва уни амалга оширишнинг яна бир муҳим ҳуқуқий асосларидан бири - Ўзбекистон Республикасининг “Экологик назорат тўғрисида”ги қонуни ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан 2013 йил 12 ноябрда қабул қилинган, Сенат томонидан 2013 йил 12 декабря маъқулланган ҳамда 2013 йил 28 декабря матбуотда эълон қилиниб, кучга кирган “Экологик назорат тўғрисида”ги қонунда фуқаролар экологик назорат субъектлари сифатида белгиланиб (8-модда), атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлаш тизимида ҳуқуқ ва мажбуриятлари мустаҳкамланди (17-модда).¹⁰ Ушбу Қонуннинг 9-моддасига кўра, жамоатчилик экологик назорати экологик назоратнинг алоҳида тури сифатида белгиланди. Қолаверса, фуқаролик жамияти институтларига экологик назоратнинг жамоатчи инспекторлари тизимини шакллантириш ҳамда уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш каби ваколатлар берилди. Жамоатчи инспекторлар юридик ва жисмоний шахсларнинг атроф-табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги қонун ҳужжатига риоя этилишини кузатиб бориш, жамоатчилик экологик экспертиза-сини ўтказиша иштирок этиш ва бошқа қатор ваколатларга эга бўлди (Қонуннинг 18-моддаси).

Бундай жамоатчи инспекторлар институти ҳозирги кунда АҚШ, Буюк Британия, Германия, Корея каби давлатларнинг табиатни муҳофаза қилишга доир амалиётида кенг қўлланилиб келинмоқда.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг конституциявий асосларини шакллантириш ва давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш механизmlарини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Олий Маж-

¹⁰ Ўзбекистон Республикасининг “Экологик назорат тўғрисида”ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 52-сон, 688-модда; 2017 й., 37-сон, 978-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.01.2018 й., 03/18/459/0536-сон; 09.01.2019 й., 03/19/512/2435-сон.

лиси Сенатининг 2014 йил 10 апрелдаги XIV ялпи мажлисида маъқулланган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзоланиб, 2014 йилнинг 17 апрелида матбуотда эълон қилиниб, кучга кирган “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига)”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилиниши¹¹ фуқароларнинг давлат ҳокимияти фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишдаги ролини янада кучайтириш, ҳокимиятлар бўлиниши конституциявий принципини ҳаётга изчил татбиқ этиш, ҳокимиятлар ўртасида ўзаротийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали тизими ни шакллантириш борасидаги изчил ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга қаратилган.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 32-моддасига Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришдаги иштироки давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ривожлантириш ва такомиллаштириш йўли билан амалга оширилишини назарда тутувчи норма киритилди. Ўз навбатида мазкур конституциявий норма фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришдаги иштирокининг муҳим шакли бўлмиш жамоатчилик назоратининг конституциявий асосларини шакллантиришга хизмат қиласи. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 32-моддаси иккинчи қисми “Давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш тартиби қонун билан белгиланади” деган мазмундаги норма билан тўлдирилди. Ушбу норманинг Асосий Қонунимизга киритилиши мамлакатимизда давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг қонунчилик асосларини ривожлантиришга хизмат қиласи.

Дарҳақиқат, мустақиллик йилларида қабул қилинган қонунлар таҳлили шуни кўрсатадики, уларнинг айримларида жамоат назорати ҳақида нормалар мавжуд бўлса-да, бироқ ушбу

¹¹ “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига)”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2014 й., 16-сон, 177-модда.

назоратнинг турлари, уни амалга ошириш усул ва шакллари, умуман назорат қилиш механизmlарини назарда тутувчи маҳсус қоидалар мавжуд эмас. Ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 32-моддасига иккинчи қисми сифатида киритилган норма мамлакатимизда жамоатчилик назорати тушунчаси, унинг турлари ва шакллари, уни амалга ошириш принциплари ҳамда уларнинг амалга татбиқ қилишнинг ҳуқуқий механизmlарини мустаҳкамловчи “Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонунни қабул қилишнинг нақадар муҳим эканлигини кўрсатади.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат Дастирининг 33-бандида давлат ва жамият бошқарувида жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг таъсирчан ва амалий механизmlарини жорий этишни назарда тутувчи “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини қабул қилиш вазифаси белгиланди.¹²

Ўзбекистон Республикасининг “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонуни Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатаси томонидан 2017 йил 15 ноябрь куни қабул қилинди, Сенат томонидан 2018 йил 29 марта маъқулланди ва Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2018 йилнинг 12 априлида имзоланиб, эртасига матбуотда эълон қилинди ва кучга кирди.¹³

Ўзбекистон Республикасининг “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонуни 21-моддадан иборат бўлиб, унда жамоатчилик назорати субъектлари, обьекти, асосий принциплари, шакллари, жамоатчилик назорати субъектларининг ҳамда давлат органларининг жамоатчилик назорати соҳасидаги ҳуқуқ

¹² Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида”ги Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.01.2018 й., 06/18/5308/0610-сон; 25.05.2018 й., 06/18/5447/1269-сон

¹³ Ўзбекистон Республикасининг “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонуни // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.04.2018 й., 03/18/474/1062-сон.

ва мажбуриятлари, жамоатчилик назоратининг натижалари, мазкур Қонунни бузганлик учун жавобгарлик масалалари ўз ифодасини топган.

Ҳуқуқшунос олим М.М.Миркуловнинг фикрича, мазкур Қонуннинг энг муҳим, таъбир жоиз бўлса, юрагини 15-16-моддаларда мустаҳкамланган жамоатчилик назорати субъектлари ва давлат органларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ташкил этади. Чунки ҳар қандай муносабатда ҳуқуқ ва мажбурият муносабатнинг асосини ташкил қилиб, ундан жавобгарлик келиб чиқади. Қонунда жамоатчилик назорати субъектларининг тадбирлар ўтказиш ташаббуси билан чиқиш, зарур бўлган ахборотни давлат органларидан сўраб олиш, назорат натижаларига кўра таклифлар ва тавсиялар тайёрлаш ҳамда уларни тегишли органларга кўриб чиқиш учун юбориш, тегишли материалларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юбориш, судга шикоят қилиш, жамоатчилик назорати натижаларини эълон қилиш каби ҳуқуқлари мустаҳкамланган. ... Жамоатчилик назорати субъектларининг қонун ҳужжатлари талабларига, қонунда белгиланган, давлат органларининг фаолияти билан боғлиқ бўлган чекловларга риоя этиш, давлат органларининг, улар мансабдор шахсларининг ўз ваколатлари доирасида амалга оширадиган фаолиятига аралашмаслик, давлат органларининг фаолият кўрсатиши, шунингдек улар мансабдор шахсларининг фаолияти учун тўсиқлар яратмаслик, фуқароларнинг шаъни ва қадр-қиммати камситилишига, уларнинг шахсий ҳаётига аралашишга йўл қўймаслик каби мажбуриятлари ўз ифодасини топган.¹⁴

Шу ўринда таъкидлаш керакки, айрим ривожланган хорижий давлатлар масалан, АҚШ, Буюкбритания, Германия, Франция каби давлатлар қонунчилик тажрибасида жамоатчилик назорати тўғрисида алоҳида қонун мавжуд эмас. Бироқ шундай бўлса-да, жамоатчилик назорати бошқа қонун ҳужжатларида ўз ифодасини топган. Ушбу давлатлар қонунчилик амалиётида

¹⁴ **Қаранг:** Миракулов М.М. Жамоатчилик назоратининг моҳияти ва аҳамияти // “Мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини таъминлашда давлат органлари фаолияти устидан самарали жамоатчилик назорати механизмини ишлаб чиқиш ва такомиллашибириш” мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари тўплами (23 май 2018 й.). Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист, юридик фанлар доктори, профессор, полковник М.Х.Рустамбаевнинг умумий таҳрири остида. –Т.: Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти, 2018. -Б. 37-38.

жамоатчилик назоратининг субъектлари бўлиб асосан фуқаролар, жамоат кенгашлари, илмий муассасалар, ННТ ҳамда ОАВ ҳисобланади. Данияда эса парламент, депутатлар, маҳсус комиссиялар ҳам жамоатчилик назоратининг субъектлари ҳисобланадилар.¹⁵

Россия Федерациясининг “Россия Федерациясида жамоатчилик назоратининг асослари тўғрисида”ги қонунига кўра, қўйидагилар жамоатчилик назоратининг субъекти бўлиб ҳисобланади:

- 1) Россия Федерациисининг жамоатчилик палатаси;
- 2) Россия Федерацииси субъектларининг жамоатчилик палатаси;
- 3) муниципал ташкилотларнинг жамоатчилик палатаси;
- 4) ижро ҳокимиятининг федерал органлари ҳузуридаги жамоатчилик кенгаши, Россия Федерацииси субъектлари давлат ҳокимияти қонунчилик (вакиллик) ва ижро органлари ҳузуридаги жамоатчилик кенгаши (Қонуннинг 9-моддаси).

Қозогистон Республикасида “Жамоат кенгашлари тўғрисида”ги қонун мавжуд бўлиб, унга кўра, жамоат кенгашлари деганда, вазирликлар, марказий ижро органларида ташкил этиладиган маслаҳат-кенгаш, кузатув органи ҳисобланади. Жамоатчилик кенгашида фуқаролик жамияти вакилларининг сони унинг азоларининг учдан икки қисмини ташкил этилиши талаб этилади.

Дунё тажрибаси шуни кўрсатадики, жамоатчилик назорати, биринчидан, фақатгина жамият учун эмас, балки давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятини самарали ташкил этишда муҳим аҳамият касб этади. Зеро, жамоатчилик назорати қонунларнинг самарали ишлашини таъминлашга, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилишга ва уни ҳимоя қилишга даъват қиласди, давлат тузилмаларининг барча давр-

¹⁵ **Қаранг:** Мамасиддиқов М.М., Одилов С.С. Мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини таъминлашда жамоатчилик назоратини таъминлаш механизmlари ва уларнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш // “Мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини таъминлашда давлат органлари фаолияти устидан самарали жамоатчилик назорати механизмини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш” мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари тўплами (23 май 2018 й.). Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист, юридик фанлар доктори, профессор, полковник М.Х.Рустамбаевнинг умумий таҳрири остида. –Тошкент, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти, 2018. -Б. 22-31.

ларда такомиллашувини таъминлайди. Жамоатчилик назорати орқали мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги ва масъуллиги ошади. *Иккинчидан*, жамоатчилик назорати орқали фуқаролар фикр-мулоҳазаларининг ижтимоий ҳаётдаги таъсирчанлиги ортади. Бу ўз навбатида мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг янада самарали кечишини таъминлайди. Учинчидан, жамоатчиликнинг ишончи ва қўллаб-қувватлаши орқали давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ўз фаолиятларини янада самарали ташкил этиш имконияти яратилади. Жамоатчиликнинг қўллаб-қувватлашини ҳис қилган ваколатли давлат органлари фуқаролардан, фуқаролик жамияти институтларидан келиб тушган таклиф ва мулоҳазалар асосида мамлакатда изчил ислоҳотларни амалга ошириш имкониятига эга бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонунини самарали амалга оширилишини таъминлаш ҳамда мамлакатимизда жамоатчилик назорати механизмларининг ҳуқуқий асосларини такомилластириш мақсадида қуидаги таклиф ва мулоҳазалар илгари сурилади:

Биринчидан, мамлакатимиздаги қонунчилик амалиёти ва тажрибасидан келиб чиққан ҳолда “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонунда асосий тушунчаларга таъриф берилиши таклиф қилинади. Масалан, Қонуннинг 1-моддасида ушбу Қонуннинг мақсади давлат органлари ва муассасалари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ташкил этиш ҳамда амалга ошириш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиши белгиланган. Шу ўринда мазкур Қонунда “давлат фаолияти” тушунчасига таъриф берилиши лозим. Зеро, давлат фаолияти деганда Ўзбекистон Республикаси давлат органлари ва муассасаларининг, бир сўз билан айтганда, давлат ҳокимияти органларининг олиб борадиган ички ва ташқи сиёсати тушунилар экан, демак нафақат ички сиёсат, балки ташқи сиёсатни амалга ошириш борасидаги фаолият ҳам жамоатчилик назорати остида бўлиши керак. Шунингдек, “Фуқаролик жамияти” атамаси айнан Ўзбекистон Республикасининг “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонунида очиб берилиши, унда фуқаролик жамиятининг давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлиги тамойиллари, фуқаролик жамиятининг давлат

органлари билан ахборот муносабатларига доир нормалар ўз ифодасини топиши лозим эди.

Иккинчидан, миллий ва хорижий давлатлар қонунчилик тажрибасидан келиб чиқкан ҳолда “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонуннинг 4-моддасига жамоатчилик назоратининг обьекти сифатида бошқарув бўйича давлат функцияларини амалга оширувчи корхоналар, такшилотлар ва муассасаларнинг фаолиятини ҳам жамоатчилик назоратининг обьекти қаторига киритиш таклиф қилинади. Аслида ҳам мазкур идоралар фаолияти устидан жамоатчилик назорати амалдаги қонун ҳужжатларида ўз ифодасини топган. Масалан, “Мехнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги, “Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида”ги, “Экологик экспертиза тўғрисида”ги, “Психиатрик ёрдам тўғрисида”ги, “Ветеринария тўғрисида”ги қонунлар, Ер кодекси кабилар шулар жумласидандир.

Амалиётда ҳозирги кунда фуқароларнинг кўплаб мурожаатлари “Ўзтрансгаз”, “Ўзавтосаноат”, “Ўзбекэнерго” ва бошқа шу каби аҳолига хизмат кўрсатувчи ташкилотларнинг фаолияти билан боғлиқ бўлмоқда. Бироқ “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонунда хўжалик бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати ўз аксинси топмаган. Бу эса мазкур масала “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонунда ўз ифодасини топиши лозимлигини кўрсатади.

Учинчидан, жамоатчилик назоратини таъминлаш механизлари ва уларнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш мақсадида фикримизча, Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқни ҳимоя қилувчи жамоатчилик ташкилотлари тўғрисида”ги қонунини қабул қилиш масаласини кўриб чиқиш таклиф қилинади. Ўз навбатида мазкур Қонун қабул қилингач, Ўзбекистон Республикасининг “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонунига ҳуқуқни ҳимоя қилувчи жамоатчилик ташкилотларининг давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратининг предмети, уларнинг бу борадаги ҳуқуқлари, ариза бериш тартиби, жамоат текширувини ўтказиш тартиби, уларнинг холосаси, уларнинг оммавий мурожаати, ушбу мурожаатлар ва холосаларни кўриб чиқиш тартибига оид нормалар киритилиши таклиф қилинади.

Тўртинчидан, “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонун қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ва уларда ўзини ўзи бошқариш органларининг давлат идоралари фаолияти устидан жамоатчилик назорати, унинг шакллари, халқ депутатлари туман (шаҳар) кенгашлари олдида маҳаллий давлат ҳокимиюти органларининг ҳисбот бериш тартиби, ушбу кенгашларнинг ваколатлари, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш механизmlари билан боғлиқ нормалар ўз ифодасини топиши лозим.

Муҳтасар қилиб айтганда, жамоатчилик назоратини таъминлаш механизmlари ва уларнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манбаатлари ҳимоясини таъминлашга, фуқаролик жамияти институтларининг ўрни ва ролини янада мустаҳкамлашга ҳамда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган устувор вазифаларнинг самарали амалга оширилишини таъминлашга хизмат қиласди.

1.2. Одил судловни амалга ошириш фаолиятининг очиқлигини таъминлашнинг ҳуқуқий асослари

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг устуворлиги қоидаси, инсоннинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни ва қадркиммати олий қадрият эканлиги, фуқароларнинг суд орқали ҳимояланишга бўлган ҳуқуқлари, одил судлов принциплари, суд давлат ҳокимиятининг мустақил тармоғи эканлиги, судларнинг мустақиллиги ва фақат қонунга бўйсуниши, айбиззлик презумпцияси каби қатор фундаментал, умум эътироф этилган халқаро ҳуқуқ нормалари ўз аксини топган.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М.Мирзиёев ташаббуси билан мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларнинг мақсади ҳам энг аввало инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манбаатларини самарали ҳимоя қилишнинг муҳим кафолати сифатида суд ҳокимиятининг нуфузини мустаҳкамлаш, судларнинг чинакам мустақиллигини

таъминлаш, уларнинг инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этишдаги ролини оширишdir. Ўртбошимизнинг давлат қурилиши ва унинг тараққиёти, жамиятимизнинг демократик янгиланиши, иқтисодиётимизни ривожлантириш ва эркинлаштириш, маънавий-маърифий ишлар билан боғлиқ бўлган, қисқача айтганда, олдимиизда турган барча муаммо ва вазифаларни ечишда “Халқ давлат манфаатларига эмас, давлат халқ манфаатларига хизмат қилиши керак”, деган теран маъноли фикрни асло унутмаслигимиз керак.

Шундай экан, суд-ҳуқуқ тизимида ҳам олиб борилаётган ислоҳотларнинг натижаси, инсон, унинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари суд орқали самарали ҳимоя қилинишини таъминлаш, фуқаролик ишлари бўйича судларнинг тарафларнинг тортишувчилик ва тенг ҳуқуқлилиги, фуқароларнинг қонун ва суд олдида тенглиги, судларнинг мустақиллиги ва фақат қонунга бўйсуниши каби принципларга асосланиб, қонуний, адолатли ва асосланган ҳал қилув қарори қабул қилиниши билан ўз ифодасини топади.

Маълумки, суд ҳокимияти давлат ҳокимиятининг алоҳида ва мустақил тармоғи ҳисобланади. Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 11-моддасида Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими - ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципига асосланиши ўз ифодасини топган. Давлат ҳокимиятининг муҳим тармоғи ҳисобланган суд ҳокимияти фаолиятининг очиқлиги, улар томонидан қабул қилинаётган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари билан боғлиқ қарорлар ҳақидаги ахборотлардан хабардор бўлиб боришни таъминлаш мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш шароитида муҳим масалалардан ҳисобланади.

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини суд орқали самарали ҳимоя қилинишини таъминлаш ҳамда қонуний ва асосланган суд қарорларини қабул қилишда суд ҳокимияти фаолиятининг очиқлиги муҳим аҳамият касб этади.

Давлат ҳокимияти сифатида судларнинг фаолиятида ҳам очиқ ва ошкораликни таъминлашнинг муҳим ҳуқуқий асоси сифатида аввало Ўзбекистон Республикасининг Конституция-

сини кўрсатиш жоиз. Конституциямизнинг 2-моддасида “давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилиши, давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамият ва фуқаролар олдида масъуллиги”, 14-моддасидаги “давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга ошириши”, 29-моддасидаги “ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига, ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга эканлиги”, 30-моддасидаги “Ўзбекистон Республикасининг барча давлат органлари, мансабдор шахслари фуқароларга уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб бериши лозим”лиги, 32-моддасидаги “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита иштирок этишлари, давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини олиб боришлари” каби муҳим нормаларнинг мустаҳкамалаб қўйилиши суд ҳокимиятининг фаолияти ҳақида жисмоний ва юридик шахсларнинг ахборот олиш ҳуқуқини кафолатлашга хизмат қилади.

Суд ҳокимиятига нисбатан қўлланиладиган ошкоралик, очиқлик принциплари адолатли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқни амалга оширишнинг муҳим кўринишларидан бири сифатида суд ҳокимиятининг ташкилий-ҳуқуқий масалаларини тартибга солувчи бир қатор халқаро ҳужжатларда ўз ифодасини топганлигини қайд этиш лозим. Масалан, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 10, 11, 19, 29-моддалари, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пактнинг 14, 19-моддалари,¹⁶ Бола ҳуқуқлари тўғрисида Конвенциянинг 13-моддаси¹⁷ ва бошқа ҳужжатлар шулар жумласидандир.

Таъкидлаш жоизки, ҳокимиятнинг бошқа тармоқларига қараганда суд ҳокимияти фаолиятининг очиқлиги масаласи

¹⁶ Инсон ҳуқуқлари: Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пакт. Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пакт ва факультатив протокол. –Т.: Адолат, 1992. -64 б.

¹⁷ Бола ҳуқуқлари тўғрисида Конвенция БМТ Бош ассамблеясининг 44/25-сонли резолюцияси билан 1989 йил 20 ноябрда қабул қилинган ва 1990 йил 2 сентябрда кучга кирган. Ўзбекистон Конвенцияга 1994 йил 29 июнда қўшилган.

ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 113-моддасида ҳамма судларда ишларнинг очиқ кўрилиши кафолатланиши билан бир қаторда ишларни ёпиқ мажлисда тинглашга қонунда белгиланган ҳоллардагина йўл қўйилиши ҳақидаги норма ҳам назарда тутилган. Мазкур конституциявий норма мамлакатимизнинг бошқа қонун ҳужжатларида ривожлантирилган. Бинобарин, Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги “Судлар тўғрисида”ги қонуни 7-моддасига кўра, ҳамма судларда ишлар очиқ кўрилиши, ишларни ёпиқ мажлисда кўриб чиқишга фақат қонунда белгиланган ҳолларда йўл қўйилиши назарда тутилган. Фуқаролик процессуал кодексининг 12-моддасида эса, давлат сирига, фарзандликка олиш сирига тааллуқли маълумотлар мавжуд бўлган ишлар бўйича ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ишнинг муҳокамаси ёпиқ суд мажлисида ўтказилиши ўз ифодасини топган. Шунингдек, мазкур модданинг учинчи қисмига кўра, Ишда иштирок этувчи шахсларнинг шахсий ҳаёти тўғрисидаги маълумотлар ошкор бўлишининг олдини олиш, ёзишмалар сирини ва қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни сақлаш мақсадида ёпиқ суд муҳокамаси ўтказилишига йўл қўйилади. Иқтисодий процессуал кодексининг 11-моддасида ҳам давлат сирини, тижорат сирини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни сақлаш зарур бўлган тақдирда ишни ёпиқ суд мажлисида эшлишга йўл қўйилиши, ишни ёпиқ суд мажлисида видео-конференцалоқа режимида эшлишга йўл қўйилмаслиги, бундай мажлиснинг аудио- ва видеоёзувлари амалга оширилмаслиги ҳақида нормалар мавжуд. Жиноят-процессуал кодексининг 19-моддасида барча судларда, давлат сирларини қўриқлаш манфаатларига зид келадиган, шунингдек жинсий жиноятлар тўғрисидаги ишлар кўриладиган ҳолларни истисно қилганда, жиноят ишлари ошкора кўрилиши ҳақидаги қоидалар назарда тутилган.

Бироқ шундай бўлса-да, суд ҳокимияти фаолиятининг очиқлиги ва иш кўришнинг ошкоралиги суд ишларини юритишнинг демократик процессуал шаклларининг муҳим таркибий қисмларидан бири ҳисобланиб, одил судлов жараёнида қонунийликни таъминлаш ҳамда процесс иштирокчиларининг ҳукуқларини рўёбга чиқаришда муҳим юридик кафолат вазифа-

сини бажаради. Судда иш кўришнинг ошкоралиги – инсонларнинг суд ҳокимиятига бўлган ишончини мустаҳкамлайди, ошкора кўрилган ишларнинг оммавий ахборот воситалари орқали ёритилиши суд фаолиятини устидан жамоатчилик назоратини амалга оширилишини таъминлайди ва муҳим тарбиявий аҳамиятга эга. Ҳукуқшунос олим Д.Ю.Хабибуллаев ҳам ўз асарларида суд муҳокамасининг ошкоралиги бир томондан, суд иш юритувининг демокративлиги белгиси бўлса, иккинчи томондан судда конституциявий тамойилларга риоя этилиши устидан аҳолининг назорат усули ҳам эканлигини таъкидлайди.¹⁸ Шу ўринда 1997 йил 24 апрелдаги “Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 7-моддасида давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва мансабдор шахслар ҳар кимга ўзининг ҳукуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган қонун ҳужжатлари билан, шунингдек ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб беришга мажбур эканликлари, ахборот олиш имконияти қонун ҳужжатларини ва тегишли материалларни эълон қилиш ва тарқатиш йўли билан таъминланиши ҳақидаги нормалар мустаҳкамлаб қўйилган.¹⁹

Шу ўринда таъкидлаш керакки, мамлакатимизда глобаллашув шароитида ахборот-коммуникация технологияларининг жамият ҳаётининг барча жабҳаларига шиддат билан кириб келиши республикамизни янада ривожлантиришга қаратилган ислоҳотларнинг самарасини белгилаб берувчи муҳим омилга айланди. Бу эса ахборотлаштириш соҳасини тартибга солувчи қонунчиликни ривожлантириш ва янада такомиллаштиришни тақозо этаётган эди. Республикаимизда ахборотлаштириш соҳасини ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги, “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги. “Ахборот олиш кафолат-

¹⁸ Хабибуллаев Д.Ю. Фуқаролик процессуал ҳуқуқининг конституциявий тамойиллари. Ўқув қўлланма // Ш.Ш.Шораҳметов таҳрири остида. –Т.: ТДЮИ, 2006. -65 б.

¹⁹ Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 24 апрелдаги “Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида”ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 4-5-сон, 108-модда; 2001 й., 1-2-сон, 23-модда; 2015 й., 52-сон, 645-модда.

лари ва эркинлиги тўғрисида”ги, “Алоқа тўғрисида”ги, “Телекоммуникация тўғрисида”ги, “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги, “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги, “Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида”ги, “Ахборот-кутубхона тўғрисида”ги қонунлар ва бошқа кўплаб қонуности ҳужжатлари қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 5 майдан кучга киритилган “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги Қонуни эса бошқа давлат органлари қатори суд ҳокимиятининг фаолиятида очик ва ошкораликни таъминлашдаги муҳим ҳужжатлардан бўлди.

Мазкур Қонунда жисмоний ва юридик шахсларнинг давлат органлари фаолияти тўғрисидаги ахборотдан фойдаланишини таъминлаш, ахборот олиш ҳуқуқининг кафолатларини таъминлаш, давлат органлари ҳамда мансабдор шахсларнинг қабул қилинаётган қарорлар учун масъулиятини ошириш, давлат органлари фаолияти билан боғлиқ ахборотни тарқатиш тартибини белгилаш асосий вазифалар сифатида кўрсатилди.

Бундай муҳим ҳуқуқларни амалда таъминлашга йўналтирилган мазкур Қонун ўз-ўзидан давлат ҳокимияти ва давлат бошқарувининг очиқлигини таъминлаш орқали давлатнинг яхлитлигича ҳам, ўзининг органлари тимсолида ҳам, мансабдор шахслари орқали ҳам давлат ҳокимиятчилигининг манбай бўлган халқ, яъни ўз фуқаролари олдида доимий мажбуриятлари борлигини англаради.

Шу ўринда суд ҳал қилув қарорларини жамоатчиликка маълум қилиб борилишининг бир қатор аҳамияти ва афзаллик томонлари мавжуд. Масалан, энг муҳими ишнинг ҳал этилишидан манфаатдор бўлган шахслар ишнинг ҳақиқий ҳолатидан хабардор бўладилар. Ш.Ш.Шораҳметов фикрича, фуқаролик суд ишларининг очик, ошкора кўрилиши ишда иштирок этувчи-ларга, шунингдек суд залида ҳозир бўлган бошқа шахсларда ҳам катта таассурот қолдириб, суд жараёнининг тарбиявий ролини таъминлайди. Ишларнинг очик кўрилиши, фуқароларга судьяларнинг ишлари билан бевосита танишиш, уларнинг фаолиятини халқ назорати остига олиш имконини беради ва шунинг ўзи билан фуқаролик ишларининг тўғри ҳал этилишини

таъминлайди.²⁰ Ошкоралик суд ишларини юритишнинг демократик процессуал шаклларининг муҳим таркибий қисмларидан бири ҳисобланиб, одил судловдаги қонунийликни амалга ошириш ҳамда фуқаролик процесси иштирокчиларининг хуқуқларини рўёбга чиқаришда муҳим юридик кафолат вазифасини бажаради. Судда иш кўришнинг ошкоралиги тамойили суд қарорларининг асосли, қонуний ва адолатли қабул қилинишини кафолатлайди.²¹ Ахборот олиш имкониятининг яратилиши суд ишларининг сонини камайишига ёрдам беради, чунки суднинг иш бўйича ҳал қилув қарори чиқарганлиги айни шу иш бўйича судга қилинаётган мурожаатларнинг олдини олади. Суд ҳал қилув қарорининг эълон қилиниши судьяларни иш юзасидан ўз қарорларини аниқ асослашига ундейди. Чунки унинг томонидан чиқарилган ҳал қилув қарорлари матбуот орқали ёки олимлар ва таҳлилчилар томонидан танқидга учраши мумкин.

Бинобарин, ахборот олиш имкониятининг яратилиши суд ишларининг сонини камайишига ҳам ёрдам беради, чунки суднинг иш бўйича ҳал қилув қарори ёки ҳукм чиқарганлиги айни шу иш бўйича судга қилинаётган мурожаатларнинг олдини олади. Судда иш кўришнинг очиқ ва ошкоралиги тамойили суд қарорларининг асосли, қонуний ва адолатли қабул қилинишини кафолатлашга хизмат қиласди. Суд ҳал қилув қарори ва ҳукмнинг эълон қилиниши эса судьяларни иш юзасидан ўз қарорларини аниқ фактлар билан асослашга ундейди. Шу ўринда, Давлатимиз раҳбари таъкидлаб ўтганида, давлатнинг обўси, жамиятнинг обўси суд органлари ва судьяларнинг қонун меъёрларига қанчалик риоя қилишига, улар қабул қилган қарорларнинг адолат меъёрларига нечоғлик мос келишига бевосита боғлиқдир.²² Шундай экан, ҳозирги кунда одил судлов ҳужжати саналмиш суд ҳал қилув қарорларининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини таъминлаш мақсадида унинг

²⁰ Шораҳметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига шарҳлар. –Тошкент: ТДЮИ нашриёти, 2010 й. 28-б.

²¹ Мамасиддиқов М.М. Фуқаролик процессуал хуқуқи. Умумий қисм / Олий ўқув юрти талабалари учун дарслик. Масъул муҳаррир ю.ф.д., проф. О.Оқюлов. –Тошкент: ТДЮИ нашриёти. 2010. – Б. 67-68.

²² Каримов И.А. Ҳозирги босқичда демократик ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг муҳим вазифалари. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. Т. 5. –Тошкент: Ўзбекистон. 1997. –Б. 109, 118, 126-128.

тушунарли, ҳамма учун очиқ ва шаффофлигини, бир сўз билан айтганда ҳал қилув қарорларининг трансперентлигини таъминлаш муҳим масалалардан бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 августдаги ПҚ-3250-сонли “Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда ушбу Қарорга илова сифатида 2017-2020 йилларда судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўйича Дастурнинг қабул қилиниши²³ эса бу борадаги амалий ишларни юқорида даражага олиб чиқишга замин яратди.

Бинобарин комплекс чора-тадбирларни амалга оширишнинг белгиланиши мамлакатимиз процессуал ҳуқук соҳалари олдида одил судлов ҳужжати саналмиш суд қарорларининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини таъминлаш мақсадида унинг ҳамма учун очиқ ва шаффофлигини таъминлаш, судлар фаолиятига замонавий ахборот технологияларини жадал суръатлар билан жорий этиш муаммоларини илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ этиб ўрганиш муҳим масалалардан ҳисобланади.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 августдаги ПҚ-3250-сонли Қарори ҳамда Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури”да назарда тутилган мазкур чора-тадбирларни самарали амалга оширилишида бу борада ривожланган хорижий давлатларнинг илғор тажрибаларини ўрганиш ва чуқур таҳлил этиш муҳим аҳамият касб этади. Зеро, хорижий давлатлар тажрибасида процессуал қонунчиликка ахборот технологияларни жорий этишнинг шакл ва услублари билан боғлиқ амалий нуқтаи назардан бирмунча қизиқарли бўлган масалалар мавжуд.

Фуқаролик ишларини адолатли кўриш ва ҳал этиш жараёнларида ошкоралик принципининг амал қилишини таъминлашда

²³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 августдаги ПҚ-3250-сонли “Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори // Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2017 г., № 36, ст. 948.

ишда иштирок этувчи шахсларнинг вакиллари, айниқса адвокатларнинг фаоллиги муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам адвокат томонидан фуқаролик ишини судда кўриш чоғида овоз ёзиш қурилмалари ҳамда бошқа техника воситаларидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фойдаланиш ҳуқуқининг таъминланиши масаласига алоҳида эътибор бериш талаб этилади. Маълумки, “Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 4-моддасига мувофиқ адвокат иш материаллари билан танишиш ҳамда ишни судда ва бошқа органларда кўриш чоғида овоз ёзиш қурилмалари ҳамда бошқа техника воситаларидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фойдаланиш ҳуқуқига эга²⁴. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 19-моддаси еттинчи қисмида суд залида овозларни ёзиб олиш, фото-суратга, видеоёзувга, кинога олишга фақат суд мажлисида раислик қилувчининг рухсати билан йўл қўйилиши белгилаб қўйилган.²⁵ Мамлакатимиз фуқаролик процессуал қонунчилигида очик суд мажлиси иштирокчилари суд залида овозларни аудио-техника воситалар орқали ёзиб олиш ҳуқуқига эга эканлиги, фотосуратга, видео-ёзувга ва кинога тушуриш эса суд мажлисида раислик қилувчининг рухсати билан амалга оширилиши ҳақидаги нормалар киритилди. Хусусан, янги ФПКнинг 208-моддасига кўра, суднинг ташаббусига кўра ёки суд процесси иштирокчиларининг илтимосномаси билан суд мажлисининг аудио- ёки видеоёзуви олиб борилиши мумкин. Суд мажлисини видеоконференсалоқа режимида ўтказиш зарур бўлган тақдирда, шунингдек суд мажлисида аудио- ёки видеоёзуви воситаларидан фойдаланилганда суд ишда иштирок этувчи шахсларни ва суд процессининг бошқа иштирокчиларини бу ҳақда огоҳлантиради. Суд мажлиси залида ҳозир бўлганлар ёзма қайдлар қилиш ҳуқуқига эга. Суд мажлисини фототасвирга тушириш, аудио- ва видеоёзувини

²⁴ Ўзбекистон Республикасининг “Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида”ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 й., 1-сон, 12-модда, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 52-сон, 514-модда; 2016 й., 39-сон, 457-модда; 2017 й., 37-сон, 978-модда.

²⁵ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят процессуал кодекси. –Тошкент, “Адолат”. 2018.

амалга ошириш, шунингдек оммавий ахборот воситаларида трансляция қилинишига тарафларнинг розилиги ва суд мажлисида раислик қилувчининг рухсати билан йўл қўйилади.

Ўрганилган аксарият МДҲга аъзо давлатларнинг фуқаролик процессуал қонунчилигида бу билан боғлиқ нормалар мустаҳкамлаб қўйилганлигини кўриш мумкин. Масалан, Россия Федерацияси ФПКнинг 10-моддасига кўра, ишда иштирок этувчи шахслар, очиқ суд мажлисида қатнашаётган фуқаролар ёзма равишда ёки овоз ёзиш воситалари орқали суд муҳокамасининг олиб борилиши қайд этиб бориш ҳуқуқига эга ҳисобланадилар. Фотосуратга, видео-ёзувга ва кинога тушириш, суд мажлиси жойидан радио ёки телевидениега олиб кўрсатиш ёки эшиттириш қилиш эса суд мажлисида раислик қилувчининг рухсати билан амалга оширилади. Беларусь Республикаси ФПКнинг 271-моддасида ҳам очиқ суд мажлисида қатнашаётган фуқаролик процесси иштирокчилари ёзма равишда ёки овоз ёзиш воситалари орқали суд муҳокамасининг олиб борилиши қайд этиб бориш ҳуқуқига эга эканлиги белгиланса-да, бироқ фотосуратга, видео-ёзувга ва кинога тушириш, суд мажлиси жойидан радио ёки телевидениега тўғридан-тўғри олиб кўрсатиш ёки эшиттириш қилиш ишнинг ҳал этилишидан манфаатдор бўлган шахсларнинг фикри эътиборга олган ҳолда амалга оширилиши назарда тутилган. Шунингдек, мазкур ҳаракатлар судда иш кўришни олиб борилишига ҳалақит бермаслиги талаб этилади.

Шу ўринда Украина ФПКнинг 5-боби “**Фуқаролик процессини қайд этиш (ёзib олиш)**” деб номланади. Мазкур бобнинг 197-моддасига кўра, суд ишни кўриш вақтида овоз ёзиш техник воситалари орқали суд мажлисини тўлиқ ёзив олиши ҳақидаги норма белгиланган. Суд мажлисини техник восита орқали ёзив олиш суд мажлиси котиби ёки раислик қилувчининг фармойишига кўра суд аппаратининг ходимига юклатилиши мумкин. Техник ёзив олинган суд мажлисидаги овозни тўлиқ ёки қисман қайта эшиттириш ишда иштирок этувчи шахслар ёки суднинг ташабbusи билан йўл қўйилади.

Суд мажлисини техник ёзив олиш воситалари орқали олинган маълумотлар (кассета, дискета ва бошқ.) суд мажлиси журналига илова қилинади ва суд мажлиси якунланганидан сўнг иш материалларига қўшиб қўйилади.

Ишда иштирок этувчи шахсларнинг илтимосномаларига асосан, раислик қилувчининг фармойиши билан техник ёзиб олинган суд мажлисининг тўлиқ ёки бир қисми пуллик асосда чиқариб берилиши мумкин. Ишда иштирок этувчи шахслар фуқаролик процессини техник ёзиб олинган воситалардан нусха олиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Шунингдек, ишда иштирок этувчи шахслар суд мажлиси журнали (баённомаси) каби техник қайд этилган суд мажлисининг ёзуви билан танишишлари, иш юзасидан ҳал қилув қарори эълон қилинишидан 7 кун аввал ушбу ёзувнинг нотўғрилиги ёки тўлиқ эмаслиги бўйича ўз эътиrozларини билдиришлари мумкин бўлади. Ушбу эътиrozлар келиб тушган кундан бошлаб 5 кун ичida кўриб чиқилиши керак.

Суд ҳал қилув қарорларининг жамоатчилик учун очиқлиги бўйича хорижий давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, масалан, Германия ва Францияда суд ҳал қилув қарорлари жамоатчилик учун очик бўлиб, айрим ҳолларда жиддий асослар мавжуд бўлганида тарафларнинг номлари ошкор қилинмайди. Айниқса, Францияда олий суд инстанцияларининг ва маъмурий судларнинг қарорларини тарқатишнинг самарали механизлари яратилган ва бу борада “Legifrance.gov.fr” номли Интернетдаги ҳуқуқий ахборот сайтининг алоҳида ўрни мавжуд. Мазкур ҳуқуқий ахборот сайтида ҳуқуқнинг барча манбалидан, шу жумладан, Франциянинг олий суд инстанцияларининг қарорлари билан бемалол танишиш мумкин.²⁶

Буюк Британияда ҳам худди шунга ўхшаш ҳолатлар мавжуд бўлиб, қизиқарли бўлган суд қарорларини оммавий ахборот воситалари орқали мунтазам равишда чоп этиб бориш анъана тусига кирган. Масалан, “Лондон Таймс” газетаси деярли ҳар куни сўнгги вақтларда бирмунча қизиқарли бўлган суд ишлари бўйича қабул қилинган қарорларнинг қисқача ахборотини чоп этиб боради. Ҳар чоршанба куни нашрга чиқадиган “Лоу Таймс” газетасида эса бутун бир боб қонунчилик ва суд амалиётига бағишлиланган. Шунингдек, лордлар Палатасининг маҳсус сайтида (<http://www.publications.parliament.uk/pa/ld>) Бирлашган

²⁶ Барнар К. Пути и способы распространения информации о судебных решениях в Великобритании / В сб.: Судебная практика как источник права. –М., 2000. -71 с.

Қиролликнинг барча ҳудудидаги олий суд инстанцияларининг қарорларини, иш муҳокамасига доир бошқа маълумотларни олиш мумкин. Мазкур сайтда муқаддам, яъни 1966 йилдан бошлаб қабул қилинган суд қарорлари ҳақидаги маълумотлар билан ҳам танишиш мумкин.²⁷

Суд қарорларининг очиқлиги бўйича АҚШ тажрибасига тўхталаған бўлсак, судлар томонидан қабул қилинган ва рўйхатдан ўтган барча ҳужжатлар билан аҳоли суд клерки офиси орқали танишиб бориш имкониятига эга. Суд ҳал қилув қарорларини нафақат электрон шаклда, балки чоп этилган шаклда ҳам олиш имконияти мавжуд. Хусусан, АҚШнинг барча суд қарорлари шу судларга тегишли бўлган нашрларда тўплам сифатида чоп этиб борилади ва мазкур нашрлар барча юридик кутубхоналарда мавжуд.²⁸

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, мамлакатимизда суд фаолиятининг очиқлиги ва суд қарорларининг барчага танишиш учун қулай бўлишини таъминловчи процессуал механизмларни ҳамда суд фаолияти тўғрисидаги ахборот манбаларини янада такомиллаштириш ҳозирги кунда мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш шароитида муҳим аҳамият касб этади. Шу мақсадда, мамлакатимизда тадбиркорларнинг иш юзасидан қабул қилинган хўжалик судлари қарорларини мунтазам равишда нашр этиб борилиши амалиётининг йўлга қўйилганини қўллаб-қувватлаган ҳолда айрим тоифадаги фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича ҳам қабул қилинган суд қарорларини қонунчиликда белгиланган тартибда маҳсус нашрларда эълон қилиб бориш ёки Олий суднинг расмий веб-сайти орқали жойлаштириш ва янгилаб бориш амалиётини кенг йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

²⁷ Барнар К. Пути и способы распространения информации о судебных решениях в Великобритании / В сб.: Судебная практика как источник права. –М., 2000. –С. 71-72.

²⁸ Власихин В. Виртуальное путешествие российского читателя п о американским судам // Российская юстиция. 2001. №3. –С. 60-63.

1.3. Суд ҳокимияти фаолияти устидан жамоатчилик назорати: ҳолати, таҳлили ва истиқболлари

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияда мустаҳкамланган инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, жамиятда қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқий онгини юксалтиришда суд органлари алоҳида ўрин тутади. Шунинг учун, мамлакатимизни янада ривожлантиришнинг асосий талабларидан бири суд органлари нуфузини кучайтириш, судларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш ва суд иш юритувининг самарадорлигини ошириш ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритиши (106-модда), судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашибга йўл қўйилмаслиги ва бундай аралашиб қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлиши (112-модда) кафолатланган.²⁹

Шу билан биргаликда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари, эркинликлари, қонуний манфаатларининг ишончли суд ҳимоясини таъминлаш ҳамда суд ҳокимияти органларига ишончни ошириш мақсадида аҳоли билан очиқ мулоқотни йўлга қўйиш ва суд ҳокимиятининг очиқлигини ошириш, судларнинг жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан ишларини кучайтириш ҳозирги кунда давлат сиёсатининг бу соҳадаги асосий устувор йўналишлари этиб белгиланди.

Шу кунларда ишларни сайёр суд мажлисларида кўриб чиқиш амалиётининг кенгайтирилганлиги, судлар фаолиятига замонавий ахборот технологияларининг кенг жорий этилаётганлиги иш бўйича қонуний, асослантирилган ва адолатли суд қарорларининг чиқарилишига хизмат қилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 июлдаги “Суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш ва суд ҳокимияти орган-

²⁹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Тошкент, Ўзбекистон. 2018. -60, 64, 65 бетлар.

ларига ишончни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 5482-сонли Фармони³⁰ бу борадаги ишларни амалга ошириш йўлида кўрилган муҳим чора бўлди. Бироқ суд органлари фаолиятининг шаффофлигини янада таъминлаш, аҳоли билан очик мулоқотни кенгайтириш ва айниқса, одил судловни амалга оширишда жамоатчилик ролини кучайтириш борасида ҳали қилиниши лозим бўлган ишлар талайгина.

Маълумки, қонунчилигимизда одил судловни амалга оширишда жамоатчилик ролини кучайтиришга қаратилган нормалар назарда тутилган. Масалан, “Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 29-моддасида Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича суди, жиноят ишлари бўйича вилоят, Тошкент шаҳар судларининг таркибида халқ маслаҳатчилари иштирок этиши, 36-моддасида жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) суди таркибида халқ маслаҳатчилари иштирок этиши, 40-моддада эса, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди ҳамда ҳудудий ҳарбий судлар таркибида халқ маслаҳатчилари иштирок этиши назарда тутилган.

Мазкур Қонунининг 62-моддасида халқ маслаҳатчиларининг ҳуқуқий мақоми белгиланган бўлиб, унга кўра, ўттиз ёшдан кичик бўлмаган, фуқароларнинг яшаш ёки иш жойидаги йиғилишларида очик овоз бериш йўли билан икки ярим йил муддатга сайланган Ўзбекистон Республикаси фуқароси халқ маслаҳатчиси бўлиши мумкинлиги, ҳақиқий ҳарбий хизматни ўтаётган, сайлов кунида ўттиз ёшга тўлган, ҳарбий қисмлар ҳарбий хизматчиларининг йиғилишларида очик овоз бериш йўли билан икки ярим йил муддатга сайланган Ўзбекистон Республикаси фуқароси ҳарбий суд халқ маслаҳатчиси бўлиши мумкинлиги, ҳар бир суд учун халқ маслаҳатчилари сони судьяларнинг тегишли малака ҳайъатлари томонидан белгиланиши, халқ маслаҳатчилари судлардаги вазифаларини бажариш учун йилига кўпи билан икки ҳафтага навбатманавбат чақирилиши, уларнинг иштирокида бошланган суд ишини кўришни тугаллаш зарурати бу муддатни узайтиришни тақозо этган ҳоллар бундан мустасно эканлиги, шу даврда

³⁰ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 июлдаги “Суд-хуқуқ тизимини янада такомиллаштириш ва суд ҳокимияти органларига ишончни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 5482-сонли Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 14.07.2018 й., 06/18/5482/1506-сон.

уларнинг иш жойидаги ўртача иш ҳақи сақланиб қолиниши белгиланган.³¹

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 13-моддасида иш биринчи инстанция суди томонидан ҳайъатда кўрилганда суд таркибига судья ва икки нафар халқ маслаҳатчиси кириши, одил судловни амалга оширишда халқ маслаҳатчилари судьянинг барча ҳуқуқларидан фойдаланиши, улар суд мажлисида ишни кўриш жараёнида келиб чиқадиган ҳамма масалаларни ҳал қилишда ва ҳукм чиқаришда раислик қилувчи билан тенг ҳуқуққа эга эканликлари мустаҳкамлаб қўйилган.³²

Таъкидлаш жоизки, халқ маслаҳатчилари илгари ҳам фаолият кўрсатган. Лекин уларнинг ўрни ва роли деярли йўқ эди ва расмиятчилик учунгина судда қатнашарди.

Ҳозирги кунда судловни амалга оширишнинг бутунлай янги тизими яратилмоқда. Судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисида низомда соҳа ходимларига залворли вазифа ва масъулият юклатилиши билан бир қаторда халқ маслаҳатчилариға ҳам алоҳида ургу берилди.

Ҳозирги кунда халқ маслаҳатчиларини ошкоралик асосида сайлаш талаби қўйилди. Хусусан, халқ маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш 2014 йил 22 апрелдаги Ўзбекистон Республикасининг “Судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисида низомга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги ЎРҚ-368-сонли Қонуни билан тасдиқланган “Судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисида”ги низом (янги таҳрири)³³ билан тартибга солинади. Унга кўра, халқ маслаҳатчилигига номзодлар кўрсатиш меҳнат жамоалари, фуқароларнинг яшаш жойидаги сай-

³¹ Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 й., 1-2-сон, 10-модда; 2002 й., 1-сон, 20-модда; 2004 й., 1-2-сон, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 51-сон, 514-модда; 2007 й., 29-30-сон, 296-модда; 2009 йил, 52-сон, 553-модда; 2011 й., 16-сон, 162-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 й., 6-сон, 249-модда; 2012 й., 38-сон, 433-модда; 2014 й., 4-сон, 45-модда; 2017 й., 13-сон, 194-модда, 15-сон, 242-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.07.2018 й., 03/18/486/1559-сон, 12.10.2018 й., 03/18/496/2043-сон.

³² Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. –Тошкент, “Адолат”, 2018.

³³“Судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисида”ги низом (янги таҳрири) // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 17-сон, 190-модда; 2017 й., 37-сон, 978-модда.

ловчилар томонидан, шунингдек ҳарбий қисмлардаги ҳарбий хизматчиларнинг йигилишлари томонидан амалга оширилади.

Меҳнат жамоаларида, ҳарбий қисмларда маҳалла фуқаролар йигинларида обрўси баланд, билимдон, жамиятда ўз ўрнига эга бўлган, ҳаётга теран кўз билан қараб, воқеликни тушуниб, таҳлил қилиб, баҳо бера оладиган кишилар номзодликка кўрсатилмоқда. Шуниси эътиборга моликки, сайлов ўтказилаётган манзилда энг камида 100 нафар сайловчи қатнашиши шарт. Бу дегани халқ маслаҳатчиси халқнинг ҳоҳиш-иродаси билан сайланади.

Судьяларнинг малака ҳайъатлари халқ маслаҳатчиларининг сайлови ҳаққоний ва шаффоф ўтиши бўйича назорат олиб боради.

Халқ маслаҳатчисига тегишли гувоҳнома берилиши билан бир қаторда уларни ўқитиш тизими ҳам ишлаб чиқилди. Машғулотларни кўп йиллик судья лавозимида ишлаб келган, ўз касбини мукаммал ўзлаштирган судьялар олиб боради. Машғулотлар савол-жавоб тарзида ўтади ҳамда халқ маслаҳатчиларининг билими баҳоланади. Қонунчиликдаги янги ўзгаришлар, уларнинг моҳияти ҳақида муфассал тушунчалар берилади. Шу каби саъй-ҳаракатлар натижасида халқ маслаҳатчиларининг билим савияси ошмоқда. Бу эса судларда кўрилаётган ишларнинг одилона ҳал этилишида муҳим ўрин тутади.

Судларда жиноят ишларининг адолатли тарзда кўриб чиқилиши ва қонуний ҳал этилишида жамоатчиликнинг иштирок этиши Асосий Қонунимизнинг 32-моддасида белгилаб қўйилган Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқининг амалдаги натижасидир.

Маълумотларга қараганда, жиноят ишлари бўйича судлар ва ҳарбий судлар судьяларининг тегишли малака ҳайъатларида 2014 йилнинг июль ойигача 15 744 нафар халқ маслаҳатчилари фаолият кўрсатиб келган.³⁴ 2016 йилдаги

³⁴ Халқ маслаҳатчилари судлар фаолияти очиқлиги ва одиллигини таъминлашга хизмат қиласи https://www.norma.uz/uz/bizning_sharhlar/halq_maslahatchilari_sudlar_faoliyati_ochiqligi_va_odilligini_taminlashga_hizmat_qiladi

ҳисоб-китобларга кўра, жиноят ишлари бўйича судларга жами 10 минг нафардан ортиқ халқ маслаҳатчиси сайланган.³⁵

Халқ маслаҳатчиларининг жиноят ишлари бўйича судлардаги иштироки шахс, жамият ва суд ҳокимияти ўртасидаги ижтимоий алоқаларни мустаҳкамлаши баробарида қонун устуворлиги ва ижтимоий адолатни таъминлашнинг муҳим омили ҳамдир. Шунинг учун ҳам суд ҳукм ва қарорлари камдан-кам ҳолатлардагина ўзгараётганида халқ маслаҳатчиларининг салмоқли ҳиссаси борлигини соҳа мутахассислари ҳам алоҳида таъкидлаб келадилар.³⁶

Мамлакатимизда халқ маслаҳатчилари институтининг ўзига хос жиҳатлари ҳақида мутахассислар томонидан билдирилган фикрларга кўра, халқ маслаҳатчиларининг суддаги иштироки адолатни қарор топтириш, айбдорга қонун доирасида жазо тайинлашга хизмат қиласи. Зеро, халқ маслаҳатчилари иш натижаларидан манфаатдор бўлмаган шахс сифатида судланувчига қандай жазо тайинлаш кўпроқ самара бериши ҳақида фикр билдиради ва бу суд томонидан инобатга олинади. Аҳамиятли жиҳати шундаки, халқ маслаҳатчилари судьяларнинг мустақиллигига мутлақо дахл қилмаган ҳолда фаолият кўрсатади ва бу суд ҳокимияти фаолиятининг очиқ ва ошкоралигини таъминлашнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланади.³⁷

Кўпчилик мутахассислар халқ маслаҳатчиларининг жиноят ишларини кўришдаги иштирокини янада кенгайтириш, халқ маслаҳатчилари институтини такомиллаштириш лозим деган фикрни илгари суради.³⁸

Бироқ мамлакатимизда жиноят-процессуал қонунчиликни ривожлантириш тенденцияси жиноят процессида якка судья томонидан кўриладиган ишлар доираси кенгайиб бораётганигини кўрсатади. Масалан, ЖПКнинг 13-моддасига киритилган

³⁵ Ўсаров О. Халқ маслаҳатчилари институти судлар фаолияти очиқлигини таъминлашга хизмат қиласи // http://uzbekistonovozi.uz/articles/index.php?ELEMENT_ID=41057

³⁶ Қаранг: Дўсманов С. Халқ маслаҳатчиси ҳаққоний ишласа, адолат ўрнатилишида муҳим ўрин тутади // <http://www.aza.uz/oz/society/khal-masla-atchisi-a-oniy-ishlasa-adolat-rnatilishida-mu-im--19-04-2019>

³⁷ Қаранг: Ўсаров О. Ўша жойда.

³⁸ Ҳакимов М. Халқ маслаҳатчилари институти ва одил судлов // <http://old.xs.uz/index.php/homepage/ sijosat/item/628-xalq-maslahatchilar>; Рустамов Л.Р. Одил судловнинг демократик асослари // Ҳукуқ магистирлигини олиш учун диссертация. –Т.: 2007. – 74 б.

ўзгартиш ва қўшимчаларга мувофиқ, Жиноят кодекси 15-модда-сининг иккинчи - тўртинчи қисмларида назарда тутилган жиноятлар тўғрисидаги ишлар судья томонидан якка тартибда кўрилиши белгиланди.³⁹ Унга кўра, 2018 йилнинг 1 апрелидан бошлаб оғир жиноятлар биринчи инстанция судида судья томонидан якка тартибда кўрилади. Халқ маслаҳатчилари фақат ўта оғир жиноятлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга жалб этилади.⁴⁰

Таъкидлаш жоизки, ҳозирги кунда аксарият хорижий давлатларда (масалан, Канада, Франция, Греция, Италия, Янги Зеландия, Россия, Германия, Англия, АҚШ ва бошқалар) суд процессида жамоатчилик назоратининг муҳим кўринишларидан бири сифатида суд маслаҳатчилари (суд присяжных)⁴¹ кенг жорий этилган.

Хорижий давлатлар амалиётида кўп йиллар давомида фаолият кўрсатиб келаётган одил судловни амалга оширишда жамоатчилик иштирокининг ушбу модели одил судловни ташкил этиш ва амалга ошириш жараёнида фуқароларнинг манфаатини ўзида намоён қилиб, аҳолининг суд тизимиға бўлган ишончини ошишига хизмат қилиб келади.

Суд маслаҳатчилари турли давлатларда турлича номланишини кўриш мумкин. Масалан, lay judge (халқ судьяси); assessor (халқ маслаҳатчиси), schoffe (шеффен), cour d'assises (ассиз).⁴²

Хорижий давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, аҳолининг суд ҳокимияти органларига ишончи юқори бўлмаган давлатларда жиноят, маъмурий ва фуқаролик суд ишлари профессионал бўлмаган ва профессионал бўлган судьялар иштирокида ҳайъатда кўриб чиқлади.

³⁹ Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 29 январдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида”ги ЎРҚ-463-сонли Қонуни // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.01.2018 й., 03/18/463/0634-сон — 2018 йил 1 апрелдан кучга кирди.

⁴⁰ 1 апрелдан бошлаб судья оғир жиноятларни якка тартибда кўради <https://www.norma.uz/>

⁴¹ Юридик адабиётларда присяжний, инглизчада juror - қасамёд қилганлар тарзида баён этилади. Қаранг: Миразов Д.М. Англия ва АҚШда судга қадар иш юритуви органларининг фаолияти устидан контролъ ва назоратни амалга оширишнинг тажрибаси // Ҳукуқий тадқиқотлар журнали www.tadqiqot.uz. 2017. №6. -50 б.

⁴² Общественный контроль в судебной системе: проблемы и тенденции // [HTTPS://SIBAC.INFO/CONF/JURISPRUDENCE/IV/88769](https://SIBAC.INFO/CONF/JURISPRUDENCE/IV/88769)

Данияда жамоатчиликнинг одил судловни амалга оширишдаги иштироки суд процессида профессионал бўлмаган судьялар ёки суд маслаҳатчиларининг қатнашишида намоён бўлади. Биринчи инстанция судида ишларнинг кўрилишида учта халқ судьяси ва учта профессионал судья ёхуд тўққизта суд маслаҳатчиси ёки учта профессионал судья иштирок этади.

Францияда узоқ йиллар давомида одил судловни амалга оширишнинг ўзига хос моделидан фойдаланилади. Унга кўра, жиноят ишлари судда профессионал судьялар ва суд маслаҳатчиларидан иборат ҳайъат таркибида кўрилади. Суд маслаҳатчилари айрим тоифадаги, хусусан, 10 йил озодликдан маҳрум қилиш (жисмоний шахслар учун) ёки 75000 € миқдорида жарима солиш (юридик шахслар учун) тўғрисидаги жиноят ишларининг кўрилишида иштирок этади. Францияда 16-18 ёшли вояга етмаганлар томонидан содир этилган оғир жиноятлар учта малакали судья ва тўққизта суд маслаҳатчилари иштирокида кўрилади. Мабодо, судья суд маслаҳатчиларисиз, ўзи якка тартибда вояга етмаганларнинг жиноий ножӯя ҳаракатларига доир ишларни кўрадиган бўлса, бу ҳолда судья судланувчига нисбатан фақат тарбиявий ва назорат чораларинигина қўллай олади.⁴³

Англияда суд маслаҳатчилари (присяжнийлар) қотиллик жиноятларини, табиий бўлмаган ёки гумонли ўлим ёки ўлимнинг сабаби аниқланмаган ҳолатларни текширишда иштирок этади.⁴⁴

Австрия, Дания ва Норвегия каби давлатларда энг оғир жиноят ишлари суд маслаҳатчилари томонидан, ўртacha оғирликдаги жиноят ишлари аралаш ҳайъат томонидан, унча оғир бўлмаган жиноий хатти-ҳаракат учун жиноий жавобгарлик масалалари эса якка судья томонидан кўрилиши белгиланган.

Германияда эса фуқароларнинг профессионал бўлмаган судья сифатида одил судловни амалга оширишдаги иштироки кўрилаётган низоли ишларнинг тоифасидан келиб чиқиб белгиланади.

Европанинг аксарият давлатларида халқ судьяси, суд маслаҳатчилари профессионал судья билан шахснинг айбдор

⁴³ Франция // Правовые системы стран мира. -М.: Норма. 2000. -С. 526.

⁴⁴ Иноғомжонова З.Ф. Жиноят процессида суд назорати. Ўқув қўлланма. –Т.: ТДЮИ. 2007. – 25 б.

ёки айбдор эмаслиги, шунингдек судланувчига жазо чорасини белгилаш билан боғлиқ масалани биргаликда ҳал этади. Буюк Британияда фуқаролик ишларининг кўрилишида суд маслаҳатчилари нафақат у ёки бу тарафлар учун фуқаролик-ҳуқуқий оқибатни вужудга келтирувчи қарор қабул қилишади, балки шу билан бирга зарарни ундириш тўғрисидаги ҳал қилув қарорини ҳам қабул қилиш ваколатига эга. Бошқача айтганда, агар профессионал судья зарарни ундириш лозимлиги ҳақида тўхтамга келса, суд маслаҳатчилари зарарни қанча миқдорда ундириш лозимлигини белгилашлари мумкин.

Европа давлатларида жамоатчилик назоратининг муҳим кўриниши сифатида фуқароларнинг суд процессларида иштирок этишининг қонунчиликда мустаҳкамланиши одил судловни ташкил этиш ва амалга ошириш жараёнида фуқароларнинг манфаатини намоён қилиб, пировардидага аҳолининг суд тизимиға бўлган ишончини ошишига олиб келмоқда. Бу эса ўз ўзидан фуқаролик жамияти институтлари томонидан ҳам одил судлов жараёнлари устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишларига замин яратади.

Аҳолининг одил судлов жараёнларидаги иштирокининг тури, шакли ва воситалари муайян давлатнинг сиёсий режими, сиёсий маданияти ва амалдаги сиёсий тизимиға боғлиқ бўлади. Масалан, АҚШда айрим Европа давлатлари тажрибасидан фарқли равишда олти йилдан ортиқ озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланиладиган жиноят ишларининг судларда кўрилишида фуқароларга суд маслаҳатчилари иштирокида ишни кўриш ҳуқуки берилади. Бироқ маҳсус суд томонидан ҳарбий хизматчилар иштирокида кўриладиган ҳарбий хизматчилар иши билан боғлиқ бўлган ишлар бундан мустасно. АҚШда ҳар бир штат судда иштирок этадиган суд маслаҳатчиларининг сонини мустақил белгилайди.⁴⁵ Японияда ҳалқ судьялари оғир жиноят ишларининг муҳокамасида судья сифатида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлиб, ҳалқ судьяларининг судлов ҳайъати таркиби олтида ҳалқ судьяси ва учта профессионал судьядан иборат бўлади. Айбланувчи ҳалқ судьясидан воз кечиш ҳуқуқига эга бўлмайди.

⁴⁵ Яровая М.В. Особенности англо-американской и континентальной моделей суда присяжных и проблемы его реставрации в России // Российская юстиция. 2006.- № 1.

Суд процессида суд маслаҳатчиларининг иштирок этиши судьянинг ўз устида ишлашига, ўз билим ва малакасини мунтазам равишда ошириб боришига, ҳар қандай ишнинг суд муҳокамасига киритишдан аввал пухта тайёргарлик кўришига замин яратади.

Суд маслаҳатчиларининг иштирок этиши судья томонидан ишларни процессуал қонунчиликка қатъий амал қилган ҳолда олиб боришига даъват қиласди. Зоро, жамоатчиликнинг жиноят ишларини судларда кўришдаги фаоллиги ошгани сари судлар томонидан қонунийликка тўлиқ риоя қилишни таъминлаш борасидаги назорат ҳам кучайиб боради.

Бироқ айрим мутахассисларнинг фикрича, барча халқ маслаҳатчилари ҳам ишларни кўришда фаол қатнашмоқда, деб бўлмайди. Чунки сайлов ўтказишида қонун талабларига риоя қилинган ҳолда ёши ва судланмаганлиги каби мезонларга эътибор қаратилган бўлса-да, лекин уларнинг ишchanлик қобилияти, ишларда қатнашиш имконияти, ҳаёт тажрибаси инобатга олинмаган. Бу айрим халқ маслаҳатчилари ишларни кўришда умуман иштирок этишмагани ёки номигагина келиб кетганини кузатиш мумкин. Шу сабабли, 2019 йил май ойида бўладиган халқ маслаҳатчилари сайловини ошкоралик асосида ўтказиб, фақат муносиб кишиларни сайлаш жуда муҳим. Сайловни ўтказишида тегишли малака ҳайъати аъзолари ташаббускор ва талабчан бўлиши, қолаверса, сайловни ўтказишида кенг жамоатчилик вакиллари, айниқса, Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар корпусини шакллантиришга кўмаклашувчи комиссия аъзолари ҳам фаол иштирок этишлари, сайловларнинг шаффоф ҳамда ошкора ўтишини назорат қилишлари мақсадга мувофиқ.

Умуман олганда, одил судловни амалга ошириш жараёнида жамоатчилик назоратидан кўзланган мақсад муайян суд иши юзасидан ижтимоий адолатли ва бенуқсон суд қарорларининг чиқарилишига эришишдан иборат. Шундай экан, фикримизча, мамлакатимиизда ҳам нафақат жиноят, балки маъмурий, фуқаролик ишлари бўйича ҳам суд маслаҳатчилари институтини жорий этиш лозим. Шу мақсадда “Ўзбекистон Республикасининг суд маслаҳатчилари тўғрисида”ги қонунини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш тавсия этилади. Унга кўра, айрим тоифадаги фуқаролик, маъмурий ишларда, шунингдек оғир ва ўта оғир

жиноятларнинг туман ва вилоят судларида кўрилишида суд маслаҳатчиларининг иштирок этиши, суд маслаҳатчиларининг сони, уларни танлаш (сайлаш) шартлари, муддатлари, уларнинг ҳуқуқий мақоми каби нормалар назарда тутилиши керак.

Бу борада мутахассисларнинг фикрига мурожаат қиласидиган бўлсак, айрим тоифадаги фуқаролик ишларида, масалан мерос, никоҳдан ажратиш, даъволи тартибда кўриладиган алимент ундириш тўғрисидаги ишларда халқ маслаҳатчиларининг иштирок этишини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайдилар. Уларнинг фикрича, оила бутлиги жамиятда муҳим роль ўйнаши, битта судья эмас, балки халқ маслаҳатчилари фикрлари билан келишиб, сўнгра бир қарор чиқарилиши халқ розилигига эришишининг муҳим гарови эканлигини таъкидлайди.⁴⁶

Шу билан биргаликда суд маслаҳатчилари институтининг жорий этилиши муносабати билан уларни ўқитиш, малакаларини ошириш, суд биносида улар учун алоҳида хоналар ажратиш, уларнинг хавфсизлигини таъминлаш, ижтимоий муҳофаза қилиш билан боғлиқ масалалар ҳам ўз ечимини топиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 январдаги “Судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4096-сонли қарори⁴⁷ асосида судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини оширишнинг ягона тизими ташкил этилаётгани соҳага малакали кадрларни жалб этишга хизмат қиласиди.

Эндилиқда судьялик лавозимларига номзодларда назарий билимлар, касбий этика, психология, ишчанлик мулоқоти ва вақтни бошқариш кўникмалари, музокаралар олиб бориш тактикаси, ахборот билан ишлаш технологияси, ҳуқуқ нормаларига шарҳ бериш ва қўллашни ривожлантиришга

⁴⁶ Қаранг: Дўсманов С. Кўрсатилган асар.

⁴⁷ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 январдаги ПҚ-4096-сонли “Судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори // Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 07.01.2019 й., 07/19/4096/2427-сон.

эътибор қаратилиши уларни замон билан ҳамнафас ҳолда фаолият юритиши учун пухта замин ҳозирлайди.

Судьялик лавозимларига номзодларни қабул қилиш 2019/2020 ўкув йилидан бошлаб фақат судьялик лавозими захирасида бўлган шахслар орасидан танлов асосида Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий суди билан биргалиқда белгиланадиган квоталар бўйича амалга оширилади.

Судьялик лавозимларига 2020 йил 1 сентябрдан бошлаб фақат судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш курсларида ўқишини муваффакиятли тамомлаган шахслар тайинланади.⁴⁸

Судлар фаолиятида шаффоффикни таъминлаш, бу борада жамоатчилик назоратининг самарали механизmlарини жорий этиш ҳамда фуқароларга яна қулайлик туғдириш, суд-хуқуқ соҳасида фуқароларимизнинг фикр ва таклифларини инобатга олиш мақсадида суд биноларида “Фикр-мулоҳазалар қутиси” ташкил этилиши ҳам муҳим янгиликлардан бири бўлди.

Суд биноларида ўрнатилган фикр-мулоҳазалар қутиси Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши, туман (шаҳар) судининг мутасаддилари, Халқ қабулхонасининг ҳудудий бўлимлари мутассадилари, шунингдек, жамоатчилик вакиллари иштирокида муҳрланди. Эндиликда фуқаролар ўз таклиф ва мулоҳазаларини айнан шу қутиларга жойлашлари ва суд ҳуқуқ тизимга ўз фикрларини баён этишлари мумкин.

Мазкур қутилар ҳар ойда бир маротаба Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожатлари билан ишлашни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш хизмати ва Судьялар олий кенгаши вакиллари иштирокида очилади ҳамда фуқароларнинг фикр-мулоҳазалари ҳар томонлама ўрганилади.⁴⁹

Фуқаролик суд ишларини юритишда ошкоралик тамойили ва жамоатчилик назоратини таъминлашнинг муҳим механизmlаридан яна бири бу – нодавлат-нотижорат ташкилотлари

⁴⁸ Ёдгоров Х.Б. Судья нафақат қонун, балки виждони олдида ҳам ҳисоб бериши керак // www.olysud.uz/uz/suda-nafakat-konun-balki-vizdoni-oldida-am-isob-berisi-kerak-331

⁴⁹ <https://kun.uz/58622764?q=%2F58622764>

томонидан мамлакатимиз судлари ва суд ишларини юритиш тўғрисида жамоатчилик фикрини ўрганиш юзсидан турли ижтимоий сўровларни амалга ошириб бориш ҳисобланади.

Ўзбекистонда фаолият юритадиган “Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан “Судлар ва суд ишларини юритиш тўғрисида жамоатчилик фикри” мавзусида жамоатчилик фикри сўрови ўтказилган. Унда мамлакатнинг барча минтақаларидаги 18 ёш ва ундан катта 1100 нафар киши сўралиб, уларнинг 49,2%и эркаклар ва 50,8%и хотин-қизлар ташкил этган.

Сўров натижаларининг кўрсатишича, ўзбекистонликлар мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг судлов соҳасида замонавий талаблар ва халқаро андазаларни ҳисобга олган ҳолда мамлакат суд тизимини такомиллаштириш бўйича ташаббусларини маъқуллаганлар ва қўллаб-қувват-лаганлар. Фуқаролар бешта устувор йўналиш бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида амалга оширилаётган суд тизимини ислоҳ қилиш суд ҳокимиятининг ҳақиқий мустақиллигини таъминлаши, фуқароларнинг бирор-бир монеликсиз одил судловдан фойдаланишини таъминлаши, инсон хукуқ-лари ва эркинликларини ишончли тарзда ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириши кераклигини англайдилар.

Сўров натижаларига мувофиқ, мамлакатнинг мутлақ кўпчилик (81,5%) фуқаролари яшаш минтақасидан, ёшидан, маълумотидан, ижтимоий ва этник келиб чиқишидан, фаолият соҳасидан қатъи назар, суд тизимини ислоҳ қилишни қўллаб-қувватлайдилар.

Сўровнинг кўрсатишича, фуқароларнинг фикрига кўра, мамлакат суд тизимида ҳали қатор камчиликлар мавжуд бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

- судларнинг ўз фаолиятига аралашувдан мустақиллиги тўла таъминланмаган;
- судьялар ўртасида қонунга зид ҳаракатлар содир қилиш, коррупция, инсонларнинг ташвишларига бефарқлик, адолат қонунларини бузувчи қарорлар қабул қилиш ҳолатлари учраб туради;
- ишларни ўз вақтида кўриб чиқмасликка ва сансоларликка йўл қўйилмоқда.

Сўров иштирокчилари шунга умид қиласиларки, суд органдари ва судьялар ишининг қонун талаблари ва адолат қоидаларига мувофиқ ташкил этилиши бу камчиликларни бартараф этади, мамлакатда қонун устуворлигини таъминлайди ва аҳолининг суд тизимиға ишончи даражасини оширади.

Суд ҳокимиятининг ҳақиқий мустақиллигини таъминлаш ва одил судловни амалга ошириш бўйича фаолиятга аралашганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги қоидасини амалга ошириш суд-хуқук тизимини янада ислоҳ қилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг устуворликларидан бири бўлиб ҳисобланади. Жамоатчилик фикри сўрови жараёнида ўзбекистонликларнинг судлар ва судьяларнинг улар фаолиятларига давлат ва ижроия ҳокимият органларининг таъсири ва аралашувидан қанчалик мустақиллиги ҳақида тасаввурлари аниқланди.

Респондентлар жавобларининг мониторинги ижобий жавобларнинг барқарорлигини, шунингдек, судьялар ҳали ўз фаолиятига учинчи шахсларнинг аралашувидан тўла даражада мустақил эмас, деган фикрга қўшилувчи респондентлар сонининг ўсганлигини аниқлади. Фуқароларнинг қайд этишича, мустақил, беғараз суд корпусини шакллантиришга қаратилган янада кўпроқ амалий чоралар кўриш зарур. Сўров ўтказиш даврида суднинг мустақиллиги таъминланмаган, деб ҳисболовчи респондентлар сони ўсан.

Минтақавий кесимда сўровнинг кўрсатишича, Қашқадарё вилояти (52,9%) ва Тошкент шаҳридаги (51,2%) аҳолининг ярмидан кўпи ва Қорақалпоғистон Республикаси (42,9%), Андижон (44,2%), Наманган (42,2%) вилоятларидаги сўралгандарнинг учдан бир қисмдан кўпи ҳали суднинг мустақиллиги тўла даражада таъминланмаган деб ҳисблайди. Хоразм (37,7%) ва Жиззах (31,8%) вилоятларидаги респондент-лар бу фикрга камроқ даражада таянадилар.

Қорақалпоғистон Республикаси ва Сурхондарё вилоятидаги сўров иштирокчиларининг тегишлича 22,2% ва 21,9%и судлар ва судьяларнинг мустақиллиги таъминланмаган, деб жавоб берди. Бухоро вилоятида сўралгандарнинг 14,3%и, Жиззах вилоятида 11,4%и ва Тошкент шаҳрида 9,3%и ҳам ана шундай деб жавоб берди.

Минтақавий кесимда сўров натижалари таҳлилиниң кўрсатишича, Навоий, Сирдарё, Фарғона вилоятларидаги респондентларнинг кўпчилиги судлар ишини “тўла даражада очик”, деб баҳолайди. Қорақалпоғистон Республикасида ва Тошкент шаҳрида респондентларнинг фақат тегишлича 3,2% ва 8,1% ана шундай жавоб берди.

Жиззах вилояти ва Тошкент шаҳридаги сўров иштирокчиларининг ярмидан кўпи судлар ишини “тўла даражада очик эмас”, деб ҳисоблайди.

Қорақалпоғистон Республикасида ҳар учинчи респондент судларнинг иши кам даражада очик ва шаффоф, деб жавоб берди. Тошкент вилоятида сўралганларнинг 29,6%, Наманган вилоятида 27,8% ва пойтахтдаги респондентларнинг 26,7% ана шу фикрга таянадилар.

Қорақалпоғистон Республикасидаги сўров иштирокчиларининг 28,6% ва Қашқадарё вилоятида сўралганларнинг 23,1% фуқаролик ва жиной ишлар бўйича судлар фаолиятининг тўла ёпиқлигини қайд қилишди.

Судлар фаолияти тўғрисида ахборот олишга фуқароларнинг қайси даражада қизиқишини аниқлаш тадқиқотнинг вазифаларидан бири бўлди. Сўров натижаларининг кўрсатишича, фуқароларнинг кўпчилиги у ёки бу даражада бу масала билан қизиқишиди: сўралганларнинг 27,5% да судлар ишига қизиқишининг юқори даражаси, респондентларнинг 52,3% да ўртача даражаси қайд қилинди. Сўров иштирокчиларининг 20,2% ушбу мавзуга умуман қизиқишлари йўқлигини билдиришди.

Яшаш жойининг тури кесимида маълумотларнинг таҳлили шаҳарликларда қишлоқ аҳолисига нисбатан ушбу масалага қизиқишининг юқори даражасини аниқлади.

Тадқиқот натижаларининг кўрсатишича, судларнинг иши ҳақидаги ахборот у ёки бу даражада барча ёш гурӯҳлари вакиларини, аёлларга нисбатан эркакларни бироз кўпроқ қизиқтиради.

Сўров жараёнида респондентлар оммавий ахборот воситалари тумандан бошлаб Олий судгача барча даражадаги судлар ва судьяларнинг фаолияти тўғрисида қандай хабардор қилиши кераклиги, бундай маълумот қай даражада батафсил бўлиши лозимлиги юзасидан ўз нуқтаи назарларини билдирилар.

Сўровнинг ҳар иккинчи иштирокчиси (52,2%) ОАВлар судларнинг фаолияти тўғрисида тезкор ва батафсил маълумотни бериши керак, деган фикрни билдири; ҳар учинчи (35,1%) респондент мазкур мавзу бўйича фақат ижтимоий акс-садога эга бўлган алоҳида муҳим суд жараёнлари юзасидан маълумот берилиши керак, деб ҳисоблайди. Салкам 3% респондентлар бундай ахборот оммавий ахборот воситаларида тақдим этилмаслиги керак, деб ҳисоблайди.

Тадқиқ қилинган даврда ОАВлари судларнинг иши тўғрисида батафсил ва тезкор ахборот бериши керак, деб жавоб берган респондентлар сони бироз қисқарди. ОАВлари фақат катта ижтимоий акс-садога эга бўлган муҳим суд жараёнларини ёритиши керак, деган фикрга таянувчи фуқаролар сони кўпайиб бормоқда.

Сўров жараёнида фуқаролар мамлакат оммавий ахборот воситалари судлар ва судьялар ишини қанчалик мунтазам ва батафсил ёритаётгани ҳақида фикр билдирилар. Сўралганларнинг 25,5%и ушбу мавзудаги ахборот доимо ва батафсил берилади, деган фикрни билдири, респондентларнинг қолган қисми ОАВлари аҳолини судларнинг иши тўғрисида «доимо ва мунтазам хабардор қилмайди» (48,7%) ёки «қисқа, умумий хабарлар беради» (18,6%) деб жавоб берди. Ушбу кўрсаткич тадқиқ қилинган даврда бирмунча ўсди. 7,1% сўралганларнинг фикрича, оммавий ахборот воситаларида бундай ахборот берilmайди.

Минтақавий кесимда судга ишончнинг энг юқори даражаси Жizzах, Сирдарё, Самарқанд, Фарғона, Хоразм ва Навоий вилоятларида қайд қилинди, уларда судьяларнинг беғаразлигига ишонишини билдирган респондентлар сони мамлакат бўйича ўртacha кўрсаткичдан юқори бўлди.

Қорақалпоғистон Республикасида, Бухоро, Сурхондарё, Тошкент вилоятларида ва Тошкент шаҳрида сўралганларнинг салкам ярми судья қарор чиқаришда истисносиз Қонунга амал қилишига «ишонаман, аммо қатъий эмас», деб жавоб берди.

Андижон ва Қашқадарё вилоятларида тегишлича сўралганларнинг 14,9 % ва 10,6 % бунга “катта қийинчилик билан” ишонади.

Сўров Қорақалпоғистон Республикаси ва Қашқадарё вилоятидаги аҳолининг катта қисми ўртасида судга ишончнинг паст

даражасини аниқлади, уларда сўралганларнинг тегишлича 11,1 % ва 9,6 % судья қарор чиқаришда истисносиз фақат Қонунга ва унинг ҳар бир моддасига амал қилишига ишонмасликларини билдириди.

Сўровда аниқланишича, қишлоқ аҳолиси ўртасида суд ҳокимиятига ишонч шаҳар аҳолисига нисбатан юқоридир.

Сўров иштирокчилари судья томонидан судлов қарорини қабул қилиш жараёнида унга нима кўпроқ таъсир қилиши мумкинлиги ҳақида фикр билдирилар. Кўпчилик (66,3%) сўралганларнинг фикрича, қарор қабул қилиш жараёнида судья қонуннинг устуворлиги қоидасини рўёбга чиқаришга ҳаракат қиласи ҳамда ҳеч қандай ташқи ҳолатлар, ҳеч ким ва ҳеч нарса ҳукм чиқаришда унга таъсир қилиши мумкин эмас.

Сўровнинг ҳар ўнинчи иштирокчиси судья судлов қарорини қабул қилишда ушбу қарор келтириб чиқариши мумкин бўлган оқибатларни ва жамоатчилик ўртасидаги акс-садони ҳисобга олади ва ушбу омил ҳукм чиқаришга таъсир қиласи, деб ҳисоблайди.

5,7% сўралганларнинг фикрича, судья ўзининг кейинги хизматда ўсиши учун ўзи қабул қиласиган қарорининг оқибатларини инобатга олган ҳолда ҳукм чиқаради.

5,4% респондентлар судьянинг кўпроқ моддий фойда олиш таъсири остида судлов қарорини қабул қилиш эҳтимолини истисно қилмайди.

Барча минтақаларда респондентларнинг кўпчилиги ўзларининг ҳуқуқларини судда ҳимоя қилишга тайёрликларини билдирилар. Ушбу кўрсаткич Жиззах, Қашқадарё ва Сирдарё вилоятларида энг юқори нуқтага етди ва 90%дан ошди.

Сўров жараёнида шаҳар жойларидаги респондентлар қишлоқ жойлари аҳолисига нисбатан кўпроқ ҳолларда ўз ҳуқуқлари бузилганда судга мурожаат қилишларини билдирилар.

Сўровда айrim фуқароларнинг ўз ҳуқуқлари бузилган ҳолларда судга мурожаат қилиш ниятида эмасликлари сабаблари аниқланди:

- муаммони бошқа йўл билан ҳал қилиш нияти;
- адвокатнинг иши ва суд харажатларини тўлаш имкониятининг йўқлиги;
- сансоларлик, бюрократик тўсиқлар;

- суд тизимида ишончсизлик.⁵⁰

Фуқаролик суд ишларини юритишда ошкоралик тамойили ва жамоатчилик назоратини таъминлашнинг муҳим кўринишларидан яна бири - бу судьяларни танлаш ва лавозимида тайинлаш жараёнларида жамоатиялик вакиллари иштирокини таъминлашдир.

Маълумки, судьялик лавозимларига номзодларни очиқ ва демократик тарзда танлов асосида танлаш, малакали ва масъулиятли мутахассислар орасидан судьяларни тайинлаш, шунингдек раҳбар судьялик лавозимларига кўрсатиш учун тавсия бериш йўли билан, судьялар корпусини шакллантириш мақсадида фақат қонунга бўйсунган ҳолда мустақил фаолият юритадиган Судьялар олий кенгаши ташкил этилди. Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, юксак маънавий-ахлоқий савияга эга бўлмаган юрист кадрлар ҳеч қачон судья лавозимида тайинланмаслиги керак. Адолат ва маънавият – ўзаро чамбарчас боғлиқ тушунчалардир. Маънавият бўлмаган жойда ҳеч қачон адолат бўлмайди.

Таъкидлаш жоизки, Судьялар олий кенгаши томонидан судьялик лавозимларига номзодларни энг малакали ва масъулиятли мутахассислар орасидан танлаб олинмоқда. Судьяни кейинги муддатга тайинлашда унинг суд қарорларини қонуний ва адолатли чиқарганлиги, ишда қатнашган томонларнинг важларини синчиклаб, холис ва беғараз ўрганиб тўғри хулоса бериши таҳлил қилинмоқда. Судья фаолият олиб борган ҳудудда яшаётган аҳолининг, хусусан, судга иши тушган одамлар, кенг жамоатчиликнинг фикри ҳисобга олинмоқда.

Яна шуни таъкидлаш керакки, суд раислари ўз фаолияти юзасидан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида ахборот бермоқда. Улар томонидан берилаётган тавсифнома Судьялар олий кенгаши учун судья фаолиятига баҳо беришда асосий ҳужжат бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонунига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар билан халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг асосий ваколатларига халқ депутатлари вилоят, туман ва

⁵⁰ Сўров: мамлакат суд тизимида ҳали қатор камчиликлар мавжуд // <https://kun.uz/94812787>

шаҳар Кенгашлари бир йилда камида бир марта ўз мажлисида вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманларарабо, туман (шаҳар) судлари раисларининг тегишли суднинг фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликларини, шунингдек корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манбаатларини суд йўли билан ҳимоя қилишни амалга оширишга доир фаолияти тўғрисидаги ахбороти эшитиши мустаҳкамлаб қўйилди.⁵¹

Эндилиқда судлар раислари 1 йилда камида 1 марта тегишли даражадаги вакиллик органларига суднинг фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳамда юридик шахсларнинг манбаатларини ҳимоя қилишга доир фаолияти тўғрисидаги ахборотни юборишлари шарт. Мазкур ахборот қўйидагича тақдим этилади:

- Қорақалпоғистон Республикаси суди раиси томонидан – Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига;
- вилоят суди раиси томонидан – халқ депутатлари тегишли вилоят Кенгашига;
- Тошкент шаҳар суди раиси томонидан – халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига;
- туманларарабо, туман (шаҳар) суди раиси томонидан – халқ депутатлари тегишли туман (шаҳар) Кенгашига.

Халқ депутатлари Кенгашининг мазкур масала юзасидан қарори Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашига юборилиши белгилаб қўйилди.⁵²

Фуқаролик суд ишларини юритишда ошкоралик тамойили ва жамоатчилик назоратини таъминлашга қаратилган бу каби чора-тадбирларнинг ҳаммаси суд қарорларининг қонуний ва асосли бўлишини таъминлашга хизмат қиласи.

⁵¹ https://www.norma.uz/qonunchilikda_yangi/mahalliy_darajadagi_deputatlar_sudlar_raislaring_ahborotini_eshitadilar

⁵² Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 320-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 241-модда; 1999 й., 1-сон, 20-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 51-сон, 514-модда; 2005 й., 52-сон, 385-модда; 2007 й., 15-сон, 153-модда; 39-сон, 399-модда; 2008 й., 52-сон, 513-модда; 2013 й., 52-сон, 686-модда; 2014 й., 16-сон, 177-модда, 20-сон, 222-модда; 2015 й., 23-сон, 301-модда; 2017 й., 24-сон, 487-модда, 35-сон, 914-модда, 37-сон, 978-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 01.01.2018 й., 03/18/454/0493-сон, 24.07.2018 й., 03/18/486/1559-сон, 09.01.2019 й., 03/19/512/2435-сон.

2-боб. Фуқаролик суд ишларини юритишда ошкоралик тамойилини татбиқ этишнинг айрим масалалари

2.1. Фуқаролик процессида ошкоралик тамойили тушунчаси, мазмуни ва аҳамияти

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг устуворлиги қоидаси, инсоннинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни ва қадрқиммати олий қадрият эканлиги, фуқароларнинг суд орқали ҳимояланишга бўлган ҳуқуқлари, одил судлов принциплари, суд давлат ҳокимиятининг мустақил тармоғи эканлиги, судларнинг мустақиллиги ва фақат қонунга бўйсуниши, айбизизлик презумпцияси каби қатор фундаментал, умум эътироф этилган халқаро ҳуқук нормалари ўз аксини топган.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М.Мирзиёев ташаббуси билан мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқук соҳасидаги ислоҳотларнинг мақсади ҳам энг аввало инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилишнинг муҳим кафолати сифатида суд ҳокимиятининг нуфузини мустаҳкамлаш, судларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш, уларнинг инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этишдаги ролини оширишdir. Юртбошимизнинг давлат қурилиши ва унинг тараққиёти, жамиятимизнинг демократик янгиланиши, иқтисодиётимизни ривожлантириш ва эркинлаштириш, маънавий-маърифий ишлар билан боғлиқ бўлган, қисқача айтганда, олдимиизда турган барча муаммо ва вазифаларни ечишда “Халқ давлат манфаатларига эмас, давлат халқ манфаатларига хизмат қилиши керак”, деган теран маъноли фикрни асло унутмаслигимиз керак.

Шундай экан, суд-ҳуқук тизимида ҳам олиб борилаётган ислоҳотларнинг натижаси, инсон, унинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари суд орқали самарали ҳимоя қилинишини таъминлаш, фуқаролик ишлари бўйича судларнинг тарафларнинг тортишувчилик ва тенг ҳуқуқлилиги, фуқароларнинг қонун ва суд олдида тенглиги, судларнинг мустақиллиги ва фақат қонунга бўйсуниши каби принципларга асосланиб, қонуний, адолатли ва асосланган ҳал қилув қарори қабул қилиниши билан ўз ифодасини топади. Дарҳақиқат, муайян ҳуқук соҳасининг

принцилари мазкур ҳуқуқ соҳасининг мавжуд бўлиши ва ривожланишида энг асосий ўринни эгаллайди. “Принцип” сўзи лотинча “principium” сўзидан олинган бўлиб, ўзбек тилида “асос”, “қоида”, “негиз” деган маъноларни англатади.⁵³ Ҳуқуқий адабиётларда тамойил хақида гапирилганида одатда асосий қоидалар, дунёқараашлар, назариялар, сиёсат ва фан тушунилади⁵⁴.

Фуқаролик процессуал ҳуқуқи мамлакатимиз ҳуқуқ тизими-нинг муҳим соҳаларидан ҳисобланади ва шунинг учун унинг принципларида умумҳуқуқ принципларининг бир қатор белгилари ўз ифодасини топган.

Адабиётларда фуқаролик процессуал ҳуқуқининг принципларига бир қатор таърифлар бериб ўтилган. Ҳусусан, В.М.Семенов фуқаролик процессуал ҳуқуқининг принципларига ҳуқуқ соҳасининг ижтимоий ҳуқуқий йўналтирилганлиги, фуқаролик суд ишларини юритишнинг сифат жиҳатдан ўзига хослигидир, деб таъриф беради⁵⁵. В.В.Ярковнинг фикрича, принциплар бу фуқаролик процессининг узоқ тараққиёти натижасида шаклланган тарихий категориялар ҳисобланиб, улар инсоният маданияти унсури, ғоявий кетмакетлик қимматлиги бўлиб, ўзида ҳокимиятлар тақсимланиши, ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти, фуқаролик жамияти субъектларининг тенглиги, мустақиллиги ва эркин ҳуқуқлилиги кабиларни қамраб олади⁵⁶.

Э.Эгамбердиевнинг фикрича, ҳуқуқ тамойиллари фуқаролик ишларини судларда ҳал қилишда қонунчиликни таъминлайди, ишларни адолатли ҳал қилиш ва кўрилган фуқаролик иши юзасидан қонуний ҳолда одил судлов ҳужжатларини қабул қилишни кафолатлайди. Судларда фуқаролик ишларини процессуал тартибда амалга ошириш тамойилига қатъий риоя қилиб ҳал этиш, суд қарорлари устидан ишда иштирок этувчи шахслар, тарафлар, арз қилувчи ва манфаатдор шахсларнинг

⁵³ Русча-ўзбекча луғат. 2-том. Ўзбек совет энциклопедияси бош редакцияси. –Тошкент.: 1984. -215 б.; Гражданский процесс. Кол. авторов. -М.: Спарт. 1999. -25 с.

⁵⁴ Гражданский процесс. Учебник. Издание третье, переработ.и доп. / Под ред. В.А.Мусина,Н.А.Чечиной, Д.М.Чечота. -М: ПБОЮЛ Гриженко Е.М. 2001.- 22 с.

⁵⁵ Семенов В.М. Конституционные принципы гражданского судопроизводства. -М., 1982. -82.

⁵⁶ Аристражный процесс. Учебник / Отв. ред.проф. В.В.Ярков. -М.: БЕК. 2001. -32 с.

эътирозини келтириб чиқармайди.⁵⁷ Ш.Ш.Шорахметовнинг фикрича, фуқаролик жараёнининг тамойиллари деб, фуқаролик процессуал ҳуқуқининг асосий раҳбарий қоидаларига айтилади. Ўзининг мазмуни бўйича бу тамойиллар суднинг фуқаролик ишларини кўриш ва ҳал қилиш борасидаги вазифалари ва фаолиятидаги тамойиллардир.⁵⁸

Бу борада Д.Ю.Хабибуллаевнинг фикрига қўшилган ҳолда⁵⁹ фуқаролик процессуал ҳуқуқи принципларига қўйидагича таъриф бериш мақсадга мувофиқ бўлади:

Фуқаролик процессуал ҳуқуқи принциплари – бу қонун нормаларида мустаҳкамланган, процессуал институтларнинг барча тизимлари учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган, фуқаролик ишларининг ўз вақтида, тўғри ва тез кўриб чиқилишида одил судловни амалга оширишни таъминлайдиган асосий раҳбарий қоидалардир. Улар барча фуқаролик процесси институтларини ўз ичига олиб, қонуний, асосли ҳамда адолатли ҳал қилув қарори чиқарилишини ва уларнинг ижро этилишини таъминлашга хизмат қиласади.

Фуқаролик процессуал ҳуқуқининг барча принциплари қўйидаги икки хил вазифани амалга оширишга қаратилган бўлади:

Биринчидан, судларнинг ҳуқуқни қўллаш фаолиятини амалга ошириш (масалан, ишларни амалдаги қонун ҳужжатлари асосида ҳал қилиш, ишнинг ҳақиқий ҳолати, тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари суд томонидан аниқланиши);

Иккинчидан, ишда иштирок этувчи шахсларга берилган ҳуқуқларнинг амалга оширилшини таъминлаш (масалан, одил судловнинг фақат суд томонидан ҳамда фуқароларнинг қонун ва суд олдида тенглиги асосида амалга оширилиши, тарафларнинг тортишуви ва тенг ҳуқуқлилиги) бўйича мажбуриятларини белгилайди.

Принципларнинг амалий аҳамияти ҳақида шуни айтиш керакки, улар фуқаролик ишлари бўйича қонуний, асосли ва адолатли қарорлар қабул қилинишининг кафолати ҳисоб-

⁵⁷ Эгамбердиев Э. Эркин ҳуқуқлилик ва тортишувчилик принципи // Ҳаёт ва қонун. –Тошкент, 1998. 7-сон. - 45 б.

⁵⁸ Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Дарслик. -Тошкент: Адолат. 2001. - 24 б.

⁵⁹ Хабибуллаев Д.Ю. Фуқаролик процессуал ҳуқуқининг конституциявий тамойиллари. Ўқув қўлланма // Ш.Ш.Шорахметов таҳрири остида. –Т.: ТДЮИ, 2006. -23 б.

ланади. Фуқаролик процессуал ҳуқуқининг принциплари қонулар билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, шунинг учун ҳам икки тарафлама хусусият касб этади. **Биринчидан**, ҳар бир принцип қонун ҳужжатлари билан мустаҳкамлаб қўйилиши лозим. Зеро, қонун билан мустаҳкамланмаган принциплар процессуал-ҳуқуқий саналмайди. **Иккинчидан**, принциплар фуқаролик процессуал ҳуқуқи барча нормаларининг мантиқий бирлигини таъминлашга ва шу орқали мазкур ҳуқуқ соҳасининг барқарорлигига хизмат қиласди.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларини, хусусан Конституция, “Судлар тўғрисида”ги қонун ҳамда Фуқаролик процессуал кодексини таҳлил қилиш фуқаролик процессуал ҳуқуқининг қуидаги принципларини аниқлаш имконини беради:

- одил судлов фақат суд томонидан амалга оширилиши;
- фуқаролик ишлари сайланадиган ва тайинланадиган судьялар томонидан амалга оширилиши;
- қонун ва суд олдидаги тенглик;
- судьяларнинг мустақиллиги ва уларнинг фақат қонунга бўйсуниши;
- тарафларнинг тортишуви ва тенг ҳуқуқлилиги;
- суд ишлари юритиладиган тил;
- суд муҳокамасининг ошкоралиги;
- суд муҳокамасининг бевоситалиги ва оғзакилиги;
- ишларни қонун ҳужжатлари асосида ҳал қилиш;
- суд ҳужжатларининг мажбурийлиги;
- фуқаролик ишларининг якка тартибда ва ҳайъат томонидан кўрилиши;
- суд таркибининг ўзгармаслиги.

Фуқаролик процессуал ҳуқуқининг мазкур принциплари ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлиб, биргалиқда бир тизимни ташкил қиласди.

Дарҳақиқат, М.К.Треушников тўғри таъкидлаганидек, принциплардан бирининг бузилиши бошқа принципнинг ҳам бузилишига олиб келади.⁶⁰ Принципларнинг мазмуни бўйича ўзаро алоқаси, боғлиқлиги ва таъсири уларнинг тизимини вужудга келтиради. Амалда ҳар бир принцип ушбу тизимнинг мустақил бўғини ва

⁶⁰ Гражданский процесс: Учебник для юридических вузов / Под ред. д.ю.н. проф. М.К.Треушникова. -3-е изд., испр. и доп. -М.: Юриспруденция, 2001. -19 с.

мустақил қисми сифатида эътироф этилса-да, лекин ҳар бир принцип ушбу тизимдан ажралган ҳолда мавжуд бўла олмайди.

Адабиётларда фуқаролик процессуал ҳуқуқи тамойилларининг тизими уларнинг норматив ифодаланиш шаклларига қараб тузилиши ҳақида фикрлар илгари сурилади.⁶¹

Ш.Ш.Шорахметов мазкур принципларни амалда бўлиши, татбиқ этилишига қараб уларни суд тузилиши ҳамда суд ишларини юритишга оид умумий принципларга ва фақат суд ишларини юритишга хос принципларга ажратади.⁶²

Фуқаролик процессуал ҳуқуқи назариясида принциплар уларнинг ўзига хос белгилари ва ҳуқуқий тартибга солиш объектларига қараб қуидаги гурухларга ажратилиши кенг тарқалган: **биринчидан**, бир вақтнинг ўзида суд тузилиши ва суд процессини белгилаб берадиган ташкилий-функционал принциплар; **иккинчидан**, фақатгина суд ва фуқаролик процесси бошқа иштирокчиларининг процессуал фаолиятини белгилаб берадиган функционал принциплар.⁶³

Суд муҳокамасининг ошкоралик принципи фуқаролик процессуал ҳуқуқининг **ташкилий-функционал** принциплари жумласига киради. Мазкур принцип Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 113-моддаси, Фуқаролик процессуал кодексининг 12-моддаси, “Судлар тўғрисида”ги Қонуннинг 7-моддасида мустаҳкамланган. Унга кўра, барча судларда ишлар муҳокамаси ошкора ўтказилади.

Давлат сирига, фарзандликка олиш сирига тааллуқли маълумотлар мавжуд бўлган ишлар бўйича ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ишнинг муҳокамаси ёпиқ суд мажлисида ўтказилади.

Ишда иштирок этувчи шахсларнинг шахсий ҳаёти тўғрисидаги маълумотлар ошкор бўлишининг олдини олиш, ёзишмалар сирини ва қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни сақлаш мақсадида ёпиқ суд муҳокамаси ўтказилишига йўл қўйилади (ФПКнинг 12-моддаси).

⁶¹ Қаранг: Хабибуллаев Д.Ю. Фуқаролик процессуал ҳуқуқининг конституциявий тамойиллари. Ўқув қўлланма // -Тошкент: ТДЮИ, 2006. – 25 б.

⁶² Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Дарслик. -Тошкент: Адолат. 2001. – 25 б.

⁶³ Масалан, қаранг: Гражданский процесс // Под. ред. проф. М.К. Треушникова. 2-е. изд. испр. и доп. -М.: Спарк. Юр. бюро “Городец”. 1998. - 27 с.

Иш суднинг ёпиқ мажлисида кўрилаётганида ишда иштирок этувчи шахслар, зарур ҳолларда эса гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар ва таржимонлар ҳам ҳозир бўлади.

Ишни суднинг ёпиқ мажлисида эшитиш фуқаролик суд ишлари юритишнинг барча қоидаларига риоя қилинган ҳолда олиб борилади. Суднинг ёпиқ мажлисида видеоконференцалоқа тизимидан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Ошкоралик суд ишларини юритишнинг демократик процессуал шаклларининг муҳим таркибий қисмларидан бири ҳисобланиб, одил судловдаги қонунийликни амалга ошириш ҳамда фуқаролик процесси иштирокчиларининг ҳуқуқларини рўёбга чиқаришда муҳим юридик кафолат вазифасини бажаради.

Судда иш кўришнинг ошкоралиги инсонларнинг суд ҳокимијатига бўлган ишончини мустаҳкамлайди, ошкора кўрилган ишларнинг оммавий ахборот воситалари орқали ёритилиши жамият томонидан суд фаолиятининг халқ назоратига олинини таъминлайди ва тарбиявий аҳамиятга эга.

Шунингдек, мазкур тамойил суд қарорларининг асосли, қонуний ва адолатли қабул қилинишини кафолатлайди. Шунинг учун ҳам адабиётларда ишларнинг очиқ кўрилиши фуқароларга судьяларнинг ишлари билан бевосита танишиш, уларнинг фаолиятини халқ назорати остига олиш имконини бериши ва шунинг ўзи билан фуқаролик ишларининг тўғри ҳал этилишини таъминлаши ҳақида фикрлар илгари сурилган.⁶⁴ Шунингдек, суд муҳокамасининг ошкоралиги бир томондан, суд иш юритувининг демокративлиги белгиси бўлса, иккинчи томондан судда конституциявий тамойилларга риоя этилиши устидан аҳолининг назорат усули ҳамdir.⁶⁵

Ошкоралик тамойилининг мақсади инсонларнинг суд ҳокимијатига бўлган ишончини мустаҳкамлашдан иборат. Ундан ташқари, суд мажлисида оммавий ахборот воситаларининг иштироки орқали суд ишларини кўришда жамоатчилик томонидан олиб бориладиган назорат таъминланади. Шунинг учун ҳам адабиётларда ошкоралик принципи деганда, фуқаролик ишларининг суд мажлисида кўрилишида барча шахсларнинг, шу

⁶⁴ Шораҳметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи. –Т.: Адолат. 2001. -36 б.

⁶⁵ Хабибуллаев Д.Ю. Фуқаролик процессуал ҳуқуқининг конституциявий тамойиллари. Ўқув қўлланма // Ш.Ш.Шораҳметов таҳрири остида. –Т.: ТДЮИ, 2006. -65 б.

жумладан оммавий ахборот воситалари вакилларининг ҳам иштирок этиши тушунилади.⁶⁶ Ошкоралик принципи орқали фуқаролик ишлари материалларини оммавий ахборот воситалари, хусусан, газета, журналларда чоп этиш, радио, телевидениеда эшиттириш ва намойиш этиш имконияти яратилади. Лекин 2007 йил 15 январда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги Қонунининг (янги таҳрири) 6-моддасига кўра, оммавий ахборот воситаларининг муайян иш бўйича суд қарори чиқмасдан туриб ёки суднинг қарори қонуний кучга кирмай туриб, унинг натижаларини тахмин қилиши ёхуд судга бошқача йўл билан таъсир кўрсатиши тақиқланади.⁶⁷

Фуқаролик процессида ошкоралик принципи қўйидаги икки ҳолатда чекланиши мумкин:

1) судья ва процесснинг бошқа иштирокчилари ихтиёрига боғлиқ бўлмаган ҳолда қонун ҳужжатларида ишларнинг ёпиқ суд мажлисларида кўрилишининг назарда тутилиши билан боғлиқ чекловлар;

2) ишда иштирок этувчи шахсларнинг илтимосномасига ҳамда судьянинг ташаббусига мувофиқ ишларнинг ёпиқ суд мажлисларида кўрилишининг назарда тутилиши билан боғлиқ чекловлар.⁶⁸

Шу ўринда 1993 йил 7 майдаги Ўзбекистон Республикасининг “Давлат сирларини сақлаш тўғрисида”ги қонуни 1-моддасига кўра, давлат томонидан қўриқланадиган ва маҳсус рўйхатлар билан чегаралаб қўйиладиган алоҳида аҳамиятли, мутлақо маҳфий ва маҳфий ҳарбий, сиёсий, иқтисодий, илмий-техникавий ва ўзга хил маълумотлар Ўзбекистон Республикасининг давлат сирлари ҳисобланади. Мазкур Қонунга мувофиқ, давлат сирларини сақлаш бундай сирларга эга бўлган барча давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, бирлашмалар, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг мансабдор шахслари ва фуқароларининг бурчидир. Давлат сирларидан

⁶⁶ Гражданское процессуальное право: Учебник / С.А.Алехина, В.В.Блажеев и др.; Под ред. М.С.Шакарян. - М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2004. -47 с.

⁶⁷ Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 15 январдаги “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги янги таҳрирдаги қонуни // "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2007 й. 3-сон, 20-модда.

⁶⁸ Гражданский процесс // Учебник. Под ред. д.ю.н., проф., заслуженного деятеля науки РФ М.К.Треушникова. –М.: Юриспруденция. 2001. –24 с.

фойдаланиш билан боғлиқ бирон-бир ишлар бундай сирларни сақлаш юзасидан чоралар кўрилганидан кейингина амалга оширилади. Давлат сирларини сақлаш бўйича масъулият давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва бирлашмаларнинг раҳбарлари зиммасига юклатилади (10-модда).⁶⁹

Ундан ташқари, миллий қонунчилигимизда тижорат сирларини сақлаш масалаларига ҳам алоҳида эътибор берилган. Ҳусусан, Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 2 майдаги “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги янги таҳрирдаги қонуни 37-моддасига мувофиқ, ошкор этилмаган ахборотни қонуний асосларсиз олган ёки тарқатган ёхуд ундан фойдаланаётган шахс ахборотдан қонунга хилоф равишда фойдаланганлик оқибатида бу ахборотнинг қонуний эгасига етказилган заарарнинг ўрнини қоплаши шарт.⁷⁰

Ўзбекистон Республикаси Конституциянинг 17-моддасида ҳеч ким қонунда назарда тутилган ҳоллардан ва тартибдан ташқари бирорнинг турар жойига кириши, тинтуб ўтказиш ёки уни кўздан кечириши, ёзишмалар ва телефонда сўзлашувлар сирини ошкор қилиши мумкин эмас. Юқоридаги қоидага риоя қилган ҳолда ФПКнинг 234-моддасида фуқароларнинг ёзишмалари, телеграф хабарлари ва бошқа хабарлар сир сақлаш мақсадида уларнинг шахсий ёзишмалари, телеграф хабарлари ва бошқа хабарлари шу ёзишма, телеграф хабарлари ва бошқа хабарларни ўзаро алмашган шахсларнинг розилиги билан очиқ суд мажлисида ўқиб эшиттирилиши мумкин. Акс ҳолда бундай ёзишма, телеграфлар ва бошқа хабарлар ёпиқ суд мажлисида ўқиб эшиттирилади ҳамда текширилади.

Шунингдек, Оила кодексининг “Фарзандликка олишни сир сақлаш” деб номланган 153-моддасига кўра, фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш дафтаридағи ва бошқа ҳужжатлардаги фарзандликка олувлilar фарзандликка олингандарнинг ота-онаси эмаслигини билдирадиган мазмундаги

⁶⁹ Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майдаги “Давлат сирларини сақлаш тўғрисида”ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаш Ахборотномаси, 1993 й. 5-сон, 232-модда.

⁷⁰ “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида” Ўзбекистон Республикасининг 02.05.2012 й. ЎРҚ-328-сон Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2012 й. 5-сон, 133-модда // Биринчи марта “Халқ сўзи” рўзномасида 2012 йил 3 майда нашр этилган.

ёзувлар билан таништириш, бу ёзувлардан кўчирмалар ва бошқа маълумотларни фарзандликка олувчиларнинг розилигисиз, агар улар вафот этган бўлса, васийлик ва ҳомийлик органининг розилигисиз бериш тақиқланади. Фарзандликка олувчининг ёки васийлик ва ҳомийлик органининг эркига хилоф равишда фарзандликка олиш сирини ошкор қилган шахслар қонун билан белгиланган жавобгарликка тортиладилар.⁷¹

Суд ишларининг ёпиқ мажлисларда кўрилишига доир нормалар халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоидаларида ҳам ўз ифодасини топганлигини таъкидлаш ўринли бўлади.

Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пактнинг 14-моддаси биринчи қисмига мувофиқ, матбуот ходимлари ва халойиқ демократик жамиятдаги ахлоқ-одоб юзасидан, жамоат тартиби ёки давлат хафвсизлиги мулоҳазаларини инобатга олиб ё буни томонларнинг шахсий ҳаётий манфаатлари талаб этган ёхуд суднинг фикрига кўра, бу бирон бир даражада қатъиян зарур бўлганида, яъни алоҳида ҳолларда – халойиқ кўзи ўнгига бўладиган жараён одил судлов манфаатларига халал берганида суднинг барча мажлисларига ёки бу мажлиснинг бир қисмига киритиласлиги мумкин.⁷²

Ёпиқ суд мажлисларини ўтказишида қонунийликни таъминлаш мақсадида иш судлов ишлари юритишнинг барча қоидаларига риоя қилинган ҳолда кўрилади. Мазкур жараёнда ишда иштирок этаётган шахслар, зарур ҳолларда эса, гувоҳ, эксперт, мутахассис ва таржимонлар қатнашадилар.

ФПКнинг 12-моддасига кўра, суднинг ҳал қилув қарори барча ҳолларда ошкора ўқиб эшиттирилади.

Қонуний кучга кирган суд ҳужжатлари тарафларнинг розилиги билан ёки шахсини кўрсатмаган тарзда суднинг расмий веб-сайтида эълон қилиниши мумкин, бундан суднинг ёпиқ мажлисида қабул қилинган суд ҳужжатлари мустасно.

Таъкидлаш жоизки, аксарият хорижий давлатларнинг фуқаролик процессуал қонунчилигига судда иш кўришнинг муҳим принципи сифатида ошкоралик принципи мустаҳкамланган ва тобора такомиллашиб бормоқда. Масалан, Қозоғистон Республикаси Оила кодекси. –Тошкент, Адолат, 2018.

⁷¹ Инсон ҳуқуқлари: Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пакт. Фуқаролик ҳуқуқлари ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пакт ва факультатив протокол. -Тошкент: Адолат. 1992. -40 б.

ликаси ФПКнинг “Судда иш кўришнинг ошкоралиги деб номланган 19-моддаси 10 банддан иборат бўлиб, унда мамлакатимиз фуқаролик процессуал қонунчилигидан фарқли равишда қўйидаги масалалар ўз ифодасини топган:

биринчидан, ошкор қилиниши мумкин бўлмаган ва ёпиқ суд муҳокамасида кўриладиган шахсларнинг шахсий ҳаёти тўғрисидаги маълумотлар барафсил кўрсатилган бўлиб, уларга шахсий ёзишмалар ва бошқа шахсий хабарлардан ташқари шахсий тусдаги аудио ва видеоёзувлар, фото ва кинотасвирлар, электрон, рақамли ва бошқа ҳужжатли воситалар кириши белгиланган;

иккинчидан, иш суднинг ёпиқ мажлисида кўрилаётганида агар ишда иштирок этувчи шахслар ёки гувоҳ бўлмаса, ўн олти ёшга тўлмаган шахсларнинг иштирок этишига йўл қўйилмаслиги назарда тутилган;

учинчидан, ишда иштирок этувчи шахслар ва бошқа шахслар, шу жумладан оммавий ахборот воситалари вакиллари очиқ суд мажлисида иштирок этиш жараёнида ёзма қайдлар қилиш, аудио ёзув ва рақамли маълумот тарқатувчи воситалар орқали суд мажлисини эгаллаб турган жойида қайд этиш ҳуқуқига эга эканлиги белгиланган;

тўртинчидан, суд мажлисини кино ва фототасвирга тушириш, видеоёзувини амалга ошириш, тўғридан-тўғри радио ва телевидение орқали трансляция қилиш, Интернет ахборот-коммуникацион тармоғида видеотрансляция қилишга тарафларнинг розилиги ва суд мажлисида раислик қилувчининг рухсати билан йўл қўйилиши, бу ҳақда суд мажлиси баённомасига киритиладиган алоҳида ажримда кўрсатилиши, ушбу ҳаракатлар суд мажлисининг олиб борилишига ҳалақит қилмаслиги кераклиги ва суд томонидан вақт бўйича чегараланиши мумкинлиги назарда тутилган;

бешинчидан, ишнинг тўлиқ ёки унинг бир қисми суднинг ёпиқ мажлисида кўрилиши ҳақида суд ажрими чиқарилиши ва суд мажлисининг баённомасига киритилиши мустаҳкамлаб қўйилган;

олтинчидан, суднинг иш юритувида бўлган фуқаролик иши бўйича келиб тушган мурожаатлар ҳақидаги маълумотлар

процесс иштирокчилари эътиборига етказилиши учун суднинг расмий интернет-ресурсига жойлаштириш белгиланган.⁷³

Озарбайжон Республикаси ФПКнинг 10-моддасида ҳам мамлакатимиз фуқаролик процессуал қонунчилигидан фарқли равишда ёпиқ суд мажлисида кўриладиган ишларнинг рўйхати батафсил баён этилганлигини кўриш мумкин. Хусусан, ушбу моддага мувофиқ, давлат, хизмат ва тижорат сирлари, шахсий ва оилавий сирларни ошкор қилмаслик ҳамда вояга етмаган шахслар манфаатига зид келган ишлар ёпиқ суд мажлисида кўрилади. Шунингдек, агар ишнинг очиқ суд мажлисида кўрилиши этика, жамоат тартиби ва давлат хавфсизлиги нуқтаи назардан одил судлов манфаатларига зид бўлса, у ҳолда суд мажлиси тўлиқ ёки унинг бир қисми ёпиқ тарзда кўрилади.

Ишда иштирок этувчи шахслар ҳам фарзандликка олиш сири, мерос, тижорат, ихтиро ёки солиққа оид сирлар ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирларга тааллуқли маълумотлар мавжуд бўлган ишлар, шунингдек шахсий ва оилавий ҳаётнинг интим томонлари ҳақидаги маълумотларнинг ошкор бўлишини олдини олиш мақсадида ёпиқ суд муҳокамаси ўтказилишини талаб қилиш хукуқига эга бўладилар.

Иш суднинг ёпиқ мажлисида кўрилиши ҳақидаги ажрим суд томонидан ишда иштирок этувчи шахсларни дастлабки эшитувидан кейин чиқарилади.

Қозогистон Республикаси ФПКда бўлгани каби Озарбайжон ФПКнинг 10-моддасида иш суднинг ёпиқ мажлисида кўрила-ётганида агар ишда иштирок этувчи шахслар ёки гувоҳ бўлмаса, ўн олти ёшга тўлмаган шахсларнинг иштирок этишига йўл қўйилмаслиги назарда тутилган.⁷⁴

Суд муҳокамасининг ошкоралиги билан боғлиқ миллий процессуал қонунчилигимиз таҳлили мамлакатимиз Иқтисодий процессуал кодексида бу борада такомиллаштиришга зарурат борлиги кўрсатади. Масалан, мазкур Кодекснинг 11-моддаси беш банддан иборат бўлиб, судларда ишлар ошкора ўтказилиши ва суднинг ҳал қилув қарори барча ҳолларда ошкора ўқиб эшиттирилиши белгиланганлигини ҳисобга олмаганда,

⁷³ Гражданский процессуальный кодекс Республики Казахстан (с изменениями и дополнениями по состоянию на 21.01.2019 г.) // <http://online.zakon.kz>

⁷⁴ Гражданский процессуальный кодекс Азербайджанской Республики // www.qanun.narod.ru

асосан ёпиқ суд мажлисини ўтказиш билан боғлиқ нормалар мустаҳкамлаб қўйилган.⁷⁵

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексида ҳам юқоридаги каби нормалар айнан такрорланганлигини кўриш мумкин (МСИЮтКнинг 13-моддаси)⁷⁶.

Эътиборли жиҳати ФПКдан фарқли равища ушбу Кодексларда ишни ёпиқ суд мажлисида муҳокама қилиш тўғрисида ажрим чиқарилиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексида судда жиноят ишларининг ошкора кўрилиши билан боғлоиқ нормалар бирмунча такомиллаштирилганлигини кўриш мумкин. Масалан, ЖПКнинг 19-моддасида ёпиқ суд мажлисида кўриладиган ишларнинг (давлат сирларини қўриқлаш, жинсий жиноятлар тўғрисидаги ишлар) рўйхати берилган, судларда жиноят ишларини ошкора кўриш суднинг ташаббуси билан ёки жиноят процесси иштирокчиларининг илтимосномасига кўра аудио- ва видеоёзувдан фойдаланган ҳолда, шунингдек видеоконференсалоқа режимида ўтказилиши мумкинлиги белгиланган. Шунингдек, ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларнинг жиноятлари тўғрисидаги ишларни, шунингдек фуқароларнинг шахсий ҳаёти ҳақидаги маълумотларни ёки уларнинг шаъни ва қадрқимматини камситадиган маълумотларни ошкор қилмаслик мақсадида ҳамда жабрланувчининг, гувоҳнинг ёки иштирок этувчи бошқа шахсларнинг, худди шунингдек улар оила аъзоларининг ёки яқин қариндошларининг хавфсизлигини таъминлаш тақозо этилган ҳолларда бошқа ишларни суд ажрими билан ёпиқ суд мажлисида кўришга йўл қўйилиши белгиланган.

Шахсий ёзишма ва шахсий телеграф хабарномалари очиқ суд мажлисида фақат бу хат ва хабарларни жўнатган ҳамда олган шахсларнинг розилиги билан ўқиб эшиттирилиши мумкинлиги, акс ҳолда улар ёпиқ суд мажлисида ўқиб

⁷⁵ Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси // Қонун хужжатлари маълумотлари миллый базаси, 25.01.2018 й., 02/18/ИПК/0623-сон, 27.07.2018 й., 03/18/488/1579-сон, 12.10.2018 й., 03/18/496/2043-сон.

⁷⁶ Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси // Қонун хужжатлари маълумотлари миллый базаси, 26.01.2018 й., 02/18/МПК/0627-сон, 12.10.2018 й., 03/18/496/2043-сон.

эшиттирилиши ва текширилиши, ишни ёпиқ мажлисда кўриш тўғрисидаги суднинг ажрими буткул муҳокамага нисбатан ёки унинг алоҳида қисмларига нисбатан чиқарилиши мумкинлиги, суд залида овозларни ёзигб олиш, фотосуратга, видеоёзувга ва кинотасвирга олишга фақат суд мажлисида раислик қилувчинг рухсати билан йўл қўйилиши, бу ҳақда тегишли ажрим чиқарилиши мустаҳкамлаб қўйилган.

Суднинг қонуний кучга кирган қарорлари жиноят процесси иштирокчиларининг розилиги билан ёки шахсини кўрсатмаган тарзда суднинг расмий веб-сайтида эълон қилиниши ва бундан ёпиқ суд мажлислирида кўрилган ишлар бўйича суд қарорлари мустасно эканлиги, судлов фаолиятида ошкораликни кенгайтириш учун судлар зарур ҳолларда оммавий ахборот воситалари ходимларини, тегишли жамоат бирлашмаларини ва жамоаларни бўлажак процесслар тўғрисида хабардор қилиши, шунингдек процессларни бевосита корхоналарда, муассасаларда, ташкилотларда, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида ҳамда таълим муассасаларида ўтказиши мумкинлиги, ушбу Кодексда тўғридан-тўғри назарда тутилган ҳоллардан ташқари судларда жиноят ишларининг ошкора кўрилиши принципини чеклайдиган қўшимча талабларни жорий этиш тақиқланиши каби муҳим нормалар киритилган (ЖПКнинг 19-моддаси).⁷⁷

2.2. Фуқаролик суд ишларини юритишда замонавий ахборот технологияларини жорий этиш: қиёсий-ҳуқуқий таҳлил

Мамлакатимизни янада ривожлантириш шароитида одил судловнинг сифати ва самарадорлигини ошириш тақозо этилмоқда эди. Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 2 августда қабул қилинган “Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида ҳам қонун ва қонунчилик устуворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган, давлат ҳокимия-

⁷⁷ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. –Тошкент, “Адолат”. 2018.

тининг ғоят муҳим тармоғи бўлган суд-ҳуқуқ тизимини босқичмабосқич демократлаштириш ва эркинлаштириш ҳуқуқий давлатни шакллантириш ва модернизация қилиш бўйича мамлакатимизда амалга оширилаётган узоқ муддатли ва изчил испоҳотлар дастурининг энг муҳим устувор йўналиши ҳисобланниши таъкидланган эди.⁷⁸ Шу маънода судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, судларда фуқаролик ишларини юритиш самарадорлигини оширишни таъминлайдиган ахборот тизимлари ва ресурсларини яратиш ҳамда электрон ҳужжат алмашинувини жорий этиш алоҳида аҳамият касб этади.

Жамият ҳаётининг турли соҳаларига ахборот-коммуникация технологияларининг изчил равишда кириб келаётганлиги одил судловни амалга ошириш тартиб-таомилларига ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Асосан ёзма тусга эга бўлган фуқаролик суд ишларини расмийлаштириш замонавий технологиялар асосида амалга оширилаётган тезкор иш муомалаларидан орта қолиши мумкин эмас эди. Ўз навбатида, фуқаролик суд ишларини юритишида ахборот технологияларидан фойдаланиш, судлар фаолиятида компьютерлаштириш даражасини ва компьютер техникасидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш судьяларнинг иш ҳажмини пасайтиришга, турли молиявий сарф-харажатларни камайтиришга хизмат қиласи. Қолаверса, жамиятда демократия ва адолатни таъминлашнинг энг муҳим омили бўлмиш суд ҳокимиятининг замонавий ахборот-коммуникация технологиялари билан жиҳозланиши унинг жамиятда тутган ўрни ва обрўсини ҳам оширади.

Шу маънода Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 2 августдаги юқорида қайд этилган Фармонида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси зиммасига Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий хўжалик суди билан келишилган ҳолда судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш дастурини тасдиқлаш, судларнинг таркибий тузилмасида ахборотлаштириш масалалари бўйича алоҳида бўлинмалар ташкил қилиш тўғрисида таклифлар киритиш вазифаси юклатилган

⁷⁸ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 31-сон, 355-модда; 2017 й., 37-сон, 980-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 14.07.2018 й., 06/18/5482/1506-сон.

эди. Мазкур Фармоннинг ижросини таъминлаш, шунингдек суд ишларини юритиш тезкорлигини ошириш учун судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини фаол жорий этиш мақсадида 2012 йил 10 декабрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 346-сонли Қарори қабул қилинган.

Дарҳақиқат, фуқаролик ишлари бўйича судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш судларда электрон ҳужжатлар айланишини тезлаштиради, судлар фаолияти тўғрисидаги ахборотларни тўплаш, ишлаш, тизимлаштириш ва сақланишини таъминлайди, ахборот тизими ёрдамида электрон воситалар орқали судга мурожаат қилиш имкониятининг берилиши эса суд орқали ҳимоя қилиш учун қулайликлар яратади, ахборот тизими орқали электрон шаклда суд муҳокамаси иштирокчиларини хабардор қилиш ва уларга суд ҳужжатларини ҳамда бошқа хатхабарларни юбориш имкониятини яратади, булар охир-оқибат одил судловнинг самарасини оширишга, унинг тезкорлиги ва қулайлигини таъминлашга хизмат қиласди. Шу ўринда фуқаролик ишлари бўйича республика судларида кўриб тамомланган фуқаролик ишлари ҳажмининг йилдан йилга кўпайиши, натижада судда иш кўриш бўйича судьяларнинг ўртача ойлик иш ҳажми ортиб бораётгани фуқаролик ишлари бўйича судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишни тақозо этаётган эди.

2015 йил 10 июнь куни матбуотда эълон қилинган ҳамда 2016 йилнинг 1 январидан эътиборан амалга киритиладиган “Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айrim қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида”ги ЎРҚ-388-сонли Қонунининг 5-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 30 августдаги Фуқаролик процессуал кодексига фуқаролик ишлари бўйича судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишга қаратилган қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган эди.

2017 йилнинг 8 февралида матбуотда эълон қилинган “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармон билан “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” ҳамда “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури”да⁷⁹ **судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш** бўйича бир қатор аниқ чора-тадбирлар назарда тутилди. Зеро, судларда электрон ҳужжатлар айланшини тезлаштиришда, судлар фаолияти тўғрисидаги ахборотларни тўплаш, ишлаш, тизимлаштириш ва сақланишини таъминлашда, ахборот тизими ёрдамида электрон воситалар орқали судга мурожаат қилиш, суд муҳокамаси иштирокчиларини электрон шаклда хабардор қилиш ва уларга суд ҳужжатларини ҳамда бошқа хат-хабарларни юбориш имкониятининг яратилишида унинг алоҳида ўрни бор. Шу ўринда алоҳида таъкидлаш керакки, фуқаролик ишлари бўйича республика судларида кўриб тамомланган фуқаролик ишлари ҳажмининг йилдан йилга кўпайиб бораётгани, бунинг натижасида судда иш кўриш бўйича судьяларнинг ўртacha ойлик иш ҳажми ортиб бораётгани фуқаролик ишлари бўйича судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишни тақозо этаётган эди.

Мамлакатимизда судларнинг фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган илғор илмий-техника воситалари ва ахборот технологияларини кенг жорий этиш мақсадида **Давлат дастурининг 65-бандида**:

- судьялар ўртасида ишларни автоматик равишда тақсимлаш тартибини жорий қилиш;
- судларда ўз вақтида электрон тарзда ахборот алмашувини таъминловчи корпоратив алоқани жорий этиш,

⁷⁹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Ф-4947-сонли Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017. 13 февраль, 6-сон, 70-модда.

суд фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация тизимини киритиш;

- суд қарорларининг ахборот-ҳуқуқий электрон базасини юритиш, шахсий ҳаёт дахлсизлигини таъминлаган ҳолда ва суд иштирокчиларининг розилиги билан барча суд қарорларини чоп этиши тартибини жорий қилиш (ёпиқ суд жараёнида кўриб чиқилганларидан ташқари) кабилар назарда тутилди.

Давлат дастурида назарда тутилган **судьялар ўртасида ишларни автоматик равишда тақсимлаш** тартибининг жорий қилиниши суд ҳокимиютининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, суднинг нуфузини ошириш, суд тизимини демократлаштириш ва такомиллаштиришга хизмат қилиши билан бир қаторда суд тизимида юз бериши эҳтимоли бўлган коррупция аломатларининг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

Бинобарин, халқаро даражадаги муҳим ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам судьялар ўртасида ишларни тақсимлашнинг объектив бўлиши судьяларнинг мустақиллигини кафолатловчи муҳим принциплардан бири эканлиги эътироф этилади.

Хорижий давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, аксарият давлатларда суднинг раҳбарлари судьялар ўртасида ишларни тақсимлаш масалаларига умуман аралашмайди. Мазкур масала автоматлашган тизим орқали маҳсус ишлаб чиқилган техник дастурлар орқали бажарилиб, бу билан суд маъмуриятида фаолият кўрсатадиган техник ходим шуғулланади.⁸⁰

Европа Иттифоқига аъзо айрим давлатларда, масалан, Австрия ва Латвияда суд ишларини тақсимлаш электрон тартибда амалга оширилса, Германияда суд ишларини алифбо тартибида тақсимлаш амал қиласр экан.⁸¹

Судьялар ўртасида ишларни тақсимлашда замонавий ахборот-коммуникация технологиялари имкониятларидан фойдаланиш, хусусан, ишларни тақсимлашнинг автоматик тартибини жорий қилиш: **а)** ишларнинг ҳаракатланиши ҳақидаги ахборотларни олиш ва судьялар ўртасида ишларни тенг

⁸⁰ Макарова О.В. Некоторые проблемы укрепления гарантий независимости судей // Журнал российского права, 2008, N 5.

⁸¹ Рекомендации по более широкому применению международных стандартов в области прав человека в процессе отправления правосудия в Республике Беларусь / ПРООН. –Минск: 2009. - 14 с.

тақсимлаш имконини беради; **б)** ишларни тақсимлашда субъектив омилларнинг олдини олади; **в)** келиб тушган ишни расмийлаштиришдан то уни судьяга беришгача бўлган вақтни анчагина қисқартиради. Бу эса суд ходимларининг тезкорлигини оширади ва ишлар ўз вақтида кўрилишини таъминлайди; **г)** судьянинг юритувида бўлган ишни қайси босқичда эканлигини, ишни кўриш муддатларига риоя қилинаётган қилинмаётганлигини осонгина назорат қилиш имконини беради; **д)** суд раисининг ишларни тақсимлаш ва уни тегишли журналга расмийлаштиришга кетадиган талайгина вақти тежалишига олиб келади⁸².

Шу ўринда Давлат дастурида назарда тутилган **суд қарорларини чоп этиш тартибини** жорий қилишнинг афзалликлари ҳақида тўхталадиган бўлсак, мазкур тартиб орқали суд фаолиятига оид ахборот олиш имконияти яратилади, бу эса ўз навбатида суд ишларининг сонини камайишига ҳам ёрдам беради. Чунки суднинг иш бўйича ҳал қилув қарори ёки ҳукм чиқарганлиги айни шу иш бўйича судга қилинаётган мурожаатларнинг олдини олади. Суд қарорларини чоп этиш тартибининг жорий қилиниши судда иш кўришнинг очик ва ошкоралиги принципи билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, суд қарорларининг асосли, қонуний ва адолатли қабул қилинишини кафолатлашга хизмат қиласди. Зеро, суд ҳал қилув қарори ва ҳукмининг эълон қилиниши судьяларни иш юзасидан ўз қарорларини аниқ фактлар билан асослашга ундейди.

Суд фаолиятининг очиқлиги, суднинг айrim тоифадаги ишлар бўйича қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорлари ва ҳукмларининг жамоатчиликка маълум қилиб борилиши моҳият эътибори билан демократик ҳуқуқий давлатнинг ажралмас қисми ва муҳим талабларидан биридир.

Суд қарорларининг жамоатчилик учун очиқлиги бўйича хорижий давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, масалан, Германия ва Францияда суд қарорлари жамоатчилик учун очиқ бўлиб, айrim ҳолларда жиддий асослар бўлган тақдирдагина тарафларнинг номлари ошкор қилинмайди. Айниқса, Францияда олий суд инстанциялари ва маъмурий судлар қарорларини

⁸²Автоматическое распределение дел: компьютер в роли председателя. http://usd.krd.sudrf.ru/modules.php?name=press_dep&op=4&did=16

тарқатишининг самарали механизмлари яратилган, бу борада “Legifrance.gov.fr” номли Интернетдаги ҳуқуқий ахборот сайтининг алоҳида ўрни мавжуд. Мазкур ҳуқуқий ахборот сайтида ҳуқуқнинг барча манбалари, шу жумладан, Франциянинг олий суд инстанцияларининг қарорлари билан bemalol танишиш мумкин.

Буюк Британияда ҳам худди шунга ўхшаш тажриба мавжуд бўлиб, қизиқарли суд қарорларини оммавий ахборот воситалари орқали мунтазам равишда чоп этиб бориш анъана тусига кирган. Масалан, “Лондон Таймс” газетаси деярли ҳар куни сўнгги вақтларда бирмунча қизиқарли бўлган суд ишлари бўйича қабул қилинган қарорларнинг қисқача ахборотини чоп этиб боради. Ҳар чоршанба куни чиқадиган “Лоу Таймс” газетасида эса бутун бир боб қонунчилик ва суд амалиётига бағишлиданади.

Суд фаолиятининг очиқлиги бўйича АҚШ тажрибасига тўхталашибиган бўлсак, судлар томонидан қабул қилинган ва рўйхатдан ўтган барча ҳужжатлар билан аҳоли суд клеркиофиси орқали танишиб бориш имконияти яратилган. Суд қарорларини электрон шаклда ҳам, чоп этилган шаклда ҳам олиш имконияти мавжуд. Хусусан, АҚШнинг барча суд қарорлари шу судларга тегишли бўлган нашрларда тўплам сифатида чоп этиб борилади ва мазкур нашрлар барча юридик кутубхоналарда мавжуд.

Шунингдек, Давлат дастурида электрон тартибда суд ишини юритишнинг замонавий шакл ва усусларини, шу жумладан, процесс иштирокчилари билан ўзаро электрон ҳамкорликни амалга ошириш, видеоконференцалоқадан фойдаланишни, шунингдек процессуал ҳаракатларни видео, аудио қайд этишни, суд-тергов жараёнларини стенограмма қилишнинг янги турларини кенгроқ жорий этиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш имконини берувчи қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш назарда тутилди (73 ва 82-бандлар)⁸³.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 августдаги ПҚ-3250-сонли “Судлар фаолиятига замо-

⁸³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони // “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2017 йил 13 февраль, 6-сон, 70-модда.

навий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ти қарори⁸⁴ ҳамда ушбу Қарорга илова сифатида 2017-2020 йилларда судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўйича Дастурнинг қабул қилиниши бу соҳада илмий тадқиқот ишларини янада долзарб аҳамият касб этишини кўрсатади.

Бинобарин комплекс чора-тадбирларни амалга оширишнинг белгиланиши мамлакатимиз процессуал ҳуқук соҳалари олдида одил судлов ҳужжати саналмиш суд қарорларининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини таъминлаш мақсадида унинг ҳамма учун очиқ ва шаффофлигини таъминлаш, судлар фаолиятига замонавий ахборот технологияларини жадал суръатлар билан жорий этиш муаммоларини илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ этиб ўрганиш муҳим масалалардан ҳисобланади.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 августдаги ПҚ-3250-сонли Қарори ҳамда Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури”да назарда тутилган мазкур чора-тадбирларни самарали амалга оширилишида бу борада ривожланган хорижий давлатларнинг илғор тажрибаларини ўрганиш ва чуқур таҳлил этиш муҳим аҳамият касб этади.

2018 йилнинг 1 апрелидан кучга кирган Ўзбекистон Республикасининг янги Фуқаролик процессуал кодексида ҳам фуқаролик ишлари бўйича судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш билан боғлиқ қатор нормалар ўз ифодасини топди. Хусусан, мазкур Кодекснинг муҳим жиҳатларидан бири – бу **фуқаролик ишлари бўйича судларга электрон мурожаат қилиш электрон шаклда ҳам амалга оширилиши билан боғлиқ бўлиб, унга кўра, мурожаат ва унга илова қилинадиган ҳужжатлар судга электрон ҳужжат тарзида юборилиши мумкинлиги назарда тутилди** (янги ФПКнинг 4-моддаси). Дарҳақиқат, ахборот тизими

⁸⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 августдаги “Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ти ПҚ-3250-сонли қарори // http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=3327998

ёрдамида электрон воситалар орқали судга бу хилдаги аризалар билан мурожаат қилиш имкониятининг берилиши суд орқали ҳимоя учун қулайликлар яратади. Бу, ўз навбатида, одил судловнинг самарасини оширишга, унинг тезкорлиги ва қулайлилигини таъминлашга хизмат қиласиди⁸⁵.

Янги ФПКнинг яна бир ижобий жиҳатларидан бири – унда фуқаролик ишларининг шаклланиши ҳамда уни расмийлаштириш тартибига оид нормалар ҳам ўз ифодасини топганигидадир. Унга кўра, фуқаролик иши ишда иштирок этувчи шахслар, фуқаролик суд ишларини юритишнинг бошқа иштирокчилари судга тақдим этган ёки суд томонидан талаб қилиб олинган ҳужжатлар ва суд ҳужжатлари асосида суд томонидан шакллантирилади. Фуқаролик иши электрон шаклда шакллантирилиши мумкинлиги, бироқ мазкур ҳолатдда фуқаролик ишининг қоғоздаги кўчирма нусхаси ҳам бўлиши мумкинлиги белгиланди.

Фуқаролик иши электрон шаклда шакллантирилган тақдирда, ишда иштирок этувчи шахслар ва фуқаролик суд ишларини юритишнинг бошқа иштирокчилари ҳужжатларни судга электрон шаклда тақдим этишга ҳақли. Ишда иштирок этувчи шахслар ва фуқаролик суд ишларини юритишнинг бошқа иштирокчилари судга тақдим этган ёзма ҳужжатлар ишга электрон шаклда қўшиб қўйилади, шундан сўнг ёзма ҳужжатлар уларни тақдим этган шахсларга қайтарилади.

Фуқаролик иши электрон шаклда шакллантирилганда, суд ҳужжатлари судьянинг (судьяларнинг) электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади, суд мажлисларининг ҳамда процессуал ҳаракатларнинг баённомалари эса раислик қилувчининг ва суд мажлиси котибининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади.

Электрон шаклда шакллантирилган фуқаролик ишини бошқа судга ёки ўзга органга ўтказиш ахборот тизими орқали амалга оширилади (янги ФПКнинг 5-моддаси).

Янги ФПКда ўз ифодасини топган яна бир муҳим норма бу - ёзма далиллар қаторига иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган ҳужжат-

⁸⁵ Қаранг: Мамасиддиқов М.М. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси: янгиликлар, кафолатлар ва истиқболи // Юрист ахборотномаси. 2018. №1. -Б. 62-68.

лар, шартномалар, маълумотномалар, ишга оид ёзишмалар, рақамли, график ёзув шаклида бажарилган ҳужжатлар ва материаллар билан биргаликда факс, электрон ёки бошқа алоқа воситасида ёхуд ҳужжатнинг ҳақиқийлигини аниқлаш имконини берадиган ўзга усулда олинган бошқа ҳужжатлар ва материалларнинг киритилганлиги бўлди. Шу муносабат билан ФПКда судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари жорий этилиши муносабати билан ёзма далилларнинг турлари кенгайтирилди.

Ёзма далиллар иш учун аҳамиятли бўлган ҳолатлар тўғрисидаги маълумотлар баён этилган ҳужжатлар, хизматга дахлдор ва шахсий ёзишмалар билан бир қаторда факс, электрон ёки ўзга алоқа воситасида ёхуд ҳужжатнинг тўғрилигини аниқлаш имконини берувчи бошқа усулда олинган ҳужжатлардан иборат бўлишининг белгиланиши фақатгина ҳужжатлар ва ёзишмаларгина эмас, балки факс, электрон ёки ўзга алоқа воситасида олинган ҳужжатлар ҳам ёзма далил сифатида эътироф этилишига олиб келади.

Дарҳақиқат, процессуал қонун ҳужжатларида судда исботлаш воситаси бўлмиш далиллар, шу жумладан ёзма далиллар қамровининг кенгайтирилиши, бунда алоқа воситасида олинган ҳужжатларнинг ҳам эътироф этилиши ҳозирги кун талабларига жавоб беради. Айниқса, кейинги йилларда мамлакатимизда жамият ҳаётининг турли соҳаларига ахборот-коммуникация технологияларининг изчил равишда кириб келаётганлиги ушбу соҳани тартибга соловчи ҳуқуқий асосларнинг ҳам ривожланишига замин яратди. Хусусан, 2015 йил 22 майдаги “Электрон тижорат тўғрисида”ги янги таҳрирдаги Қонун, 2015 йил 9 декабрдаги “Электрон ҳукумат тўғрисида”ги Қонун, шунингдек аввалроқ қабул қилинган “Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида”ги, “Электрон рақамли имзо тўғрисида”ги ҳамда “Электрон тўловлар тўғрисида”ги Қонунлар шулар жумласидандир.

“Электрон тижорат тўғрисида”ги янги таҳрирдаги Қонуннинг 9-моддасида электрон тижоратдаги электрон ҳужжатлар, шунингдек электрон шаклда қайд этилган, юборувчисини идентификация қилиш имкониятини берадиган ахборот (электрон хабарлар) ўз қўли билан имзоланган қоғоздаги ҳужжатларга тенглаштирилиши ва улардан битимлар тузилганлигининг

далили сифатида фойдаланилиши мумкинлиги ҳақидаги норма мустаҳкамлаб қўйилди⁸⁶. Шунингдек, “Электрон ҳужжат айланниши тўғрисида”ги қонуннинг 7-моддасида электрон ҳужжат қоғоз ҳужжатга тенглаштирилиши ва у билан бир хил юридик кучга эга бўлиши ҳақидаги норма белгилаб қўйилган.⁸⁷

Ўз навбатида мазкур қонун ҳужжатларининг жамият ҳаётига изчил татбиқ этилиши электрон ёки ўзга алоқа воситалари орқали олинган ҳужжатларнинг судларда далил сифатида қўлланилиши билан боғлиқ нормаларни процессуал қонунчиликка киритиш заруратини келтириб чиқариши табиий эди.

Процессуал қонунчилик факс, электрон ёки ўзга алоқа воситасида олинган ҳужжатларнинг ёзма далил сифатида тан олиниши учун муҳим талабни, яъни ушбу ҳужжат унинг тўғрилигини аниқлаш имконини берувчи усуллардан фойдаланган ҳолда олинган бўлиши талабини белгилади. Дарҳақиқат, бу каби ҳужжатлардаги асосий муаммо уларнинг ишончлилигини текшириш эканлиги ҳеч кимга сир эмас.⁸⁸

Бинобарин, юридик адабиётларда ҳам электрон алоқа воситасида олинган ҳужжатларнинг (электрон далилнинг) ёзма далил сифатида фуқаролик суд ишларини юритиш жараёнида тан олиниши ва баҳоланиши билан боғлиқ баҳс ва мунозаралар учраб туради. Масалан, айрим манбаларда электрон алоқа воситасида олинган ҳужжатларнинг юридик (исботлаш) табиати аниқ эмаслиги, шу сабабли уларни ёзма ёки ашёвий далиллар қаторига киритиш мақсадга мувофиқ эмаслиги тўғрисида гапирилса, баъзиларда эса электрон исботлаш воситалари исботлашнинг барча маълум турларини ўзида қамраб олиши, бироқ қўшимча тартиб-таомилларни талаб қилиши ҳақидаги фикрлар илгари сурилади. А.П.Вершининнинг фикрича, электрон ҳужжатларни ёзма далиллар қаторига киритиш шу билан

⁸⁶ Ўзбекистон Республикасининг “Электрон тижорат тўғрисида”ги янги таҳрирдаги қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 20-сон, 250-модда.

⁸⁷ Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳужжат айланниши тўғрисида”ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 20-сон, 230-модда.

⁸⁸ Қаранг: Мамасиддиқов М.М., Миражмедова Н.А. Фуқаролик процессида исботлаш воситаси сифатида электрон ҳужжатлар ва уларни қўллашнинг айрим масалалари// “Фуқаролик процессида ҳамда жиноят ишини тергов қилиш ва судда қўришда электрон далилларни олиш ва ундан фойдаланиш масалалари” халқаро семинар материаллари, ЮМОМ. –Тошкент, «Lesson-press» нашр. 2016. – Б. 75-81.

асослантириладики, унга кўра, электрон ҳужжатларда инсоннинг ҳозирги реал вақтга тааллуқли бўлган мулоҳазалари (тушунчаси, муҳокамаси ва холосаси) тўғрисидаги маълумотлар мавжуд бўлиши керак.

И.Г.Медведев эса электрон ҳужжатда исботлашнинг муҳим белгиларидан бири ҳисобланган ёзма шакл мавжуд бўлмаса, у судда ёзма далил сифатида кўриб чиқилиши мумкин эмаслигини таъкидлайди.

Дарҳақиқат, судда бошқа ҳужжатларга қўлланиладиган процессуал қоидалар далил сифатида электрон ҳужжатларга нисбатан ҳам татбиқ этилади. Бироқ судда далил сифатида электрон ҳужжатни кўриб чиқиш ва баҳолаш жараёнида ушбу қоидадан истисно бўладиган айрим ҳолатларга эътибор қаратиш талаб этилади: биринчидан, электрон техник восита ёрдамида олинган маълумотнинг ҳақиқийлигини аниқлаш лозим. Шу ўринда В.В.Ярков тўғри таъкидлаганидек, бундай далиллардаги асосий муаммолардан бири - бу уларнинг ишончлилигини текширишдир. Унинг фикрича, электрон техник воситалар ёрдамида тайёрланган ва олинган ҳужжатларда қўйидагилар бўлиши талаб этилади:

- 1) ҳужжатни ўқиш мумкинлиги;
- 2) ҳужжатнинг зарурӣ реквизитларга эга эканлиги”.

Қолаверса, электрон техник восита ёрдамида олинган маълумотнинг ишончлилиги яна бир қанча омилларга: техник, рақамли қурилмаларнинг аниқ шароитларда амалга оширилганлиги, хизмат кўрсатиш стратегияси ва дастурий таъминланганлигига ҳам боғлиқ бўлади.

Электрон ҳужжатларнинг бошқа хил ҳужжатлардан фарқли ва ўзига хос жиҳатларидан яна бири - уларда ахборот ташувчи далилий манба электрон кўринишда эканлигидир. Бунда ахборотнинг ўзи аввалги ҳолича қолади. Шундай экан, электрон ҳужжат - бу электрон ташувчида қайд қилинган, реквизитларга эга бўлган, идентификация қилиш имконини берувчи, муайян ҳолатни тасдиқловчи, ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлган ахборотdir.

Қайд этиш жоизки, электрон ҳужжатнинг таркиби (ахбороти) ва шакли (техник электрон ташувчи) унинг асосий белгиси ҳисобланади. Электрон шакл электрон техник воситалар орқали яратилиб, ахборотни қайта ишлаш ва узатиш ёрдамида

электрон шаклдаги ҳужжатларда маълумотларни мустаҳкамлайди.

Шу ўринда ривожланган давлатлар тажрибасига мурожаат қиласидиган бўлсак, ахборот технологиялари жамиятдаги ўзаро ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий муносабатларнинг ажралмас, урвий қисмига айланиб улгурган. Компьютер технологиялари ва Интернет ёрдамида ахборот узатиш ва сақлашнинг самарали усуслари ҳозирги кунда ижтимоий ўзгаришларга ва ахборот жамиятини шакллантиришга хизмат қилиб келмоқда. Айниқса, бу борада суд ишларини юритишда ва умуман фуқаролик процессини ташкил этишда ахборот технологияларини жорий этиш бўйича Германия илғор мамлакатлардан бири ҳисобланади. Чунки Германияда суд ислоҳотлари айнан электрон ҳужжат алмашинуви тизимини жорий этишдан бошланган. Германия Фуқаролик процессуал кодексида электрон ҳужжат исботлашнинг мустақил воситаси сифатида мустаҳкамлаб қўйилганлиги фикримизни тасдиқлайди.

Аксарият давлатлар, айниқса, МДҲга аъзо давлатлар фуқаролик процессуал қонунчилигига ҳам электрон ҳужжатлар мустақил равишда исботлаш воситаси сифатида эътироф этилади. Электрон исботлаш воситалари ўзида исботлашнинг барча маълум турларини қамраб олса-да, бироқ қўшимча тартиб-таомилларни талаб қилиши ҳисобга олинса электрон воситалар ёрдамида тайёрланган ва олинган ҳужжатларни ёзма далил сифатида баҳолаш учун албатта мазкур ҳужжатнинг зарурий реквизитларга эга бўлиши талаб этилади.

Шундай экан, мамлакатимиз фуқаролик процессуал қонун ҳужжатларида назарда тутилган мазкур норманинг ҳаётга изчил татбиқ этилишини таъминлаш мақсадида электрон ёки ўзга алоқа воситалари орқали олинган ҳужжатларнинг юридик кучга эга бўлиши, уларни судларда исботлаш воситаси сифатида қўлланилиши билан боғлиқ масалаларни чуқур таҳлил қилиш талаб этилади.

Айниқса, бу борада хорижий давлатларнинг процессуал қонунчилиги ва ахборот технологияларини қўллашга қаратилган тажрибасини ўрганиш электрон ҳужжатларнинг тўғрилигини аниқлаш мезонлари билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш имконини беради. Зоро, электрон ҳужжатларнинг тўғрилигини аниқловчи мезонларнинг процессуал қонун ҳужжатларида

мустаҳкамланиши суд амалиётида ушбу ҳужжатлар исботлашнинг мустақил воситаси сифатида қабул қилиниши ва баҳоланишидаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш имконини беради.

Янги ФПКда ахборот тизими орқали электрон шаклда судга бериладиган аризалар қаторида ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги аризалар, ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги аризалар ҳам ўрин олди. Ундан ташқари, апелляция, кассация шикоятлари берилган ёки протест келтирилгандан кейин даъвогарнинг арз қилган талабларидан воз кечиши, жавобгарнинг даъвогар талабларини тан олиши ва тарафларнинг келишув битими тузиши ёзма шаклда, шу жумладан **ахборот тизими орқали электрон шаклда** баён этилиб, апелляция, кассация инстанцияси судига топширилиши белгилаб қўйилди.

Судга тақдим этилаётган даъво аризаси, ариза ва шикоятларда даъвогарнинг ёки унинг вакилининг, шунингдек бошқа тарафнинг телефонлари ва факслари рақамлари, электрон манзили кўрсатилиши мумкинлиги, аризада электрон манзил кўрсатилганини аризачининг суд чақирув қоғозларини ва бошқа хабарномаларни, суд ҳал қилув қарорларининг ва ажримларининг нусхаларини ахборот тизими орқали электрон шаклда олишга бўлган розилигини билдириши ҳақидаги нормалар киритилди. Бу ўз навбатида судга мурожаат қилган ва ўз аризаларида электрон манзилини кўрсатган манфаатдор шахслар келажакда суд чақирув қоғозларини ва бошқа хабарномаларни, суд ҳал қилув қарорларининг ва ажримларининг нусхаларини ахборот тизими орқали электрон шаклда олиш имкониятларига эга бўлишини кўрсатади.

Янги ФПКда ишда иштирок этувчи шахслар, шунингдек гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар ва таржимонлар хабардор қилинганик факти қайд этилишини таъминлайдиган бошқа **алоқа воситалари орқали судга чақирилиши** ҳамда суднинг айrim процессуал ҳаракатлари тўғрисида хабардор қилиниши белгиланди. Хусусан, ФПКнинг 159-моддасига кўра, ишда иштирок этувчи шахс томонидан электрон почта манзили кўрсатилган тақдирда, суднинг чақирув қоғози ёки бошқа хабарнома электрон ҳужжат тарзида юборилиши мумкин.

Худди шунга ўхшаш норма ФПКнинг 188-моддасида ҳам ўз ифодасини топди. Унга кўра, аризада даъвогарни ёки унинг вакилининг, шунингдек бошқа тарафнинг телефонлари ва факслари рақамлари, электрон манзили кўрсатилиши мумкин. Аризада электрон манзили кўрсатилганлиги аризачининг суд чақирав қоғозларини ва бошқа хабарномаларни, суд ҳал қилув қарорларининг ҳамда ажримларининг кўчирма нусхаларини электрон ҳужжат тарзида олишга бўлган розилигидир.

Суднинг чақирав қоғози ёки бошқа хабарнома шахсан ёки вояга етган оила аъзоларидан бири, мазкур манзилда яшовчи бошқа шахс томонидан олинган, шунингдек суд томонидан матнли хабарнинг электрон почта манзили орқали ёки хабарноманинг қайд этилишини таъминловчи бошқа алоқа воситаларидан фойдаланган ҳолда етказилганлигини тасдиқловчи ҳисобот олинган ҳолларда, агар бундай хабарнома келиб тушмаганлиги ёки кечроқ келиб тушганлиги исботланмаса, ишда иштирок этувчи шахслар тегишли тартибда хабардор қилинган ҳисобланади (ФПКнинг 162-моддаси).

Процесс иштирокчиларининг ҳуқуқларини кафолатлаш мақсадида қонун билан телефонограммалар, телеграммалар ва хабардор қилинганлик факти қайд этилишини таъминлайдиган бошқа алоқа воситалари орқали судга чақирилган ёки суднинг айрим процессуал ҳаракатлари тўғрисида хабардор қилинган ҳолларда, телефонограммалар, телеграммалар, ахборот тизими орқали электрон шаклда юборилган суд чақирав қоғозининг нусхаси иш материалларига қўшиб қўйилади.

Қонунда процесс иштирокчиларининг, хусусан, ўз аризасида электрон манзилини кўрсатган шахсларнинг масъулиятини ошириш мақсадида ахборот тизими орқали электрон шаклда хабардор қилинган шахснинг келмаганлиги ишни кўриб чиқишга тўсқинлик қилмаслиги каби норма назарда тутилди. Дарҳақиқат, келгусида электрон шаклда суд чақирав қоғозини олишга розилик берган шахс, мазкур электрон хатни ўқимаслиги ёки ўқишдан бош тортиши ишни кўриб чиқишга тўсқинлик қилмаслиги мантиқан тўғри ҳисобланади. Шунингдек, ишда иштирок этувчи шахсларга телефонлари ва факсларининг рақамларини, электрон почта манзилини судга маълум қилган бўлса, иш юритилаётган вақтда уларнинг ўзгарганлиги тўғрисида судни хабардор қилиш масъулияти ҳам юкланди

(ФПКнинг 163-моддаси). Фуқаролик процессуал қонунчиликка киритилган ушбу ўзгартиш ва қўшимчалар одил судловнинг тезкорлиги ва қулайлилигини таъминлашга, суд иш юритувини янада демократлаштиришга, суд харажатларини камайтиришга, шунингдек процесс иштирокчиларининг масъулиятини оширишга хизмат қиласди.

ФПКга киритилган янгиликларнинг навбатдагиси – суд қарорларининг нусхалари ва бошқа ҳужжатларни манфатдор шахсларга электрон шаклда юбориш механизмининг жорий этилиши билан боғлиқдир. Хусусан, ФПКнинг 270-моддасига кўра, тарафларнинг ва ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг илтимосига кўра, суд ҳужжатининг кўчирма нусхаси уларга имзо қўйдириб топширилади ёки почта орқали ёхуд ахборот тизими орқали электрон ҳужжат тарзида юборилади.

Суд мажлисига келмаган тарафларга ва ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга суд ҳужжатининг кўчирма нусхаси у чиқарилган кундан эътиборан беш кундан кечиктирмай почта орқали ёки электрон ҳужжат тарзида юборилади.

Ахборот тизими орқали суд томонидан электрон шаклда юбориладиган суд ҳужжатлари қаторига сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорлари (ФПКнинг 284-моддаси), суд буйруғини бекор қилиш тўғрисидаги ажримнинг нусхалари (ФПКнинг 181-моддаси), апелляция, кассация ва назорат инстанцияси ажримининг ёки қарорининг нусхаси (ФПКнинг 382-моддаси), суднинг янги очилган ҳолатлар бўйича ишни қайта кўриш тўғрисидаги ажрими (ФПКнинг 443-моддаси) ва суд томонидан чиқариладиган бошқа бир қатор ҳужжатлари киритилди. Фуқаролик процессуал кодексидаги мазкур нормалар судлар фаолиятида очиқ ва ошкораликни таъминлашга хизмат қилиш билан биргалиқда, фуқароларнинг бузилган ҳуқуqlари ва қонуний манфаатларини тез ва самарали ҳимоя қилишга, судлар фаолиятидаги сансалорликнинг олдини олишга, маълумотлар билан алмашишнинг электрон воситалари орқали суд ва процесс иштирокчиларининг ўзаро ҳамкорлик қилиш ва ишлаш самарадорлигини оширишга ҳам хизмат қиласди.

Ўзбекистон Республикасининг янги ФПКни ишлаб чиқиш жараёнида бир қатор ривожланган давлатларнинг, хусусан, АҚШ, Европа Иттифоқи мамлакатлари, Япония, Корея каби давлатларнинг ижобий тажрибаси ҳамда мамлакатимизда бу

соҳадаги мавжуд миллий қонунчилик амалиёти чуқур таҳлил қилинган. Шу ўринда ўрганилган Германия ва Франция каби давлатларда фуқаролик суд ишларини юритишга ахборот технологияларни жорий этиш жараёнида ишнинг ҳал этилишидан манфаатдор бўлган барча шахслар ҳамкорлигига алоҳида эътибор берилади. Хусусан, Германиянинг “Юридик хизмат тўғрисида”ги Қонуни адвокатлар зиммасига “ProfiMahn” деб номланувчи буйруқ тартибида иш юритишнинг электрон ахборот тизимидан фойдаланиш мажбуриятини юклайди. Мазкур электрон ахборот тизими ундан фойдаланувчиларга суд билан икки томонлама ахборот алмашиш имконини беради ва аризанинг судга келиб тушганлиги, уни судда муҳокама қилиш ҳақидаги маълумотларни, шунингдек суд ҳужжатларини олиш учун шароит яратади. Франциянинг 2005 йил 28 декабрда кучга кирган янги Фуқаролик процессуал кодексида судлар билан ҳужжатлар алмашишнинг электрон кўринишда амалга оширилиши бўйича муҳим қадам қўйилган. Хусусан, мазкур Кодекснинг 748¹-моддаси ишга оид барча ҳужжатлар ва процессуал актларни электрон кўринишда тақдим этиш ёки бу ҳақда манфаатдор шахсларни хабардор қилиш юзасидан умумий қоидани белгилаган. Ушбу Кодекснинг 748²-моддасига асосан, фақат адресат (хабар йўлланган юридик ёки жисмоний шахс)нинг розилиги билангина судга оид ҳужжатлар алмашишнинг электрон шаклидан воз кечиш мумкин бўлар экан.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, аксарият ривожланган давлатларда суд ишларини юритиш тўлалигича замонавий ахборот-коммуникация технологиялари билан таъминланган. Хусусан, 1996 йилда АҚШнинг Огайо, Миссури ва Нью-Йорк штатларида намуна сифатида судга электрон шаклда мурожаат қилиш тизими (Case Management/Electronic Case Files (CM/ECF) жорий этилган эди. 2001 йилдан эса мазкур тизим судга даъво аризаларни ва бошқа ҳужжатларни электрон кўринишда тақдим этиш жараёнида фаол қўлланилиб келинмоқда. Судга тақдим этиладиган аризалар аризачининг **электрон рақамли имзоси** билан, агар ариза ваколатли вакил томонидан берилаётган бўлса, вакилнинг электрон рақамли имзоси **билан тасдиқланади**. Бу эса ўз навбатида ҳужжатларни бир хиллаштириш ва унинг асл нусхасига мувофиқ бўлишини таъминлаш билан бирга аризага илова қилинган ҳужжатларнинг бус-бутун

бўлишини ва ўзгармаслигини кафолатлайди. 2004 йилдан АҚШнинг барча судлари судга электрон шаклда мурожаат қилиш тизимига ўтган. Канадада судга электрон шаклда мурожаат қилиш тизими (e-Filing) 2002 йилдан бошланган. 2005 йилдан Италияда суд ишларини юритишнинг электрон тизими жорий этилган. Австралияда 2010 йилдан эътиборан миллий суд тизимида видеоконференцалоқа кенг қўлланилиб келинади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, хулоса қилиш мумкинки, янги Фуқаролик процессуал кодексидаги нормалар орқали фуқаролик ишлари бўйича судларга қилинадиган мурожаат ва унга илова қилинадиган ҳужжатлар ахборот тизими орқали электрон шаклда юборилиши ҳамда суд қарорларининг ишда иштирок этувчи шахсларга электрон воситалари орқали юборилишининг белгиланиши келажақда мамлакатимиз фуқаролик суд ишларини юритишга доир қонунчилигига суд мажлисини видеоконференцалоқа режимида ўтказишга доир нормаларни киритиш, электрон суд жараёнларини кенг жорий этиш, суд жараёнларини техник воситалар орқали қайд қилиш, шунингдек суд мажлиси стенографиясини юритиш каби одил судловни амалга оширишнинг илғор кўринишларини татбиқ этишда муҳим аҳамият касб этади.

2.3. Фуқаролик процессида суд мажлиси баённомалари ва стенограммаларини юритиш: истиқболи ва такомиллаштириш

2017 йилнинг 8 февралида матбуотда эълон қилинган “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармон билан “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” ҳамда “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури”да электрон тартибда суд ишини юритишнинг замонавий шакл ва усулларини, шу жумладан, процесс иштирокчилари билан ўзаро электрон ҳамкорликни амалга ошириш, видеоконференцалоқадан фойдаланишни, шунингдек процессуал ҳаракат-

ларни видео, аудио қайд этишни, суд-тергов жараёнларини стенограмма қилишнинг янги турларини кенгроқ жорий этиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш имконини берувчи қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш назарда тутилди (73 ва 82-бандлар).⁸⁹

Маълумки, фуқароларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларини, эркинликлари ва манфаатларини, шунингдек корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларининг ҳимоя қилинишини таъминлашда фуқаролик ишлари бўйича судлар алоҳида аҳамият касб этади. Буни мазкур судларга келиб тушаётган мурожаатларнинг кўплигидан ҳам билиш мумкин. Ўз навбатида фуқаролик ишлари бўйича судлар юқорида қайд этилган вазифаларни амалга оширишида улар томонидан қабул қилинаётган қарорларнинг қонуний ва асосли бўлиши ҳамда суд ишларини юритишдаги процессуал ҳужжатларнинг сифатли бўлиши мухим рол ўйнайди. Айниқса, бу борада суд мажлиси ва суд мажлисидан ташқари амалга оширилган бошқа процессуал ҳаракатлар тўғрисида юритиладиган баённоманинг мазмуни, уни юритиш тартиби каби масалаларга эътибор бериш талаб этилади.

Фуқаролик процессида баённома юритишнинг аҳамияти шундан иборатки, баённома исботлаш воситаси ҳисобланиб, процесснинг барча иштирокчиларига, шунингдек суд қарорларининг қонунийлиги ва асослилигини текширувчи юқори суд инстанцияларига қуий суднинг ҳаракатларида процессуал қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартиб-таомилларга риоя қилинганлигини, у ёки бу процессуал ҳаракатлар ва ҳужжатларнинг қонунийлигини текшириш имконини беради. Айнан суд мажлисининг баённомаси асосида юқори турувчи инстанция суди фуқаролик ишини кўриш ва ҳал этиш бўйича биринчи инстанция судининг қонун талабларини бажарганлиги ҳақида ўз фикрини шакллантириб олади.

⁸⁹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони // "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2017 йил 13 февраль, 6-сон, 70-модда.

Янги ФПКнинг 276-моддасига мувофиқ, фуқаролик суд ишларини юритиш жараёнида ҳар бир суд мажлиси тўғрисида, шунингдек суд мажлиси залидан ташқарида қилинган ҳар бир алоҳида процессуал ҳаракат тўғрисида баённома тузилади. Ишнинг биринчи инстанция суди мажлиси жараёнида бўлгани каби апелляция, кассация ва назорат инстанцияси судларида кўрилишида ҳам мазкур Кодекснинг 277-278-моддаларида белгиланган тартибда суд мажлиси баённомаси юритилиши зарур. Шу ўринда ишда суд мажлиси баённомаси мавжуд бўлмаса ёки у имзоланмаган бўлса, юқори инстанция судлари томонидан ҳал қилув қарори, ажрим, қарор бекор қилиниши шартлиги белгилаб қўйилганлигини алоҳида қайд этиш зарур (ФПКнинг 377-моддаси 7-банди).

Баённома нафақат фуқаролик иши мазмунан кўрилаётган суднинг ҳар бир суд мажлиси бўйича, балки суд ишларини юритишининг барча босқичларида амалга ошириладиган ҳар бир алоҳида процессуал ҳаракатлар (масалан, ёзма ва ашёвий далилларни жойларга чиқиб кўздан кечириш) бўйича ҳам юритилиши назарда тутилади. Шу ўринда ФПК суд мажлисида у ёки бу масалаларни кўриб чиқиш пайтида уларни баённома билан расмийлаштириб бориш тўғрисида кўрсатмалар беради. Масалан, ФПКнинг 98-моддаси иккинчи қисмида суд экспертигининг оғзаки тушунтириши суд мажлисининг баённомасига киритилиши, экспертга ўқиб берилиши ва эксперт томонидан имзоланиши, мазкур Кодекснинг 211-моддаси учинчи қисмида ишда иштирок этувчи шахслар, экспертлар, мутахассислар, таржимонлар, гувоҳлардан бирортаси раислик қилувчининг хатти-ҳаракатига эътиroz билдирган тақдирда, бу эътиrozлар суд мажлисининг баённомасига киритилиши, Кодекснинг 226-моддаси биринчи қисмида эса даъвогарнинг арз қилган талабларидан воз кечганлиги, жавобгарнинг даъвогар талабларини тан олганлиги ёки тарафлар эришган келишув битимининг шартлари суд мажлиси баённомасига киритилиши шулар жумласидандир.

Шу билан бирга таъкидлаш керакки, у ёки бу процессуал ҳаракатларни амалга ошириш тартиб-таомилларининг албатта баённомага киритилишининг процессуал қонунда тўғридан-тўғри белгиланмаслиги судьянинг ушбу ҳаракатларни баённомага киритмаслигини англатмайди. Масалан, юридик адаби-

ётларда қайд этилишича, ишни судда кўришга тайёрлаш босқичида экспертиза тайинлаш жараёнида судья ва ишда иштирок этувчи шахсларнинг процессуал ҳаракатлари баённома билан расмийлаштирилиши мумкин. Бизнингча, ФПКнинг 203-моддасига мувофиқ, судья ишни судда кўришга тайёрлаш тартибида тарафларни сўроқлаш жараёнлари ҳам албатта баённома билан расмийлаштирилиши лозим.

Судья томонидан амалга ошириладиган ҳар қандай процессуал ҳаракат тўғрисида баённома тузилавермайди. Масалан, суд буйруғини чиқариш жараёни баённома билан расмийлаштирилмайди. Зоро, ФПКнинг 170-моддасига кўра, суд буйруғи низосиз талаблар бўйича суд муҳокамаси ўтказмасдан берилган суд ҳужжатидир.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, ФПК ишда иштирок этувчи шахсларга суд муҳокамаси чоғидаги иш учун аҳамиятли деб ҳисоблаган ҳолатларни овоз ёзиш, видеоёзув ёки кинотасвирга олиш воситаларида акс эттирилишини ва фонограмма, видеокассета, кинотасманинг суд мажлиси баённомасига илова қилинишини талаб қилишларини назарда тутмаган. Бироқ ФПКнинг 277-моддасида суд мажлисининг баённомасида ишни кўришнинг ёки алоҳида процессуал ҳаракатларни амалга оширишнинг барча муҳим жиҳатлари акс эттирилиши лозим, деган нормадан келиб чиқиб, ишда иштирок этувчи шахслар суд муҳокамаси чоғидаги иш учун аҳамиятли деб ҳисоблаган ҳолатларни овоз ёзиш, видеоёзув ёки кинотасвирга олиш воситаларида акс эттирилишини ва фонограмма, видеокассета, кинотасманинг суд мажлиси баённомасига илова қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга бўладилар. Миллий процессуал қонунчиликни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, масалан, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 426-моддаси еттинчи қисмига мувофиқ, баённома тўлиқ бўлишини таъминлаш учун стенограмма юритилиши мумкин. Стенографик ёзув ишга илова қилинмайди. Суд муҳокамаси чоғидаги сўроқ қилишлар овоз ёзиш, видеоёзув ёки кинотасвирга олиш воситаларида акс эттирилиши мумкин. Бундай ҳолда фонограмма, видеокассета ва кинотасма суд мажлисининг баённомасига илова қилиниб, баённомада ушбу воситалар қўллангани қайд этилади.

Бу борада ўрганилган хорижий давлатларнинг процессуал қонунчилигига ҳам суд мажлиси баённомаси тўлиқ бўлишини

таъминлаш учун стенограмма юритилиши мумкинлиги назарда тутилган. Масалан, Россия Федерацияси ГПКнинг 230-моддаси биринчи қисмида баённомаси тўлиқ бўлишини таъминлаш учун стенограмма юритилиши, аудио-ёзув ва бошқа техник воситалардан фойдаланиш мумкинлиги белгиланган.⁹⁰ Беларусь ГПКнинг 271-моддаси тўртинчи қисмида ҳам суд ишларини юритиш иштирокчилари очиқ суд мажлисида суд мажлисида ўзлари учун ажратилган жойдан суд муҳокамасининг боришини ёзма ёки магнит ёзувидан фойдаланган ҳолда қайд қилиб бориш ҳуқуқига эга.⁹¹ Украина ГПКда “Фуқаролик процессини қайд этиш (ёзиб олиш)” деб номланган 5-боб мавжуд бўлиб, унинг 197-моддасига кўра, суд ишни кўриш вақтида овоз ёзиш техник воситалари орқали суд мажлиси тўлиқ ёзиб олинади. Суд мажлисини техник восита орқали ёзиб олиш суд мажлиси котиби ёки раислик қилувчининг фармойишига кўра суд аппаратининг ходимига юклатилиши мумкин. Техник ёзиб олиш воситалари орқали олинган суд мажлисига доир маълумотлар (кассета, дискета ва бошқ.) суд мажлиси журналига (баённомасига) илова қилинади ва суд мажлиси якунланганидан сўнг иш материалларига қўшиб қўйилади. Ишда иштирок этувчи шахсларнинг илтимосномаларига асосан, раислик қилувчининг фармойиши билан техник ёзиб олинган суд мажлисининг тўлиқ ёки бир қисми пуллик асосда чиқариб берилиши ҳам мумкин. Ишда иштирок этувчи шахслар ушбу маълумотлардан нусха олиш ҳуқуқига эга бўладилар. Шунингдек, ишда иштирок этувчи шахслар суд мажлиси журнали (баённомаси) каби техник қайд этилган суд мажлисининг ёзуви билан танишишлари, иш юзасидан ҳал қилув қарори эълон қилинишидан 7 кун аввал ушбу ёзувнинг нотўғрилиги ёки тўлиқ эмаслиги бўйича ўз эътиrozларини билдиришлари мумкин бўлади. Ушбу эътиrozлар келиб тушган кундан бошлаб 5 кун ичида кўриб чиқилиши керак.⁹²

⁹⁰ Гражданский процессуальный кодекс Российской Федерации от 14.11.2002. №138-ФЗ. www.consultant.ru

⁹¹ Гражданский процессуальный кодекс Республики Беларусь // Национальный реестр правовых актов Республики Беларусь, 1999. № 18-19, 2/13. www.consultant.ru; Kodeksy.by, 2016 - Кодексы Республики Беларусь.

⁹² Гражданский процессуальный кодекс Украины от 18 марта 2004 года // ВВР. – 2004. № 40 – 41, 42. – ст. 492.

Таъкидлаш керакки, судда фуқаролик ишини кўриш вақтида овоз ёзиш техник воситалари орқали суд мажлисининг ёзиб олиниши судьянинг ишни кўриш бўйича масъуллиятини кучайтиради ва суд процессларининг сифатини оширишга хизмат қилади. Ундан ташқари, суд мажлиси баённомасини ўзгартириб қўйиш ёки уни йўқолиб қолиши каби салбий ҳолатларга барҳам беради, суд мажлиси котибининг иш юкламасини ҳам бирмунча енгиллаштиради, чунки суд мажлисини овоз ёзиш техник воситалари ёки видео орқали ёзиб олиниши суд мажлисида бўлиб ўтган ҳодисаларни ўзида тўлиқ акс эттиради. Мутахассисларнинг фикрича, хатто тажрибали котиб ҳам суд мажлисида бўлиб ўтаётган ва иш учун муҳим бўлган барча ҳолатларни ёзиб бориш имкониятига эга бўлавермайди.

Айрим хорижий давлатларнинг процессуал қонунчилигида хатто “видеобаённома” атамаси қўлланилганлигини кўриш мумкин. Масалан, АҚШда оддий қўлёзма шаклда юритиладиган суд мажлиси баённомаси ўрнига бўғин ва сўзларни ёзадиган маҳсус техника ёрдамида юритиладиган ва суд мажлисини тўлиқ қамраб оладиган стенограммалардан фойдаланилади. Шундай қилиб, суд мажлисининг бориши маҳсус диктофонлар орқали тўлалигича ёзиб олинади.

Маълумки, “Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида”ги қонуннинг 4-моддасига мувофиқ иш материаллари билан танишиш ҳамда ишни судда ва бошқа органларда кўриш чоғида овоз ёзиш қурилмалари ҳамда бошқа техника воситаларидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фойдаланиш ҳуқуқига эга эканлиги белгилаб қўйилган.⁹³ Шундай экан, бу ва юқорида баён этилганлардан келиб чиқиб, мамлакатимиз Фуқаролик процессуал кодексида ҳам процесс иштирокчилари очиқ суд мажлисида аудиотехника воситаларидан фойдаланган ҳолда овозларни ёзиб олиш ҳуқуқига эга бўлиши, бироқ фотосуратга, видео-ёзувга ва кинога тушириш, суд мажлиси жойидан радио

⁹³ Ўзбекистон Республикасининг “Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида”ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 й., 1-сон, 12-модда, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 52-сон, 514-модда; 2016 й., 39-сон, 457-модда; 2017 й., 37-сон, 978-модда.

ёки телевидениега тўғридан-тўғри олиб кўрсатиш ёки эшиттириш қилиш ишнинг ҳал этилишидан манфаатдор бўлган шахсларнинг фикри эътиборга олган ҳолда суд мажлисида раислик қилувчининг рухсати билан амалга оширилиши ҳақидаги нормани белгилаш мақсадга мувофиқ бўлади. Ушбу қоиданинг киритилиши суд мажлисидаги тартиб-таомилларга қатъий риоя этилишини таъминлайди, далилларнинг сохталаштирилишини, суд мажлиси баённомасининг ўзгартирилиши каби ноҳуш ҳолатларнинг олдини олади. Бу эса охир-оқибат судда ишларни тўғри ва ўз вақтида кўриш ҳамда ҳал этишни таъминлайди, бузилган ҳуқуқ ва қонун билан қўриқланадиган манфаатлар ҳимоясини қўшимча равишда кафолатлашга хизмат қиласди.

2.4. Суд қарорларини очиқлигини таъминлашнинг долзарб масалалари

Фуқаролар ва ташкилотларнинг субъектив ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида суд процессида турли хил фуқаролик ишлари ҳал қилинади. Ўз навбатида, фуқаролик ишларини кўриш ва ҳал қилиш жараёнида суднинг холосалари муайян процессуал шаклда белгиланган тартибда чиқариладиган суд қарорлари тарзида ифода этилади.

Биринчи инстанция судининг қарорлари унинг мазмунини тавсифловчи қуйидаги жиҳатларга эга:

Биринчидан, биринчи инстанция судининг қарорлари одил судловни амалга ошириш ваколатига эга бўлган орган суд томонидан чиқарилади ва барча давлат органлари, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурий бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ижро этилади.

Иккинчидан, биринчи инстанция судининг қарорлари амалдаги қонун ҳужжатлари асосида чиқарилиб, ҳуқуқни қўллаш ҳужжати ҳисобланади. Биринчи инстанция судининг қарорларини чиқариш фуқаролик процессуал қонунчиликда назарда тутилган процессуал шаклда амалга оширилади. Бу эса унинг процессуал тусга эга эканлигини кўрсатади.

Учинчидан, суд муайян шахсларга қаратилған ва аниқ фактларга асосланған ҳуқуқни қўллаш актини қабул қиласди.

Тўртинчидан, биринчи инстанция судининг қарорлари ёзма равишда расмийлаштирилиши талаб этилади. Биринчи инстанция судининг қарорлари қандай турга мансуб бўлишига қараб, расмийлаштирилиши ҳам турлича бўлади (алоҳида ҳужжат сифатида маслаҳатхонада (алоҳида хонада) чиқариладиган қарор ҳамда суд мажлиси баённомасида қайд этиш билан чекланадиган қарор).

Бешинчидан, биринчи инстанция судининг қарорлари мажбурий равишда ижро этилиши талаб этилади.⁹⁴

Биринчи инстанция судининг қарорлари – бу фуқаролик ишлари бўйича одил судловни амалга ошириш натижасида умумий юрисдикция судлари томонидан амалдаги қонун ҳужжатлари асосида ёзма шаклда чиқариладиган ва ижро этилиши мажбурий бўлган процессуал ҳужжат ҳисобланади.

Юридик адабиётларда таъкидланишича, фуқаролик ишлари бўйича ҳал этиладиган масалаларга кўра суд қарорлари анъанавий равишда қуидаги икки турга:

- ҳал қилув қарорлари;
- ажримларга бўлинади.

Биринчи инстанция судининг ишни мазмунан ҳал қиласди қарорига ҳал қилув қарори деб айтилади (ФПКнинг 249-моддаси). Бундай ҳал қилув қарори суд томонидан кўрилаётган асосий масалаларга жавоб тариқасида тарафлардан даъво талаблари бўйича, алоҳида тартибда кўриладиган ишлар бўйича қабул қилинади. Биринчи инстанция судининг ишни мазмунан ҳал қилмайдиган қарорига ажрим деб айтилади (ФПКнинг 271-моддаси).

Биринчи инстанция судида фуқаролик ишларини кўриш, одатда ҳал қилув қарори қабул қилиш билан тамом бўлади. Ажрим эса, фуқаролик процессининг юритилиши ёки унинг тўхтатилиши, тугатилиши масалалари бўйича, далилларни тўплаш, процессга янги шахсларни жалб қилиш, суднинг ҳал

⁹⁴ Мамасиддиқов М.М., Ёдгоров Х.Б., Давлетов Ў.М. Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Махсус қисм / Дарслик. Масъул муҳаррир ю.ф.д., проф. М.Х.Рустамбаев. –Тошкент. Ҳарбий-техник институти нашриёти. 2018. –120 б.

қилув қарорини ижро этиш бўйича, шунингдек ташкилотларнинг ишларидағи жиддий камчиликлар ҳамда фуқаролар томонидан қонуннинг бузилиши масалалари ва бошқа баъзи масалалар бўйича чиқарилади.⁹⁵

Ҳозирги кунда фуқаро ва ташкилотларнинг ҳуқук ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш ҳамда процесс иштирокчилари ва манфаатдор шахсларнинг одил судловга нисбатан бўлган кафолатларини янада кучайтириш ўзининг долзарблигини йўқотган эмас. Айниқса, одил судлов ҳужжати саналмиш суд ҳал қилув қарорларининг қонунийлиги, асослиги ваadolatлилигини таъминлаш мақсадида унинг тушунарли, ҳамма учун очиқ ва шаффофлигини, бир сўз билан айтганда, ҳал қилув қарорларининг трансперентлигини таъминлаш муҳим масалалардан бўлиб ҳисобланади.

Давлатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёев ташаббуси билан ишлаб чиқилган ва қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармон ва ушбу Фармон билан тасдиқланган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” ҳамда “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури”да мамлакатимизда судларнинг фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган илғор илмий-техника воситалари ва ахборот технологияларини кенг жорий этиш мақсадида суд қарорларининг ахборот-ҳуқуқий электрон базасини юритиш, шахсий ҳаёт дахлизлигини таъминлаган ҳолда ва суд иштирокчиларининг розилиги билан барча суд қарорларини чоп этиш тартибини жорий қилиш (ёпиқ суд жараёнида кўриб чиқилганларидан ташқари) кабилар назарда тутилди Давлат дастурининг 65-банди).⁹⁶

⁹⁵ Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуки. Дарслик. –Тошкент, Адолат. 2001. -231 бет.

⁹⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги

Шу ўринда Давлат дастурида назарда тутилган суд қарорларини чоп этиш тартибини жорий қилишнинг афзаликлари ҳақида тўхталашибган бўлсак, мазкур тартиб орқали суд фаолиятига оид ахборот олиш имконияти яратилади, бу эса ўз навбатида суд ишларининг сонини камайишига ҳам ёрдам беради. Чунки суднинг иш бўйича ҳал қилув қарори ёки ҳукм чиқарганлиги айни шу иш бўйича судга қилинаётган мурожаатларнинг олдини олади. Суд қарорларини чоп этиш тартибининг жорий қилиниши судда иш кўришнинг очиқ ва ошкоралиги принципи билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, суд қарорларининг асосли, қонуний ва адолатли қабул қилинишини кафолатлашга хизмат қиласди. Зеро, суд ҳал қилув қарори ва ҳукмининг эълон қилиниши судьяларни иш юзасидан ўз қарорларини аниқ фактлар билан асослашга ундейди.

Суд фаолиятининг очиқлиги, суднинг айрим тоифадаги ишлар бўйича қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорлари ва ҳукмларининг жамоатчиликка маълум қилиб борилиши моҳият эътибори билан демократик ҳуқуқий давлатнинг ажralmas қисми ва муҳим талабларидан биридир.

Суд қарорларининг очиқлиги инсонларнинг суд ҳокимиятига бўлган ишончини мустаҳкамлайди, ошкора кўрилган ишларнинг оммавий ахборот воситалари орқали ёритилиши жамият томонидан суд фаолиятининг ҳалқ назоратига олинини таъминлайди ва тарбиявий аҳамиятга эга. Шунингдек, мазкур тамойил суд қарорларининг асосли, қонуний ва адолатли қабул қилинишини кафолатлайди, деб кўрсатади.⁹⁷ К.Барнарнинг фикрича, маълумот олиш имкониятининг яратилиши суд ишларининг сонини камайишига ёрдам беради, чунки суднинг иш бўйича ҳал қилув қарори чиқарганлиги айни шу иш бўйича судга қилинаётган мурожаатларнинг олдини олади. Суд ҳал қилув қарорининг эълон қилиниши судьяларни иш юзасидан ўз қарорларини аниқ асослашига ундейди. Чунки унинг томонидан чиқарилган ҳал қилув қарорлари матбуот

Ф-4947-сонли Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017. 13 февраль, 6-сон, 70-модда.

⁹⁷ Мамасиддиқов М.М. Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Умумий қисм / Олий ўкув юрти талabalari учун дарслик. Масъул муҳаррир ю.ф.д., проф. О.Оқюлов. –Тошкент: ТДЮИ нашриёти. 2010. – Б. 67-68.

орқали ёки олимлар ва таҳлилчилар томонидан танқидга учраши мумкин.⁹⁸

Шунинг учун процессуал ҳуқуқи соҳасида илмий-тадқиқот ишларини олиб бораётган ҳуқуқшунос олимлар ва мутахассислар олдида қуйидаги назарий вазифалар туради:

- фуқаролик, иқтисодий, жиноят ва маъмурий суд ишларини юритишда техник воситалардан фойдаланиш доирасини аниқлаш (белгилаш);

- амалдаги фуқаролик, иқтисодий, жиноят ва маъмурий суд ишларини юритиш қоидаларини техниканинг “тажовузи”дан ҳимоя қилиш ва унинг таъсир доираси чегарасини белгилаш;

- фуқаролик, иқтисодий, жиноят ва маъмурий суд ишларини юритишда электрон далиллардан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилиш, уларга судлар томонидан баҳо беришда эътиборга олинадиган масалаларни тадқиқ этиш;

- судьялар ўртасида ишларни электрон тақсимлаш мезонлари ва тартибини шакллантиришнинг илмий-амалий жиҳатларини тадқиқ этиш;

- фуқаролик, иқтисодий, жиноят ва маъмурий суд ишларини юритиш давомида техника воситаларидан фойдаланишдаги чегаралар ва бу билан боғлиқ айрим мезонларни ишлаб чиқиш, масалан, қачон суд фаолияти давомида фуқароларнинг процессуал ҳаракатлари ўрнини техника ютуқлари билан алмаштириш мумкинлиги ҳамда қайси ҳолларда бу кутилган натижани ва самарани бериши мумкинлиги билан боғлиқ мезонлар шулар жумласидандир.

Суд қарорларининг очиқлигини таъминлаш борасида хорижий давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, процессуал қонунчиликка ахборот технологияларни жорий этишнинг шакл ва услублари билан боғлиқ амалий нуқтаи назардан бирмунча қизиқарли бўлган масалалар мавжуд.

Суд ҳал қилув қарорларининг жамоатчилик учун очиқлиги бўйича хорижий давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, масалан, Германия ва Францияда суд ҳал қилув қарорлари жамоатчилик учун очик бўлиб, айрим ҳолларда жиддий асослар мавжуд бўлганида тарафларнинг номлари ошкор

⁹⁸ Барнар К. Пути и способы распространения информации о судебных решениях в Великобритании / В сб.: Судебная практика как источник права. –М., 2000. -69 с.

қилинмайди. Айниқса, Францияда олий суд инстанцияларининг ва маъмурий судларнинг қарорларини тарқатишнинг самарали механизлари яратилган ва бу борада “Legifrance.gov.fr” номли Интернетдаги ҳуқуқий ахборот сайтининг алоҳида ўрни мавжуд. Буюк Британияда ҳам худди шунга ўхшаш ҳолатлар мавжуд бўлиб, қизиқарли бўлган суд қарорларини оммавий ахборот воситалари орқали мунтазам равишда чоп этиб бориш анъана турага кирган. Масалан, “Лондон Таймс” газетаси деярли ҳар куни сўнгги вақтларда бирмунча қизиқарли бўлган суд ишлари бўйича қабул қилинган қарорларнинг қисқача ахборотини чоп этиб боради. Ҳар чоршанба куни нашрга чиқадиган “Лоу Таймс” газетасида эса бутун бир боб қонунчилик ва суд амалиётига бағишиланган. Шунингдек, лордлар Палатасининг маҳсус сайтида (<http://www.publications.Parliament.uk/pa/ld>) Бирлашган Қиролликнинг барча ҳудудидаги олий суд инстанцияларининг қарорларини, иш муҳокамасига доир бошқа маълумотларни олиш мумкин. Мазкур сайтда муқаддам, яъни 1966 йилдан бошлаб қабул қилинган суд қарорлари ҳақидаги маълумотлар билан ҳам танишиш мумкин.⁹⁹

Суд қарорларининг очиқлиги бўйича АҚШ тажрибасига тўхталашибган бўлсак, судлар томонидан қабул қилинган ва рўйхатдан ўтган барча ҳужжатлар билан аҳоли суд клерки офиси орқали танишиб бориш имкониятига эга. Суд ҳал қилув қарорларини нафақат электрон шаклда, балки чоп этилган шаклда ҳам олиш имконияти мавжуд. Хусусан, АҚШнинг барча суд қарорлари шу судларга тегишли бўлган нашрларда тўплам сифатида чоп этиб борилади ва мазкур нашрлар барча юридик кутубхоналарда мавжуд.¹⁰⁰

Суд фаолиятининг очиқлиги охир-оқибат суд ҳал қилув қарорининг адолатли бўлишини таъминлашда муҳим аҳамият касб этишини эътиборга олган ҳолда 2008 йил 22 декабрда Россия Федерациясининг “Фуқаролар ва ташкилотларнинг Россия Федерацииси умумий юрисдикция судлари фаолияти

⁹⁹ Барнар К. Пути и способы распространения информации о судебных решениях в Великобритании / В сб.: Судебная практика как источник права. –М., 2000. –С. 71-72.

¹⁰⁰ Власихин В. Виртуальное путешествие российского читателя по американским судам // Российская юстиция. 2001. №3. –С. 60-63.

ҳақида ахборот олиш” ҳуқуқини таъминлаш түғрисида”ги қонуни қабул қилинди.¹⁰¹

Шу ўринда мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, хусусан, давлат ҳокимиютиниң очиқлиги ва ошкоралиги барча соҳаларда бўлгани каби суд ишларининг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлашда ўз аксини топмоқда. Суд фаолиятининг очиқлиги ва суд қарорларининг барчага танишиш учун қулай бўлишини таъминловчи процессуал механизмларни янада такомиллаштириш мамлакатимизни янада ривожлантириш шароитида муҳим аҳамият касб этади. Бу жараёнлар суд муҳокамаларини очиқлик принципига таянган ҳолда видеоконференсалоқа режимида ўтказиш ҳамда аудио ёки видеоёзувга олиш йўли билан амалга оширилишида намоён бўлмоқда.

МДҲга аъзо давлатлар қонунчилик тажрибасидан келиб чиқиб, мамлакатимиз ФПҚда ҳам процесс иштирокчилари, хусусан, адвокат очиқ суд мажлисида аудио-техник воситалардан фойдаланган ҳолда овозларни ёзиб олиш ҳуқуқига эга бўлиши, бироқ фотосуратга, видео-ёзувга ва кинога тушириш, суд мажлиси жойидан радио ёки телевидениега тўғридан-тўғри олиб кўрсатиш ёки эшиттириш қилиш ишнинг ҳал этилишидан манфаатдор бўлган шахсларнинг фикри эътиборга олган ҳолда суд мажлисида раислик қилувчининг руҳсати билан амалга оширилиши ҳақидаги нормани белгилаш мақсадга мувофиқ бўлади. Ушбу қоиданинг киритилиши суд мажлиси тартибиға қатъий риоя этилишини таъминлайди, далилларнинг сохталаштирилишини, суд мажлиси баённомасининг ўзгартирилиши каби нохуш ҳолатларнинг олдини олади. Бу эса охир-оқибат судда ишларни тўғри ва ўз вақтида кўриш ҳамда ҳал этишни таъминлайди, бузилган ҳуқуқ ва қонун билан қўриқланадиган манфаатлар ҳимоясини қўшимча равишда кафолатлашга хизмат қиласи.

Мамлакатимизда ҳам суд ҳал қилув қарорларининг очиқлиги ва барчага танишиш учун қулай бўлишини таъминловчи

¹⁰¹ Федеральный закон Российской Федерации от 22 декабря 2008 г. N 262-ФЗ «Об обес-печении доступа к информации о деятельности судов в Российской Федерации». «Российская газета» Федеральный выпуск № 482, 26 декабря 2008 г. Вступает в силу 1 июля 2010 г. Принят Государственной Думой 10 декабря 2008 года, Одобрен Советом Федерации 17 декабря 2008 года. <http://www.rg.ru/2008/12/26/sud-internet-dok.html>

процессуал механизмларни яратиш ҳозирги кунда муҳим аҳамият қасб этади. Шу мақсадда, бизнинг фикримизча, биринчидан, суд амалиётини умумлаштириш натижалари ва судлар фаолиятига доир бошқа маълумотлар мунтазам равишида чоп этиб борилишини ташкил этиш керак. Иккинчидан, айrim тоифадаги ишлар бўйича қабул қилинган суд ҳал қилув қарорларини чоп этиб бориш амалиёти йўлга қўйилиши лозим. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ахборотномасида фуқаролик ишлари бўйича суд амалиёти материаллари қуи судларнинг ҳал қилув қарорларида йўл қўйилган камчиликлар кўрсатилган ҳолда мунтазам равишида чоп этиб борилмоқда. Мазкур шаклда суд ҳал қилув қарорлари ҳақидаги маълумотларнинг бериб борилиши судлар фаолиятида йўл қўйилаётган камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш ва уни олдини олишга хизмат қилиб келмоқда. Учинчидан, мамлакатимизда тадбиркорларнинг иши юзасидан қабул қилинган хўжалик судлари қарорларини мунтазам равишида нашр этиб борилиши амалиётининг йўлга қўйилганини қўллаб-қувватлаган ҳолда айrim тоифадаги фуқаролик ишлари бўйича ҳам қабул қилинган суд ҳал қилув қарорларини қонунчиликда белгиланган тартибда маҳсус нашрларда ёки Олий суднинг веб-сайтларида нашр этиб бориш амалиётини жорий этишни йўлга қўйиш лозим. Шунингдек, фуқаролик ишлари бўйича судлар фаолияти ҳақида аҳолини мунтазам равишида ҳабардор қилиб боришни ташкил этиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий суди, фуқаролик ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг интернетда веб-сайтларини тўлиқ ишга тушириш ва янада такомиллаштириш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

3-боб. Фуқаролик суд ишларини юритишда жамоатчилик назоратини таъминлаш воситалари ва уларни такомиллаштириш масалалари

3.1. Судда ишларнинг кўрилишида фуқаролик жамияти институтлари иштирокининг процессуал хусусиятлари

Мамлакатимизда инсон ҳуқук ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда фуқаролик жамияти институтлари муҳим омилга айланмоқда. Фуқароларнинг ўз салоҳиятларини рӯёбга чиқаришда, уларнинг ижтимоий, социал-иктисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш учун шароит яратишда, жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлашга кўмаклашишда мазкур институтлар томонидан жамоатчилик назоратининг амалга оширилиши муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бугунги кунда жамоатчилик назоратини амалга ошириш орқали фуқароларнинг давлат органлари билан ўзаро самарали алоқасини таъминлаш, давлат органлари фаолиятида қонунийликка риоя этилишини назорат қилиш масаласи айниқса долзарб масалага айланди. Айниқса, фуқароларимизнинг ҳуқук ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш вазифаси юклатилган суд ҳокимиятининг очиқлигини оширишда, аҳолининг суд ҳокимиятига бўлган ишончини мустаҳкамлашда жамоатчилик назоратини таъминлаш меҳанизмларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш тақозо этилади.

Таъкидлаш жоизки, суд ҳокимияти фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш бошқа давлат ҳокимияти органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишга қараганда ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб турди. Шу ўринда суд ҳокимияти фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишда суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлаш, процесс иштирокчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, давлат сири, фарзандликка олиш сири, тижорат сири ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирларни сақлаш зарурати эътиборга олинади. Бинобарин, Ўзбекистон Республикасининг “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонуни 2-моддасида ҳам суд ишларини юритиш соҳасида жамоатчилик назоратини амалга ошириш алоҳида қонун ҳужжатлари билан

тартибга солиниши назарда тутилган. Бу эса суд ишларини юритиш соҳасида жамоатчилик назоратини амалга ошириш механизмларини назарда тутувчи алоҳида қонун ҳужжатлари сифатида Фуқаролик процессуал, Иқтисодий процессуал, Жиноят процессуал ва Маъмурий суд ишларини юритиш кодексларини такомиллаштиришни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг бир қатор норматив-хуқуқий ҳужжатларида суд ҳокимияти органлари фаолиятида жамоатчилик назоратининг муҳимлиги, уни амалга ошириш механизмлари ўз ифодасини топди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 июлдаги “Суд-хуқуқ тизимини янада такомиллаштириш ва суд ҳокимияти органларига ишончни ошириш чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонида судларнинг аҳоли билан очиқ мулоқотини йўлга қўйиш ва суд ҳокимиятининг очиқлигини ошириш йўлидаги муҳим чора сифатида суд ишларини сайёр суд мажлисларида кўриб чиқиш амалиёти кенгайтирилганлиги таъкидланган.¹⁰² Шу билан бирга мазкур Фармонда суд ҳокимияти органлари фаолиятининг таҳлили улар зиммасига юклатилган вазифаларни самарали амалга оширишга тўсқинлик қилаётган қатор муаммо ва камчиликлар сифатида судларнинг жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан ишлари қониқарсиз дараҷада ташкил этилганлиги, бу эса суд фаолиятини лозим даражада ёритиш имконини бермаётганлиги, аҳолининг суд ҳокимиятига ишончи пасайишига олиб келаётганлигини таъкидланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суд-хуқуқ тизимини янада такомиллаштириш ва суд ҳокимияти органларига ишончни ошириш чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонида суд ишларини юритиш соҳасида жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг қуйидаги шакллари назарда тутилган:

- Ўзбекистон Республикаси Олий суди веб-сайтида суд қарорларини тизимли равишда эълон қилиш тартибини босқичма-босқич жорий этиш;

¹⁰² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 июлдаги “Суд-хуқуқ тизимини янада такомиллаштириш ва суд ҳокимияти органларига ишончни ошириш чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 14.07.2018 й., 06/18/5482/1506-сон.

- қабул қилинган суд ҳужжати ўқиб эшиттирилганидан сўнг унинг маъмун-моҳиятини суд процесси иштирокчиларига тушунтирилишини суд амалиётига жорий этиш;

- судлар фаолияти тўғрисида жамоатчилик ва оммавий ахборот воситаларини ҳабардор қилиш мақсадида ҳар чорақда вилоят судлари раислари ва уларнинг ўринbosарлари томонидан брифинглар ўтказиш;

- Ўзбекистон Республикаси Олий суди судлов ҳайъатлари томонидан суд ишларини назорат тартибида, вилоятлар ва уларга тенглаштирилган судлар томонидан суд ишларини апелляция ва кассация тартибида кўриб чиқиш амалиёти обзорларини ҳар чорақда эълон қилиш.

Таҳлиллар суд ишларини юритишида жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг қуидаги шакллари мавжудлигини кўрсатади:

Биринчидан, судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини тўлиқ жорий этиш, яъни суд мажлисларини видео-конференцалоқа тизими орқали олиб борилишини кучайтириш, ҳар бир вилоят ва унга тенглаштирилган судларнинг веб-сайтларини ташкил этиш, шахсий ҳаёт дахлсизлигини таъминлаган ҳолда ва суд иштирокчиларининг розилиги билан ёпиқ суд жараёнида кўриб чиқилганларидан ташқари барча суд қарорларини судларнинг веб-сайтларида эълон қилиб борилишини таъминлаш суд қарорларини чоп этиш тартибини жорий қилиш.

Иккинчидан, суд ишларини юритиш жараёнидаги процессуал ҳаракатларни видео, аудио қайд этиш, суд-тергов жараёнларини тўлиқ стенограмма қилиш.

Учинчидан, суд ишларини сайёр суд мажлисларида кўриб чиқиш амалиётини кенгайтириш.

Тўртинчидан, судда фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилувчи жамоат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўз бошқариш органлари вакиллари иштирокини кенгайтириш.

Бешинчидан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ҳузурида Илмий-маслаҳат кенгашининг фаолият юритиши.

Фуқаролик процессида жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг муҳим кўринишларидан бири бу – жамоат ташки-

лотларининг, фуқаролар ўзини ўз бошқариш органларининг судда фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида иш юзасидан хulosалар бериш мақсадида иштирок этиши ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 52-моддасига кўра, юқорида қайд этилан шахслар қонунда назарда тутилган ҳолларда, бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга ариза билан мурожаат этиш ҳуқуқига эга. Шунингдек, мазкур шахслар фуқаролар, жамият ва давлатнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида иш юзасидан хulosалар бериш учун суд томонидан суд процессида иштирок этишга жалб қилиниши ёки ўз ташабbusи билан процессга киришиши мумкин.

Фуқаролик жамиятининг муҳим институтларидан бўлган фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиб судга мурожаат қилиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 22 апрелдаги “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги янги таҳрирдаги қонунида ўз ифодасини топган. Унга кўра, фуқаролар йигини раиси судда фуқароларнинг манфаатларини ифодалashi, спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни сувиштеъмол қилиши натижасида фуқарони муомала лаёқати чекланган деб топиш тўғрисида ёки фуқарони руҳий ҳолати бузилганлиги (руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги) туфайли муомалага лаёқатсиз деб топиш ҳақида судга ариза бериш ҳуқуқига эга (Қонуннинг 14-моддаси).¹⁰³

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ҳамда шу асосда қабул қилинаётган қонунларимизда давлат бошқаруви органлари, ташкилотлар ва айrim фуқароларнинг бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида судларда иштирок этишининг мустаҳкамлаб қўйилиши, аввало, одил

¹⁰³ Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 22 апрелдаги “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги янги таҳрирдаги қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 17-сон, 219-модда; 2016 й., 17-сон, 173-модда, 52-сон, 597-модда; 2017 й., 37-сон, 978-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллый базаси, 24.07.2018 й., 03/18/486/1559-сон, 16.10.2018 й., 03/18/498/2051-сон, 21.12.2018 й., 03/18/506/2356-сон.

судловни амалга оширувчи суд ҳокимияти билан фуқаролар, фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги муносабатга асос бўлади, десак муболаға бўлмайди. Қолаверса, судларда иштирок этиш орқали давлат бошқаруви органлари ва бошқа ташкилотлар амалда қонунларнинг ижросини, яъни қонунларнинг устуворлигини таъминлашга хизмат қиладилар. Бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи давлат бошқаруви органлари ва бошқа ташкилотларнинг фуқаролик процессида иштирок этишини яна муҳим аҳамиятга эга бўлган томони шундан иборатки, ушбу органлар ўз иштироклари орқали, иш юзасидан холисона ўз хулосаларини бериш билан иши бўйича қонуний ва асослантирилган ҳал қилув қарорларининг чиқарилишида судларга кўмаклашади.

Шу ўринда ўрганилган МДҲга аъзо давлатлар қонунчилигида, хусусан, Арманистон Республикасининг “Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш тўғрисида”ги қонуни 33-моддаси 3-бандида кўрсатилишича, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари раҳбари судда муниципалитетнинг манфаатларини ифода этиши назарда тутилган.¹⁰⁴ Мазкур масала Россия Федерациясининг “Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш тўғрисида”ги қонунида батафсил баён этилганлигини кўриш мумкин. Мазкур Қонуннинг посёлка ва қишлоқ Кенгашининг ваколатлари деб номланган 49-моддасида қонунда назарда тутилган ҳолларда юқори турувчи давлат органлари, корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг ҳужжатларини ноқонуний деб топиш тўғрисидаги талаб билан судга ёки арбитраж судига мурожаат қилиш ваколатига эга эканлиги белгиланган. Қонуннинг 54-моддасига кўра, қўрғон, қишлоқ маъмурияти судга давлат бошқарув органлари, ташкилотлар, корхоналар, муассасаларнинг ўз ҳудудида яшовчи фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини бузишга қаратилган қарорларини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги талаб билан судга мурожаат қилиш ваколатига эга эканлиги назарда тутилган. Қонуннинг 55-моддасида туман Кенгashi, 66-моддада эса шаҳар маъмуриятига қонунда назарда тутилган ҳолларда юқори турувчи давлат органлари, корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг ҳужжатларини ноқонуний деб топиш тўғрисидаги талаб билан судга ёки

¹⁰⁴ Закон Республики Армения “О местном самоуправлении”. Принят 07.05.2002 года.

арбитраж судига мурожаат қилиш ваколатига эга эканлиги белгиланган.¹⁰⁵ “Беларусь Республикасида маҳаллий бошқарув ва ўзини ўзи бошқариш тўғрисида”ги Қонунида (9-модда) ижро қўмитаси суд тартибида маҳаллий хўжалик ҳудудининг манфаатини таъминлаш ва ҳимоя қилишга қаратилган чоралар кўриши назарда тутилган.¹⁰⁶

Ўзбекистон Республикасининг Янги таҳрирдаги “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги қонуни 14-моддасида фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) судда фуқароларнинг манфаатларини ифодалаши тўғрисидаги норма мустаҳкамлаб қўйилган бўлишига қарамай, таҳлиллар шуни кўрсатадики, фуқаролар йиғини раиси томонидан ҳудудда истиқомат қилувчи бирор фуқаронинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат қилинган ҳолатлар амалиётда жуда кам учрайдиган ҳолат ҳисобланади. Бизнинг назаримизда, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан судга мурожаат қилиш ҳолатларининг камлиги “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Қонунда мазкур органларга судга мурожаат қилиш бўйича ваколатларини янада аниқластириш, айнан қайси ҳолатларда судга мурожаат қилишга ваколатли бўлишига доир нормаларни мустаҳкамлашни талаб этади. Шу мақсадида мазкур Қонуннинг 14-моддасига фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг судга мурожаат қилиши ва судда иштирокига доир маҳсус норма киритилиши ва унда мазкур органлар давлат бошқарув органлари, ташкилотлар, корхоналар, муассасаларнинг ўз ҳудудида яшовчи фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини бузишга қаратилган қарорларини ҳақиқий эмас деб топиш, қонунда назарда тутилган ҳолларда юқори турувчи давлат органлари, корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг ҳужжатларини ноқонуний деб топиш тўғрисидаги талаб билан судга мурожаат қилиши мумкинлиги ҳақидаги қоида мустаҳкамлаб қўйилиши лозим.

Таъкидлаш керакки, қонунларимиз айrim тоифадаги фуқаролик ишларини судда кўриб ҳал этишда албатта бошқа

¹⁰⁵ Федеральный закон N 1550-1. “О местном самоуправлении в Российской Федерации” от 6 июля 1991 года.

¹⁰⁶ Закон Республики Беларусь “О местном управлении и самоуправлении в Республике Беларусь” от 20 февраля 1991 г. N 617-XII.

шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи давлат бошқаруви органларининг иштирокини мажбурий қилиб қўйган бўлса-да, бироқ фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари иштироки мажбурий бўлган фуқаролик ишлари назарда тутилмаган. Шундай экан, қонунчилиқда айрим тоифадаги фуқаролик ишларини судда кўриб ҳал этишда албатта бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари иштирокининг мажбурийлигини назарда тутувчи нормалар киритилиши таклиф қилинади. Масалан, судлар томонидан никоҳдан ажратиш ҳақидаги ишларни кўришда, тарафларга ярашиши учун муҳлат беришда оилани сақлаб қолиш мақсадида жамоат вакилларини ишга жалб қилиш ҳақидаги қоида қонун ҳужжатлари билан мустаҳкамлаб қўйилиши лозим. Шунингдек, судлар томонидан болалар тарбияси билан боғлиқ бўлган низоларни ҳал қилишда ота-онанинг, бола ихтиёрларида бўлган шахсларнинг уни тегишлича тарбиялашни таъминлай олмасликлари аниқланса, суд фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг даъвосига асосан болани васийлик ва ҳомийлик органларининг қарамоғига олиб бериши ҳақидаги норма киритилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

МДҲга аъзо давлатлар ФПКни таҳлил қиладиган бўлсак, масалан, Россия Федерацияси ФПКнинг 46-моддаси биринчи қисмига кўра, давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, ташкилотлар ёки фуқаролар қонунда назарда тутилган ҳолларда бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ушбу шахсларнинг илтимосига кўра ҳимоя қилиш учун ёки номуайян шахслар доирасининг ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга ариза билан мурожаат этиш ҳуқуқига эга эканликлари белгилаб қўйилган.

Бу каби ҳуқуқий конструкция XX асрда Европа процессуал ҳуқуқида кенг тарқалган “гуруҳ даъвоси” номи билан ривожланганлигини таъкидлаш лозим. Хусусан, Францияда даъвога бўлган ҳуқуқ 1907 ва 1923 йилларда Кассация суди томонидан тасдиқланган.¹⁰⁷ Шу ўринда бир вақтнинг ўзида даъвога бўлган

¹⁰⁷ Елисеев Н.Г. Гражданское процессуальное право зарубежных стран. М., 2004. -С. 480 - 482.

хуқуққа ишда тараф сифатида иштирок этаётган ташкилотлар эга бўлиш билан бир вақтда ушбу ташкилотларнинг жамоавий ва якка тартибдаги хуқуқларни ҳимоячиси сифатида даъвога бўлган хуқуқлари ҳам тан олинган. Юридик адабиётлардан маълумки, даъвога бўлган хуқуқ олдиндан қонуний тарзда белгилаб қўйилган ва давлат томонидан кафолатланган шахсларнинг (жисмоний ва юридик) бузилган хуқуқ ёки қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш учун уларга берилган моддий тусдаги хуқуқдир.¹⁰⁸ Демак, юқоридаги даъвонинг аҳамиятли жиҳатлари шундаки, уларнинг ёрдамида бир вақтнинг ўзида оммавий-хуқуқий ҳамда кўп сонли шахслар гурухининг хусусий манфаатларини ҳам ҳимоя қилиш имконияти яратилади.¹⁰⁹ Мазкур даъво бўйича бир шахс ёки бир неча шахслар бир бутун гурухларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиши мумкин ва ўзининг процессуал табиатига кўра, бундай даъво биргаликда иштирок этувчиликлар ва вакилликнинг элементларидан ташкил топган мураккаб бирикмаларни ҳосил қиласди.¹¹⁰

Шундай экан, фуқаролик процессида давлат бошқаруви органлари, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари, ташкилотлар ёки фуқароларнинг қонунда назарда тутилган ҳолларда бошқа шахсларнинг хуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ушбу шахсларнинг илтимосига кўра ҳимоя қилиш учун ёки фуқаролар номуайян доирасининг хуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга ариза билан мурожаат этиш хуқуқига эга эканликларини белгиловчи нормаларни мустаҳкамлаш таклиф қилинади.

Миллий қонунчилик таҳлили шуни кўрсатадики, масалан, Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелдаги 221-и-сонли “Истеъмолчиларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунининг 24-моддасига кўра маҳаллий ҳокимият органлари, Қонуннинг 25-моддасига кўра Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва

¹⁰⁸ Эгамбердиев Э. Фуқаролик жараёни хуқуқида даъво муаммолари. Юридик фанлар доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореферати. –Тошкент. 2007. -20 б.

¹⁰⁹ Колесов П.П. Групповые исхи в США. М., 2004. -9 с.

¹¹⁰ Пучинский В.К. Участники буржуазного гражданскоого процесса (Англия, США, Франция). -М., 1991. С. 19.

рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда унинг ҳудудий органлари истеъмолчиларнинг (истеъмолчилар номуайян доирасининг) ҳуқуқларини ҳимоя қилиб, судга мурожаат этишга ҳақли эканликлари белгиланган. Мазкур Қонуннинг 30-моддасига кўра эса истеъмолчилар ўз ҳуқуқларининг бузилиши билан боғлиқ даъволар бўйича, шунингдек товар (иш, хизмат)лар хавфсиз бўлиши ва уларнинг сифати устидан назоратни амалга оширувчи давлат органлари, истеъмолчиларнинг жамоат бирлашмалари истеъмолчининг (истеъмолчилар номуайян доирасининг) манфаатларини кўзлаб қўзғатиладиган даъволар бўйича давлат божи тўлашдан озод қилинадилар.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, фуқаролик суд ишларини юритишда жамоатчилик назоратининг шакл ва механизмларининг мамлакатимиз қонунчилигига мустаҳкаманиши, ўз навбатида суд орқали ҳимояланиш ҳуқуқини амалга ошириш имкониятига эга бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилишда қўшимча кафолат вазифасини бажаради. Шунингдек, процессуал қонунчилиқда жамоавий даъво институтининг киритилиши эса бир вақтнинг ўзида давлатга ҳам, жамиятга ҳам бирдек керакли бўлиб, хусусий тусдаги манфаатларни ҳимоя қилишнинг самарали воситаси ҳисобланади. Бундай даъволарни кўриб чиқишига қабул қилган судлар бир вақтнинг ўзида бир груп шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масаласини ҳал этиб, ўз навбатида процессуал чиқимларнинг олдини олади. Бу каби даъволарни судда кўриш ва ҳал этиш жараёнида судлар аниқ бир субъектларнинг бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини тиклаш масаласини ҳам ҳал этишлари мумкин бўлади.

3.2. Фуқаролик суд ишларини юритишда жамоатчилик вакиллари иштирокини такомиллаштириш: қиёсий-ҳуқуқий таҳлил

Ҳуқуқий демократик давлат қуриш йўлини танлаган Ўзбекистонда ҳозирги кунда фуқаролик жамиятини қуриш, демократияни ривожлантириш ва такомиллаштириш, тараққиёт йўлидан илдам одимлаб бориш учун барча ҳуқуқий асослар яратилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 2-моддасида, давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатлариға хизмат қилиши, давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъул эканлиги ҳуқуқий жиҳатдан кафолатлаб қўйилган. Шунингдек, халқ давлат ҳокимиятининг бирдан бир манбаи бўлиб, Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти халқ манфаатини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган идоралар томонидан амалга оширилади (7-модда).¹¹¹

Давлат ҳокимияти фуқароларнинг манфаатларини кўзлаб, Конституцияда назарда тутилган вазифаларни амалга оширадар экан, юқорида таъкидланганидек, ушбу вазифани қонун билан ваколатлар берилган идоралари орқали амалга оширади. Айтиш мумкинки, фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда давлат органларининг ўз зиммаларига юклатилган конституциявий вазифаларни амалга оширишнинг муҳим усулларидан бири судда бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиб иштирок этишидир. Шунинг учун ҳам бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи давлат бошқаруви органларининг фуқаролик процессида иштирок этишини демократиянинг тантанаси ёки муҳим кўриниши деб баҳолашимиз мумкин. Шу маънода бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи давлат бошқаруви органлари, ташкилотлар ва айрим фуқароларнинг фуқаролик процессида иштирок этишининиг аҳамияти беқиёс.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ҳамда шу асосда қабул қилинаётган қонунларимизда давлат бошқаруви органлари, ташкилотлар ва айрим фуқароларнинг бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида судларда иштирок этишининг мустаҳкамлаб қўйилиши, аввало, одил судловни амалга оширувчи суд ҳокимияти билан фуқаролар ўртасидаги муносабатга асос бўлади. Қолаверса, судларда иштирок этиш орқали давлат бошқаруви органлари ва бошқа ташкилотлар амалда қонунларнинг ижросини, яъни қонунларнинг устуворлигини таъминлашга хизмат қиласидилар. Бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи давлат бошқаруви органларининг фуқаролик процессида иштирок этишининиг яна

¹¹¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Тошкент: Ўзбекистон. 2018. -4 б.

муҳим аҳамиятга эга бўлган томони шундан иборатки, ушбу органлар ўз иштироклари орқали, иш юзасидан холисона ўз хуносаларини бериш билан иши бўйича қонуний, асосли ва адолатли ҳал қилув қарорларининг чиқарилишида судларга кўмаклашадилар.

Фуқаролик ишларининг судда кўриб ҳал этилиши жараённида бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи давлат бошқаруви органларининг иштироки фуқаролик процессуал ҳуқуқида муҳим институт ҳисобланади.

Қонунларимиз айrim тоифадаги фуқаролик ишларини судда кўриб ҳал этишда албатта бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи давлат бошқаруви органларининг иштирокини мажбурий қилиб қўйган.¹¹²

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг бир қатор қарорларида мазкур органларнинг фуқаролик процессида иштирокининг муҳим аҳамият касб этиши ва низоли ишларнинг судлар томонидан кўриб ҳал этилишида албатта ушбу органлар иштироки юзасидан тушунтиришлар бериб ўтилади. Хусусан, Олий суд Пленумининг 2011 йил 20 июлдаги “Судлар томонидан никоҳдан ажратишга оид ишлар бўйича қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида”ги 6-сонли қарорининг 2-бандига кўра, эр ва хотин ҳаётлигига никоҳ улардан бири ёки ҳар иккаласининг аризасига кўра никоҳдан ажратиш йўли билан тугатилиши мумкин. Зарур ҳолларда, агар буни муомалага лаёқатсиз эр ёки хотин манфаатлари ҳимояси тақозо этса, никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ариза унинг васийси томонидан берилиши мумкин.¹¹³

Шунингдек, Олий суд Пленумининг 1998 йил 11 сентябрдаги “Болалар тарбияси билан боғлиқ бўлган низоларни ҳал қилишда судлар томонидан қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисида”ги 23-сонли қарорининг 5-бандига кўра, агар отонанинг ҳам, бола ихтиёрларида бўлган шахсларнинг ҳам уни тегишлича тарбиялашни таъминлай олмасликлари аниқланса, суд васийлик ва ҳомийлик органларининг ёки прокурорнинг даъвосига асосан болани васийлик ва ҳомийлик органларининг қарамоғига олиб бериши лозимлиги кўрсатилади. Пленум

¹¹² Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессал кодекси. -Тошкент: Адолат. 2018.; Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси. -Тошкент: Адолат. 2018.

¹¹³ <http://lex.uz/docs/2414114>

қарорининг 9-бандига кўра, ота-оналиқ ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги ишлар вояга етмаган болаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мажбурияти юклатилган орган ёки муассасаларнинг (васийлик ва ҳомийлик органи, вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссиялар, етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар муассасалари ҳамда бошқа муассасаларнинг) давросига биноан кўрилиши лозимлиги юзасидан тушунтиришлар берилиши бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи давлат бошқаруви органларнинг фуқаролик процессида муҳим ўрин эгаллашидан далолат беради.¹¹⁴

Болалар тўғрисидаги масаланинг ҳал қилиниши билан боғлиқ фуқаролик иши юзасидан васийлик ва ҳомийлик органларининг процессга киришишларидан асосий мақсад судга ишнинг тўғри ва тўла ҳал қилинишга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш йўли билан болаларнинг ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилиш бўйича ўз бурчларини бажаришдан иборатdir. Фуқаролик процессига киришишда васийлик идоралари боланинг тарбияси тўғрисидаги манфаатларнигина кўзламасдан, балки жамоатчилик ва давлат манфаатларини ҳам кўзлади. Шунинг учун ҳам болалар тарбияси билан боғлиқ низоли ишларни судда кўриб ҳал этиш жараёнида судлар албатта ишда иштирок этиш учун васийлик ва ҳомийлик органларини жалб қилишлари ва низоли ишни албатта уларнинг иштирокида мазмунан кўриб ҳал этишлари талаб этилади. Акс ҳолда иш юзасидан чиқарилган суд ҳал қилув қарорлари ва ажримлар процессуал ҳуқуқ нормаларини бузиш ёки нотўғри қўллаш асосида апелляция, кассация ва назорат тартибида бекор қилиниши шарт.

Бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи давлат бошқаруви органларининг фуқаролик процессида иштирок этиши муҳим аҳамият касб этади.

Умумий қоидага кўра, эркин ҳуқуқлилик принципига асосан бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқларни ёхуд қонун билан қўриқланадиган манфаатларни ҳимоя қилиш мақсадида фуқаролик ишлари манфаатдор шахслар – низоли моддий ҳуқуқий муносабат иштирокчилари томонидан қўзғатилади. Бироқ

¹¹⁴ <http://lex.uz/docs/1447402>

ФПКнинг 52-моддаси қонунда назарда тутилган ҳолларда давлат бошқаруви органлари, ташкилотлар ва айрим фуқаролар бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга ариза билан мурожаат этиш ҳуқуқига эга бўлишлари ҳақида маҳсус қоидани назарда тутади.

ФПКнинг 52-моддаси тартибида фуқаролик процессида асосан давлат органлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари иштирок этадилар. Мазкур органлар қоидага мувофиқ юридик шахс ҳисобланадилар ва фуқаролик процессида ўзларининг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишлари ҳам мумкин. Мисол учун, ташкилотга нисбатан жисмоний шахслар томонидан етказилган заарни ундириш ҳақидаги низоли ишлар шулар жумласидандир. Бундай ишларда мазкур органлар низоли моддий ҳуқуқий муносабат субъектлари сифатида процессда даъвогар, жавобгар, учинчи шахснинг ҳуқуқий ҳолатини эгаллайдилар.

Бироқ ФПКнинг 52-моддасига мувофиқ, фуқаролик процессида мазкур шахслар бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун иштирок этишларига йўл қўйилади. Бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи давлат бошқаруви органлари, ташкилотлар ва айрим фуқароларнинг фуқаролик процессида иштирок этиши, энг аввало жамият манфаатларини ҳимоя қилишни назарда тутади. Мазкур органларнинг фуқаролик процессидаги иштироки кўп жиҳатдан уларнинг бошқарувининг муайян соҳасидаги ваколатлари билан боғлиқ ҳисобланади.

Масалан, Оила кодексининг 11-моддасида оиласи ҳуқуқларни ҳимоя қилиш суд томонидан фуқаролик суд ишларини юритиш қоидалари бўйича, ушбу Кодексда назарда тутилган ҳолларда эса, васийлик ва ҳомийлик органлари ёки бошқа давлат органлари томонидан амалга оширилиши мустаҳкамлаб қўйилган. Ундан ташқари, васийлик ва ҳомийлик органлари зиммасига белгиланган тартибда ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисида даъво тақдим этиш, судларда ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ёки уларнинг ҳуқуқини чеклаш тўғрисида, шунингдек ота-оналик ҳуқуқларини тиклаш тўғрисидаги ишлар кўриб чиқилаётганда иштирок этиш вазифаси юклатилади (Оила кодексининг 80, 82, 83-моддалари).

Қонунда тўғридан-тўғри кўрсатилган ҳолларда фуқаролик процессида бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун даъво тақдим этиш йўли билан жамоат ташкилотлари, шунингдек корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг вакиллари ва айrim фуқаролар ҳам иштирок этишлари мумкин.

Масалан, “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 14-моддасига кўра, фуқаролар йифини раисининг (оқсоқолининг) ваколатларидан бири сифатида давлат органларида, шу жумладан судда, юридик ва жисмоний шахслар билан муносабатларда фуқаролар йифинининг манфаатларини ифодалаш баён этилади. Шунингдек, спиртли ичимликлар, гиёхвандлик воситалари ва психотроп моддаларни суиистеъмол қилиши натижасида фуқарони муомала лаёқати чекланган деб топиш тўғрисида ёки фуқарони руҳий ҳолати бузилганлиги (руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги) туфайли муомалага лаёқатсиз деб топиш ҳақида судга ариза беради¹¹⁵

Фуқаролик кодексининг 123-моддасида кўрсатилганидек, алдаш, зўрлик, кўрқитиш таъсири остида ёки бир тараф вакилининг иккинчи тараф билан ёмон ниятда келишуви туфайли тузилган битим, шунингдек бошқа баъзи ғайриқонуний битимлар фақат жабрланган шахснинг даъвоси бўйичагина эмас, давлат ёки жамоат ташкилотининг даъвоси бўйича ҳам қонунда кўрсатилган органларда ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Бирон бир фуқаронинг спиртли ичимликлар ёки наркотик моддаларни исътемол қилиши туфайли муомала лаёқатини чеклаш тўғрисида ёки руҳий касаллиги ёхуд ақли заифлиги сабабли муомалага лаёқатсиз деб топилиши тўғрисидаги фуқаролик иши унинг оила аъзолари аризаси бўйича касаба уюшмалари ва бошқа жамоат ташкилотларининг, даволаш муассасасининг аризаси бўйича судда васий, ҳомий органларининг вакиллари иштироқида кўриб ҳал этилади.

Муаллифлик ҳуқуқидан келиб чиқадиган низоларда муаллифнинг шахсий ва мулкий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш

¹¹⁵ Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 22 апрелдаги “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги (Янги таҳрири) қонуни // “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2013 йил 29 апрель, 17-сон, 219-модда.

мақсадларида суд ишида муаллиф ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича республикадаги Агентликнинг вакили иштирок этиши мумкинлиги қонунда ўз ифодасини топган.

Фуқаролик кодексининг 1054-моддасида муаллиф вафот этганидан сўнг унинг шахсий ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши муаллифлар ҳуқуқларини муҳофаза қиладиган ташкилотарнинг даъвоси бўйича амалга оширилиши мумкинлиги кўрсатилган.

Баъзи ҳолларда фуқаролик ишининг тўғри ҳал қилинишидан манфаатдор бўлган жамоат ташкилотлари ҳам судда қатнашишлари мумкин. Чунончи, касаба уюшмалари меҳнат тўғрисидаги қонунларга риоя қилиш, ходимларнинг меҳнатга оид ва бошқа ҳуқуқ ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш каби муҳим вазифаларни бажарадилар. 1992 йил 2 июлдаги “Касаба уюшмалари, ҳуқуқлари ва уларнинг фаолияти кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни¹¹⁶ 11-моддасига кўра, касаба уюшмалари меҳнаткашларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиб, даъво ариза билан судга мурожаат қилишга ҳақлидир. Шу мақсадда касаба уюшмалари ҳуқуқий ёрдам хизматлари ва бошқа зарур идораларга эга бўлиши мумкин. Ходимларнинг вакиллик органлари бошқа ишлар билан бир қаторда меҳнат низоларини кўрувчи органларда ходимлар манфаатини ҳимоя қилишда қатнашишлари мумкин.

Меҳнатга оид ишларни судда қўришда ходимларга ишлаб чиқаришда етказилган заарларни ундириш ва баҳтсизлик ҳодисасининг рўй бериши сабаблари тўғрисида ходимлар вакиллик органларининг фикр бериши (ФПКнинг 52, 53-моддалари, МКнинг 259-моддасида) кўрсатилган.

Якка меҳнат низоларини судда қўришда ходим манфаатини ифода этувчи тараф сифатида ходимларнинг вакиллик органи иштирок этиши қонунда ўз ифодасини топган.

Бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилаётган давлат бошқаруви органлари, ташкилотлар ва айрим фуқароларнинг фуқаролик процессида иштирок этишининг асосий мақсади

¹¹⁶ Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 2 июлдаги “Касаба уюшмалари, ҳуқуқлари ва уларнинг фаолияти кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни. // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаш Ахборотномаси 1992 й. 9-сон, 344-модда // Ўзбекистон Республикаси 07.12.2001 й. 320-II-сон Қонуни билан ўзгартиришлар киритилган // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 2002 й. 1-сон, 20-модда.

соғлиғининг ёмонлиги, меҳнатга лаёқатсизлиги, ёши ва бошқа сабабларга кўра ўзларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш имкониятига эга бўлмаган шахсларга суд орқали ҳимоя қилишда кўмаклашиш ва ёрдамлашишдан иборатdir. Шу маънода фуқаролик процессида бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи институтларнинг мавжудлиги ўзини ижтимоий жиҳатдан тўлиқ оқлайди ва Конституциянинг 44-моддасида¹¹⁷ мустаҳкамланган ҳар бир шахсларнинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органларининг, мансабдор шахсларнинг, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқининг амалга оширилишини кафолатлашга хизмат қилади.

Давлат бошқаруви идоралари, ташкилотлар ва айrim фуқароларнинг фуқаролик процессида иштирок этиш мақсадлари уларнинг олдига қўйилган вазифалар билан белгиланади. Бу вазифаларни, яъни хўжалик масалалари, тарбия, соғлиқни сақлаш, молия ва бошқа соҳалардаги вазифаларни амалга оширишда юқорида кўрсатилганидек, давлат органлари, бошқа ташкилотлар даъво қўзғатадилар ва баъзи ҳолларда ўз фикрларини берадилар. Уларнинг маҳсус билимлар ва тажрибаларига асосланган фикрлари фуқаролик ишини тўғри ҳал қилиш учун муҳим аҳамиятга эга бўлади. Юқорида кўрсатилган ташкилотлар ва айrim шахслар (фақат қонун билан назарда тутилган айrim ҳоллардагина) низоли фуқаролик ҳуқуқий муносабатларнинг субъекти бўлмасдан, ишнинг ҳал этилиши натижасидан, ўзларининг моддий субъектив ҳуқуқларини ҳимоя қилишдан манфаатдор бўлмасдан, уларга берилган ҳуқуқ доирасида бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиб процессда иштирок этадилар. Улар ўзларига юклатилган ҳуқуқ ва бурчларни амалга ошириш билан судда қонуний ва асослантирилган ҳал қилув қарори чиқарилишидангина манфаатдор бўладилар. Бу идораларнинг манфаатдорлиги процессуал тусга эга эканлигига аҳамият бериш лозим.¹¹⁸

Давлат бошқаруви идоралари, ташкилотлар ва муассасаларнинг фуқаролик процессида иштирок этишларининг ҳуқуқий асослари ФПКнинг 52 ва 53-моддаларида ҳам берилган.

¹¹⁷ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Тошкент: Ўзбекистон. 2017. -10 б.

¹¹⁸ Гражданский процесс: Учебник для юридических вузов / Под ред. М.К. Треушникова. -3-е изд., испр. и доп. - М.: Юриспруденция, 2001. – 95 с.

Бундай асос ФПКнинг 204-моддасида 3-бандида кўрсатилган қоида билан ҳам белгиланган. Бу қонунда кўрсатилишича, ишда қатнашишга жалб қилинмаган давлат муассасаси, корхона, ташкилотлар ёки айрим фуқаролар ишининг оқибатларидан манфаатдорлиги судда аниқланса, юритилаётган иш тўғрисида ёки уни кўриш вақти ҳақида улар хабардор қилинишлари лозим.

ФПКнинг 52-моддаси давлат бошқаруви органлари, ташкилотлар ва айрим фуқароларнинг фуқаролик процессида иштирок этишининг қуидаги шаклларини назарда тутади:

- қонунда назарда тутилган ҳолларда бошқа шахсларнинг ҳукуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга ариза билан мурожаат этиш;

- ўз зиммаларига юклатилган вазифаларни бажариш, фуқаролар ва давлатнинг ҳукуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида иш юзасидан хулосалар бериш учун процессда иштирок этиш.

Давлат бошқаруви органлари, ташкилотлар ва айрим фуқароларнинг фуқаролик процессидаги иштирокининг асосий шакли даъво тақдим этиш ҳисобланади. Бошқа шахсларнинг ҳукуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга ариза билан мурожаат этишга фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда йўл қўйилади. Юридик адабиётларда таъкидланишича, мавжуд ҳукуқни амалга оширишга, биринчидан, манфаати ҳимоя қилиниб иш қўзға-тилган шахс узрли сабабларга кўра (муомалага лаёқатсизлиги, меҳнатга лаёқатсизлиги ва бошқалар) суд орқали ўз ҳукуқларини ҳимоя қилиш имкониятига эга бўлмаган ҳолларда йўл қўйилади. Иккинчидан, судга мурожаат қилишда белги-ланган тартибга риоя қилиш талаб этилади.¹¹⁹ М.С.Шакарян-нинг фикрича, бошқа шахсларнинг ҳукуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга ариза билан мурожаат этиш мақсадида қуидаги икки шарт, яъни:

- мазкур ҳукуқ қонун ҳужжатларида назарда тутилган бўлиши лозим;

¹¹⁹ Гражданский процесс // Учебник. Под ред. д.ю.н., проф. М.К.Треушникова. –М.: Юриспруденция. 2001. -75 с.

- манфаати ҳимоя қилиниб иш қўзғатилаётган шахснинг (фуқаронинг) илтимосномаси бўлиши лозим.¹²⁰

ФПКнинг 52-моддаси биринчи қисми ҳамда ҳуқуқшунос олимлар билдирган юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга ариза билан мурожаат этишнинг энг асосий шартларидан бири фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ариза билан мурожаат қилишга йўл қўйилишидир.

Ҳар қандай фуқаролик ишини қўзғатиш ҳуқуқига эга бўлган прокурордан фарқ қилган ҳолда давлат бошқаруви органлари фақат қонунда назарда тутилган ҳоллардагина фуқаролик ишини қўзғатиш ҳуқуқига эга бўладилар. Шунинг учун мазкур органлар томонидан берилган аризани қабул қилишдан аввал суд ушбу фуқаролик ишини қўзғатишга мазкур давлат бошқаруви органлари ваколатли ёки ваколатли эмаслигини текширади.

Шундай қилиб, бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиб иш қўзғатиш учун нафақат манфаатдор шахсда (даъвогарда даъво тақдим этиш ҳукуки), балки судга мурожаат қилаётган органнинг ўзида ҳам мазкур ҳуқуқнинг мавжудлиги қонунда назарда тутилган бўлиши керак. Агар қонунда давлат бошқаруви органига бошқа шахсларнинг манфаатларини кўзлаб фуқаролик ишини қўзғатиш ҳуқуки мавжуд бўлмаса, суд аризани қабул қилишни рад этади (ФПКнинг 194-моддаси). Фуқаролик иши қўзғатилгандан кейин ушбу органларнинг судга мурожаат қилиш ҳуқуки мавжуд эмаслиги аниқланса, берилган ариза суд томонидан кўрмасдан қолдирилади (ФПКнинг 122-моддаси).

Давлат бошқаруви органи қонунда назарда тутилган ҳолларда, даъволи ишлар билан бир қаторда алоҳида тартибда кўриладиган ишларни ҳам қўзғатиши эътироф этилади. Айтиш мумкинки, ФПКнинг 310, 315-моддаларида фуқарони муомала лаёқатини чеклаш ёки уни муомалага лаёқатсиз деб топиш тўғрисидаги ишлар, шунингдек, фуқарони муомалага лаёқатли деб топиш ёки фуқаронинг муомала лаёқатини чеклашни олиб ташлаш тўғрисидаги ишлар ҳомийлик ёки васийлик органи

¹²⁰ Гражданское процессуальное право: Учебник / С.А.Алексина, В.В.Блажеев и др.; Под ред. М.С.Шакарян. - М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2004. – 104 с.

аризаси билан қўзғатилиши мумкинлиги аниқ белгиланган. Шунингдек, мол-мулкни (ашёни) эгасиз деб топиш тўғрисидаги ариза давлат мол-мулкини бошқариш ваколатига эга орган ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан мол-мулк (ашё) турган жойдаги судга берилиши мумкинлиги ФПКнинг 327-моддасида ўз ифодасини топган.

Фуқаролик процессида бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга ариза билан васийлик ва ҳомийлик органларининг мурожаат этиши кўп учрайди. Хусусан, Оила кодексининг 80-моддаси иккинчи қисмига кўра, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги ишлар ота (она)нинг (уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг), прокурорнинг, шунингдек вояга етмаган болаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мажбурияти юклатилган орган ёки муассасаларнинг (васийлик ва ҳомийлик органи, вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиялар, етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар муассасалари ҳамда бошқа муассасаларнинг) даъвосига биноан кўрилади.

Шунингдек, Оила кодексининг 96-моддаси учинчи қисмига кўра, вояга етмаган болаларга алимент тўлаш ҳақида ота-она ўртасида келишув бўлмагандан ёки алимент ихтиёрий равишда тўланмагандан ва ота-онадан бирортаси ҳам алимент ундириш тўғрисида судга даъво ёхуд ариза билан мурожаат қилмаган ҳолларда, васийлик ва ҳомийлик органлари вояга етмаган боланинг таъминоти учун ота ёки онадан қонунда белгиланган миқдорда алимент ундириш тўғрисида даъво қўзғатишга ҳақли-дир. Оила кодексининг 170-моддасида васийлик ва ҳомийлик органлари фарзандликка олинганинг ота-онаси, прокурор, вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиялар, шунингдек ўн олти ёшга тўлган фарзандликка олинган бола каби фарзандликка олишни суд тартибида бекор қилишни талаб этиш ҳуқуқига эга эканлиги белгиланган.

Ундан ташқари, 1993 йил 2 сентябрдаги Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуни 25-моддасига кўра, уй-жой мулқдорлари ва уй-жойдан фойдаланувчилар коммунал хизматлар тўлови ва мажбурий бадалларни тўлашга доир талабларни қўпол равишда бузган ҳолларда туманларнинг, шаҳарларнинг (шаҳарлар таркибига

кирувчи туманларнинг) ҳокимлари коммунал хизматлар тўлови ва мажбурий бадалларни тўлаш бўйича қарзларни ундириш тўғрисида коммунал хизмат кўрсатувчилар ёки хусусий уй-жой мулқдорлари ширкатларининг такдимномасига мувофиқ даъволар билан судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлади.¹²¹

Судга мурожаат қилувчи ҳар қандай шахслар каби бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиб, судга даъво аризаси билан мурожаат қилувчи давлат бошқаруви органлари, ташкилотлар ва айrim фуқаролар ҳам судга мурожаат қилиш тартиби ва шартларига риоя қилиши талаб этилади. Хусусан, судга мурожаат қилиш ФПКнинг 188, 189-моддалари талабларига риоя этган ҳолда амалга оширилади. Мазкур қоидаларга риоя этмаган давлат бошқаруви органлари, ташкилотлар ва айrim фуқаролар томонидан берилган ариза суднинг ажримиға кўра ҳаракатсиз қолдирилади.

Шунингдек, давлат бошқаруви органлари судловлилик қоидаларига риоя қилишлари, судга тааллуқли бўлган ишлар юзасидан судга мурожаат қилишлари лозим. Бироқ давлат бошқаруви органи томонидан манфаатлари кўзланиб, даъво қўзғатилган шахс муомалага лаёқатсиз бўлса, суд аризани ФПКнинг 194-моддасига асосан қабул қилишни рад этиш мумкин эмас. Чунки муомалага лаёқатсиз шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини давлат бошқаруви органи томонидан ҳимоя қилиш назарда тутилгани боис, бу масалани бошқача ҳал қилиш ҳуқуқ меъёрларига зид бўлади.

Давлат бошқаруви органи процессда ўзининг вакиллари орқали иштирок этиши учун, вакиллар иш юритишга ваколатли бўлишлари талаб қилинади. Бундай ваколатга эга бўлмаслик ФПКнинг 194-моддасига биноан, аризани қабул қилишни рад этиш ёки қабул қилинган аризани кўрмасдан қолдириш (ФПКнинг 122-моддаси) учун асос бўлади. Чунки бу ерда даъвогар вакилининг процессуал маънода ваколати йўқлиги ҳақида сўз боради.

Давлат бошқаруви органлари, ташкилотлар ва айrim фуқаролар томонидан судга мурожаат этиш қоидаларига риоя этмаслик айrim ҳуқуқий оқибатларга олиб келиши мумкин. Агар

¹²¹ Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрдаги “Махаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаш Ахборотномаси 1993 й. 9-сон, 320-модда.

иш судловга тегишлилик қоидалари бузилган ҳолда иш юритишга қабул қилинган бўлса, бу ишни бошқа судга ўтказиши мумкин (ФПКнинг 31-моддаси 3-банди). Бундай ҳолларда давлат бошқаруви органи судловлилик қоидаларига кўра, ишни қабул қилиб олган судда ишнинг кўрилишида иштирок этиши керак бўлади.

Юридик адабиётларда қонунда назарда тутилган ҳолларда бошқа шахсларнинг ҳукуқларини ҳимоя қилиб, судга мурожаат қилиш учун манфаати ҳимоя қилинаётган шахсларнинг илтимосномаси мавжуд бўлганда йўл қўйилиши ҳақида фикрлар илгари суриласди.¹²² В.В.Ярковнинг фикрича, бундай илтимоснома ёзма шаклда берилиши лозим.

Мамлакатимиз фуқаролик процессуал қонунчилигида давлат бошқаруви органлари, ташкилотлар ва айрим фуқароларнинг бошқа шахслар ҳукуқларини ҳимоя қилиб, судга мурожаат қилиши учун манфаати ҳимоя қилинаётган шахсларнинг илтимосномаси мавжуд бўлиши назарда тутилмаган. Бироқ бундай илтимосноманинг мавжуд бўлиши ҳақидаги талаб фуқаролик процессида ишнинг манфаатдор шахслар хоҳиширодаси асосида қўзғатилишини назарда тутувчи эркин ҳукуқ принципининг кенгайтирилишига олиб келади. Бироқ айрим ҳолларда, хусусан муомалага лаёқатсиз ёки вояга етмаган фуқароларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш талаб этилганида бу тўғридаги аризалар судга манфаатдор шахсларнинг ёки уларнинг қонуний вакиллари илтимосномасидан қатъи назар тақдим этилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Солик кодексининг 329-моддаси 7-бандига мувофиқ, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда бошқа шахсларнинг қонун билан муҳофаза қилинадиган ҳукуқлари ҳамда манфаатлари ҳимоя қилинишини сўраб судга ариза билан мурожаат этган юридик ва жисмоний шахслар.¹²³ Мазкур шахслар фуқаролик ишини ўз номларидан қўзғатсаларда, бироқ улар низоли моддий ҳуқуқий муносабат субъектлари ҳисобланмайдилар, уларда талаб қилиш ҳуқуқи мавжуд эмас. Шунинг учун ҳам ушбу шахслар процессда алоҳида ҳуқуқий мақомга эга

¹²² Гражданский процесс / Учебник. Отв. ред. проф. В.В. Ярков. -М.: Волтерс Клювер, 2004. -85 с.; Гражданское процессуальное право: Учебник / С.А.Алехина, В.В.Бла-жеев и др. Под ред. М.С.Шакарян. - М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2004. – 104 с.

¹²³ Ўзбекистон Республикасининг Солик кодекси // <http://lex.uz/docs/1286558#4161817>

бўладилар. Бошқа шахсларнинг субъектив ҳуқуқларини қонунга мувофиқ ҳимоя қилиш учун судга мурожаат этган давлат бошқаруви органлари, ташкилотлар ва айрим фуқаролар даъвогарга тегишли бўлган айрим процессуал ҳуқуқлардан фойдаланадилар ва мажбуриятларни ўз зиммаларига оладилар (хусусан, бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун арз қилинган талабларни тўлиқ ёки қисман қўллаб-қувватлаш, улардан воз кечиш, ўзлари арз қилган талаблар бўйича тушунтиришлар бериш ҳуқуқи шулар жумласидандир). Шунингдек, ушбу шахсларга нисбатан қарши даъво тақдим этилмайди, давлат божини тўлаш мажбурияти юклатилиши мумкин эмас.

МДҲга аъзо айрим давлатларнинг фуқаролик процессуал қонунчилигига мазкур шахслар ўзлари арз қилган талабларнинг асосини ёки предметини ўзгартириш, даъво талабларининг миқдорини кўпайтириш ёхуд камайтириш каби ҳуқуқлардан фойдаланиши мумкинлиги белгилаб қўйилган. Хусусан, Россия Федерацияси ГПКнинг 46-моддаси иккинчи қисмига кўра ҳамда Қозоғистон Республикаси ГПКнинг 56-моддасига кўра, бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи давлат бошқаруви органлари келишув битимини тузишдан ташқари, даъвогарнинг барча ҳуқуқларидан фойдалана оладилар.¹²⁴ Ҳатто Беларусь Республикаси ГПКнинг 89-моддасига кўра, мазкур шахслар ишнинг ҳал этилишидан ҳуқуқий жиҳатдан манфаатдор бўлган шахслар қаторига киритилиб, улар фойдаланадиган процессуал ҳуқуқлардан фойдаланиши кўрсатилган.¹²⁵

Ишни судда кўришга тайёрлаш босқичида судья бошқа шахснинг ҳуқуқ ва манфаатини кўзлаб даъво қўзғатган давлат бошқаруви органи вакилига унинг процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтиради (ФПКнинг 204-моддаси).

Бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида даъво аризаси берган давлат бошқаруви органлари арз қилинган талаблари

¹²⁴ Гражданский процессуальный кодекс Российской Федерации. <http://www.consultant.ru>; Гражданский процессуальный кодекс Республики Казахстан <http://www.frmp.kz/cgi-bin/index>

¹²⁵ Гражданский процессуальный кодекс Республики Беларусь от 11 января 1999 года, Национальный реестр правовых актов Республики Беларусь, 1999 г., № 18-19, 2/13.

бўйича тушунтиришлар бериш ёки уларни асослаш учун биринчи бўлиб сўзга чиқадилар (ФПКнинг 227-моддаси).

Давлат бошқаруви органи вакили, одатда, бошқа шахсларнинг манфаатини кўзлаб берилган аризадаги талабларни қўллаб-қувватлайди. Бироқ унинг процессдаги ҳуқуқий позицияси манфаати кўзланиб, даъво қўзғатилган шахснинг дастлабки позициясига боғлиқ бўлмайди. Чунки давлат бошқаруви органи номидан ҳаракат қилаётган вакил қонунга риоя қилиши керак. Шунинг учун ҳам суд муҳокамаси жараёнида қўйилган талаблар тўла ёки қисман асосланмаганлиги аниқланса, у даъво талабларидан тўла ёки қисман воз кечишга ҳақли бўлади. Бироқ, давлат бошқаруви органи вакилининг келтирилган даъводан воз кечиши, манфаати ҳимоя қилиниб иш қўзғатилган шахсни ишни мазмунан кўриб чиқиш талабини қўйиш ҳуқуқидан маҳрум этмайди. Манфаати ҳимоя қилиниб иш қўзғатилган шахсларнинг талаблари шу процесснинг ўзида ҳал қилиниши лозим бўлади. Чунки мазкур шахслар ишда иштирок этивчи шахслар қаторига кириб, иш бошқа шахслар томонидан қўзғатилган бўлишига қарамай, суд манфаати ҳимоя қилиниб иш қўзғатилган шахсларни ишда иштирок этиш учун албатта жалб этади. ФПКнинг 53-моддасига кўра, кўрсатилган органлар, ташкилотлар ва фуқароларнинг бошқа шахснинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга берган ўз аризалидан воз кечишлари ана шу шахсни ФПКнинг 128-моддаси талабларига риоя қилган ҳолда ишни мазмунан кўриб чиқишни талаб қилиш ҳуқуқидан маҳрум этмайди.

Фуқаролик процессида бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиб давлат бошқаруви органлари, ташкилотлар ва айrim фуқаролар иштирок этишининг иккинчи шакли ўз зиммаларига юклатилган вазифаларни бажариш, фуқаролар ва давлатнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида иш юзасидан хуросалар бериш учун процессда иштирок этиш ҳисобланади.

ФПКнинг 52-моддасига кўра, давлат бошқаруви органлари:

биринчидан, давлат бошқаруви органлари, ташкилотлар ва айrim фуқаролар ўз ташаббуслари билан;

иккинчидан, ишда иштирок этивчи шахсларнинг ташаббуси билан;

учинчидан, суд томонидан жалб этилганда ишда иштирок этишлари мумкин.

Мазкур ҳолатда давлат бошқаруви органлари нафақат қонунда назарда тутилган ҳолларда, балки ФПКнинг 52-моддаси иккинчи қисмида назарда тутилган мақсадларга эришиш учун суднинг ихтиёрига мувофиқ ҳам процессга жалб этилиши мумкин. Давлат бошқаруви органлари, ташкилотлар ва айрим фуқароларнинг фуқаролик процессида ушбу шаклда иштирок этиши учун асос уларнинг зиммаларига юклатилган ваколатлардан келиб чиқиб, ишнинг тўғри ҳал этилишидан манфаатдорлик ҳисобланади. Шунинг учун мазкур шахсларнинг фуқаролик процессида иштирок этишининг ушбу шакли уларнинг ваколатлари ва муайян соҳани бошқаришдаги функцияларидан келиб чиқади.

Одатда, судья давлат бошқаруви органларини фуқаролик процессида иштирок этиши учун жалб қилиш масаласини ишни суда кўришга тайёрлаш босқичида ҳал қиласди (ФПКнинг 204-моддаси).

Фуқаролик процессида хулоса бериш мақсадида васийлик ва ҳомийлик органларининг иштироки кўп учрайди. Хусусан, Оила кодексининг 88-моддасига кўра, суд томонидан болалар тарбияси билан боғлиқ низолар кўрилаётганда боланинг ҳимояси учун ким даъво тақдим қилганлигидан қатъи назар, ишда иштирок этиш учун васийлик ва ҳомийлик органи жалб қилиниши керак. Шунингдек, васийлик ва ҳомийлик органи боланинг ҳамда уни ўз тарбиясига беришни талаб қилаётган шахс (шахслар)нинг турмуш шароитларини текшириши ва текшириш натижаларини ҳамда унга асосланган низо моҳиятига оид хулосасини судга тақдим қилиши шартлиги ҳам мустаҳкамлаб қўйилган.¹²⁶

Оила кодексига мувофиқ, васийлик ва ҳомийлик органлари қўйидаги ишларда иштирок этиши шарт:

- ота-оналиқ ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги ишларда (Оила кодексининг 80-моддаси учинчи қисми);
- ота-оналиқ ҳуқуқини тиклаш тўғрисидаги ишларда (Оила кодексининг 82-моддаси иккинчи қисми);

¹²⁶ Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси. –Тошкент, Адолат. 2018.

- ота-оналиқ ҳуқуқини чеклаш түғрисидаги ишларда (Оила кодексининг 83-моддаси бешинчи қисми);
- болалар тарбияси билан боғлиқ низоларда (Оила кодексининг 88-моддаси бешинчи қисми);
- ота-она ва вояга етмаган болалар ўртасида келиб чиқсан мулкий низоларда (Оила кодексининг 95-моддаси).

Шунингдек, болани олиш ва уни бошқа шахс (шахслар)га бериш билан боғлиқ суднинг ҳал қилув қарорларини мажбурий тартибда ижро этиш албатта васийлик ва ҳомийлик органининг ҳамда бола тарбиялашга берилаётган шахс иштирокида, зарур ҳолларда эса, ички ишлар органи вакили иштирокида амалга оширилиши лозим (Оила кодексининг 89-моддаси).

Судга давлат бошқаруви органларининг хulosаси ёзма равишда тақдим этилади ва суд мажлисида ўқиб эшиттирилади, кейин хulosани ойдинлаштириш ва тўлдириш мақсадида суд, ишда иштирок этувчи шахслар мазкур органларнинг вакилларига саволлар беришлари мумкин (ФПКнинг 242-моддаси). Ушбу хulosалар иш бўйича ҳақиқий ҳолатни аниқлашда муҳим аҳамият касб этади. Давлат бошқаруви органларининг хulosалари иш материалларидан бири хисобланиб, ушбу хulosса умумий қоидаларга кўра, суд томонидан баҳоланади ва судлар томонидан судьяларнинг мустақиллиги, объектив ҳақиқат ва қонунийлик тамойилларига асосланган ҳолда баҳоланади. Бироқ давлат бошқаруви органларининг хulosаси суд учун мажбурий эмас ва аввалдан белгилаб қўйилган кучга эга эмас. Лекин шундай бўлса-да, агар суд томонидан ушбу хulosалар эътиборга олинмаса, суд ўз ажримида унинг сабабларини албатта асослаб бериши керак.

Давлат бошқаруви органининг хulosаси, одатда, муайян орган ёки судга келиб тушган материалларни дастлабки текшириш ва ўрганиб чиқиш асосида бўлим нозири томонидан тузилиб, бўлим бошлиғи ва нозир томонидан имзоланади. Баъзи бир ҳолларда хulosалар ҳатто ишни судда қўзғатишдан аввал давлат бошқаруви органларининг ўз ташаббусига кўра ҳам тузилиши мумкин (масалан, васийлик ва ҳомийлик органининг хulosаси). Давлат бошқарув органларининг вакили эса ишда процесс иштирокчиси сифатидан қатнашиб, ўзининг хизмат бурчи туфайли ишнинг ҳал бўлишидан, асосли ва қонуний қарор чиқарилишидан манфаатдор шахс бўлади. Бундай

органлар ўз хulosасини беришда фақат фактларга баҳо бериш билангина чекланмайдилар. Улар суд мажлисида текширилган барча маълумотларга асосланиб, суднинг қандай қарори уларнинг фикрича тўғри бўлиши тўғрисида ўз мулоҳазаларини ҳам айтишлари лозим.¹²⁷

Давлат бошқаруви органлари, ташкилотлар ва айрим фуқароларнинг хulosаларини эксперт хulosаларидан фарқлай билиш лозим. Экспертларнинг ишда иштирок этиши иш ҳолатларидан келиб чиқади, давлат бошқаруви органлари эса қонунда назарда тутилган ҳолларда ишда иштирок этадилар. Экспертлар ишда иштирок этувчи шахслар таркибиغا киритилмаган. Эксперт суд ажрими билан тайинланади ва унинг мажбурияти суднинг экспертиза тайинлаш ҳақидаги ажримида кўрсатилган саволларга жавоб беришдан иборат бўлади. Қолаверса, эксперт ишнинг ҳал қилинишидан манфаатдор бўлиши мумкин эмас. Эксперт била туриб ёлғон хulosा берган, хulosा беришдан бош тортган тақдирда Жиноят кодексининг 238 ва 240-моддаларига мувофиқ жавобгар бўлади.

Давлат бошқаруви органлари, ташкилотлар ва айрим фуқароларнинг хulosаларини прокурорнинг ишни кўриш вақтида келиб чиқсан айрим масалалар бўйича ўз фикрини баён этиши билан ҳам фарқлаш лозим. Давлат бошқаруви органлари вакилларидан фарқли равишда прокурор қонунийлик устидан назорат олиб борувчи орган вакили сифатида ҳар қандай ишни кўриш вақтида келиб чиқсан айрим масалалар бўйича ўз фикрини баён этиши мумкин. Давлат бошқаруви органларининг вакиллари эса фақат маълум бир туркумдаги ишлар бўйича иштирок этиб, ўз ваколатлари ва соҳалари доирасидагина хulosалар беради.

Давлат бошқаруви органларининг хulosаси иш материалларидан ҳисобланиб, суд мажлиси давомида уни тушунтириш, аниқлаш ва тўлдириш талаб этилади. Давлат бошқаруви органларининг хulosаси иш бўйича ҳамма далиллар ўрганиб чиқилганидан сўнг эълон қилинади. Ишда иштирок этувчи шахслар ҳамда уларнинг вакиллари давлат бошқаруви органлари ваколат берган шахсларга хulosани ойдинлаштириш ва

¹²⁷ Шораҳметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Дарслик. –Тошкент, Адолат. 2001. – Б. 89-90.

тўлдириш мақсадида саволлар беришлари мумкин (ФПКнинг 242-моддаси). Ишни кўриш вақтида келиб чиққан айрим масалалар бўйича ўз фикрини баён этувчи прокурорга нисбатан эса бундай ҳуқук берилмаган. Давлат бошқаруви органлари вакилларининг тортишувларда иштирок этиши билан уларнинг суд муҳокамасидаги иштироқи якунланади.

3.3. Фуқаролик ишларини сайёр суд мажлисларида кўришнинг ўзига хос жиҳатлари

Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 2-моддасида фуқаролик суд ишларини юритиш вазифалари белгиланган. Унга биринчидан, фуқароларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларини, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқлари ва манфаатларини, шунингдек корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида фуқаролик ишларини тўғри, ўз вақтида кўриб чиқиш ва ҳал этиш; иккинчидан, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга, демократияни, ижтимоий адолатни, фуқаролар ўртасида тинчлик ва миллий тотувликни таъминлашга кўмаклашиш; учинчидан, қонунга ва судга нисбатан ҳурмат муносабатини шакллантириш фуқаролик суд ишларини юритиш вазифалари ҳисобланади.

Фуқаролик суд ишларини юритишнинг юқоридаги вазифаларини, айниқса, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга, демократияни, ижтимоий адолатни, фуқаролар ўртасида тинчлик ва миллий тотувликни таъминлашга кўмаклашиш ҳамда қонунга ва судга нисбатан ҳурмат муносабатини шакллантириш борасидаги вазифаларни судлар томонидан амалга оширилишида қуйидаги қонунчилик билан профилактик чоралар назарда тутилган:

- 1) процессуал чоралар;
- 2) процессуал бўлмаган чораларга бўлинади.¹²⁸

¹²⁸ Мамасиддиқов М.М. Суд фаолияти ва меҳнат ҳуқуқлари: ёки низоли муаммолар ва уларнинг олдини олиш чоралари // Ҳаёт ва қонун. 2004. 1-сон. - 47 б.

фуқаролик ишларини кўриш жараёнида айрим мансабдор шахслар ёки фуқаролар томонидан қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот бузилганлигини аниқласа, хусусий ажрим (қарор) чиқариб, тегишли давлат органларига ва бошқа органларга, ташкилотларга, мансабдор шахсларга юборишини кўрсатишимиш мумкин.

Процессуал чора сифатида суд ишни кўриш чоғида давлат органининг ёки бошқа органнинг, ташкилотнинг, мансабдор шахснинг ёки фуқаронинг фаолиятида қонун ҳужжатлари бузилганлиги аниқланган тақдирда, ФПКнинг 275-моддасига мувофиқ, уларнинг ишда иштирокидан қатъи назар, хусусий ажрим (қарор) чиқаришга ҳақлидир.

Фуқаролик суд ишларини юритиш вазифаларини самарали амалга оширишда фуқаролик ишларини сайёр суд мажлисларида кўриш муҳим ўрин тутади. Юридик адабиётларда ҳам жамиятда қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, демократияни, ижтимоий адолатни, фуқаролар ўртасида тинчлик ва миллий тотувликни таъминлашга кўмаклашишга қаратилган суд ишларини юритишнинг вазифасини амалга оширишдаги муҳим процессуал чора сифатида суд ишларини сайёр суд мажлисларида кўриш ва ҳал этишни кўрсатиш мумкин.¹²⁹

Дарҳақиқат, фуқаролик процессуал ҳуқуқининг муҳим принципи бўлмиш ошкораликни таъминлашнинг самарали усулларидан бири сифатида ишларни зарур ҳолларда, жамоат ташкилотлари ва меҳнат жамоалари вакилларининг иштирокида, сайёр суд мажлисларида кўриш муҳим аҳамият касб этади. Адабиётларда ҳам айрим тоифадаги фуқаролик ишлари, хусусан меҳнат низоларининг сайёр суд мажлисларида, яъни корхона, ташкилотларда меҳнат жамоаларининг иштирокида кўриб ҳал этилиши меҳнат қонунлари бузилишининг олдини олишдаги муҳим процессуал чора сифатида эътироф этилади.¹³⁰ Фуқаролик процессининг тамойиллари борасида тадқиқот иши билан шуғулланган олим Д.Ю.Хабибуллаев ҳам

¹²⁹ Қаранг: Мамасиддиқов М.М., Ёдгоров Х.Б., Давлетов Ў.М. Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Умумий қисм / Дарслик. Масъул муҳаррир ю.ф.д., проф. М.Х.Рустамбаев. –Т.: Ҳарбий-техник институти нашриёти. 2018. –25 б.

¹³⁰ Мамасиддиқов М.М. Меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоли ишларни судда кўришнинг процессуал хусусиятлари. Монография. -Тошкент: ТДЮИ. 2005.-18 б.

суд ишларини ошкора олиб бориш тамойилини амалга ошириш мақсадида сайёр суд мажлислари ўтказилишини кўпроқ фуқаролик суд ишларини амалга оширишга татбиқ этиб бориш лозимлигини, қонунбузилишларга йўл қўймаслик мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарорларида меҳнат жамоалари ва жамоат ташкилотлари билан алоқаларни ўрнатиш ва кенгайтиришни муҳим деб ҳисоблаш ҳозирги куннинг талаби эканлигини таъкидлайди.¹³¹

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев 2018 йилнинг 13 июнь куни Тошкент шаҳрида суд органлари тизимида одил судловни таъминлаш борасидаги ишларнинг аҳволи, муаммолар ва истиқболдаги вазифаларга бағишлиланган “Қонун ва адолат устуворлигини таъминлаш – барча эзгу мақсадларимизга эришишнинг энг муҳим шарти” мавзусидаги видеоселектор йиғилишида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида бу борадаги ишларни маҳалла, корхона ва ташкилотларда сайёр суд мажлисларида кўриш кўламини кенгайтириш бўйича аниқ тавсия ва амалий кўрсатмалар берган эди.¹³²

Мазкур йиғилишдан кейин соҳа ходимлари, айниқса, одил судловни амалда таъминлашга масъул бўлган судьялар ўз фаолиятини қайта кўриб чиқиб, халқ билан яқинлашишга ҳаракат қилмоқда. Жойларда судьяларнинг аҳоли вакиллари билан бевосита мулоқотлари, сайёр судлар ташкил этилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, судлар томонидан ишларни маҳалла-ларда сайёр суд тартибида кўриб, низоларни жойида бартараф этиш, мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар, янги қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини содда тилда тушунтириб бериш йўлга қўйилгани фуқароларнинг қонунга ҳурматини оширмоқда.

Судьялар томонидан аҳоли билан очиқ мулоқотлар ташкил этилаётгани, маҳалла, корхона ва ташкилотларда сайёр суд мажлислари ўтказиш йўлга қўйилгани тизимнинг очиқлигини

¹³¹ Хабибуллаев Д.Ю. Фуқаролик процессуал ҳуқуқининг конституциявий тамойиллари. Ўқув қўлланма // Ш.Ш.Шораҳметов таҳрири остида. –Т.: ТДЮИ, 2006. - 69 б.

¹³² **Қаранг:** Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2018 йил 13 июндаги “Қонун ва адолат устуворлигини таъминлаш – барча эзгу мақсадларимизга эришишнинг энг муҳим шарти” мавзусидаги маъruzасидан // http://aza.uz/oz/politics/onun-va-adolat-ustuvorligini-taminlash-barcha-ezgu-ma-sadlar-13-06-2017?phrase_id=2579526

таъминлаш билан бирга, аҳолининг суд тизимига, адолатга, давлатга ишончини оширишга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг 2017 йил 24 июндаги РС-09-17-сонли қарори билан тасдиқланган “Сайёр суд мажлисларини ўтказиш бўйича услугий тавсиялар”да сайёр суд мажлисига таъриф берилган. Унга кўра, сайёр суд мажлиси - судлар фаолиятининг очиқлиги ва шаффоғлигини намоён қилиш билан биргалиқда ишларни кўришда жамоатчилик иштирокини таъминлаш, қонунлар мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш, фуқароларни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларга риоя қилиш руҳида тарбиялаш, қонун устуворлигини таъминлашнинг самарали ва амалий шаклидир.¹³³

Сайёр суд мажлисларини ўтказиш бўйича услугий тавсияларда белгиланишича, фуқаролик, иқтисодий, жиноят ва маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар юзасидан сайёр суд мажлисли тегишли процессуал кодексларда назарда тутилган суд муҳокамасининг умумий қоидалари асосида ўтказилади. Бунда ҳуқуқбузарлик ва низоларнинг турларини таҳлил қилиш асосида ишларнинг камида 30 фоизи сайёр суд мажлисларида кўриб чиқилади (Тавсияларнинг 3.1.-банди).

Ўз навбатида судьяларни кейинги муддатга тайинлаш масаласини ҳал этишда уларнинг охирги иш жойидаги фаолиятини синчилаб ўрганиш, айниқса, судья фаолият олиб борган ҳудудда яшаётган аҳоли, кенг жамоатчилик фикрини олиш, судья фаолиятига халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг тавсифномаси асосида баҳо бериш механизми жорий этилгани, вилоят бўйича бўш судьялик ўринлари мавжудлиги, ушбу лавозимларга муносиб номзодлар муқобиллик асосида ўрганилиши, судьялар ойида камида бир марта очик мулоқотлар ташкил этиши, ишларнинг камида 30 фоизи сайёр суд мажлисларида кўриб чиқилиши йўлга қўйилгани суд-ҳуқуқ тизимини янги босқичга кўтарди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллигига бағишиланган танта-

¹³³ Сайёр суд мажлисларини ўтказиш бўйича услугий тавсиялар // Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг 2017 йил 24 июндаги “Сайёр суд мажлисларини ўтказиш бўйича услугий тавсияларни тасдиқлаш тўғрисида”ги РС-09-17-сонли қарори билан тасдиқланган.

нали маросимдаги маърузасида таъкидлаганидек, “... биргина жорий йилнинг ўтган даврида судлар томонидан 373 минг 256 та иш кўриб чиқилган бўлса, шундан 169 минг 289 таси ёки 45 фоизи сайёр суд муҳокамаларида кўрилди”.¹³⁴

2018 йил мобайнида иқтисодий судлар томонидан 403 минг 344 иш кўриб чиқилиб, ҳал этилган бўлса, даъвогарлар фойдасига 12,6 триллион сўм ундириш ҳақида суд қарорлари қабул қилинган. Тарафларга қулайликлар яратиш ҳамда суд таъсирчанлигини ошириш мақсадида низо тартибида кўрилган ишларнинг салмоқли қисми, яъни 264 мингдан зиёди бевосита жойларда, сайёр суд мажлисларида кўриб чиқилди.¹³⁵

Сайёр суд мажлисини ўтказишдан мақсад Олий суди Раёсатининг 2017 йил 24 июнда тасдиқланган сайёр суд мажлисларини ўтказиш бўйича услугубий тавсияларида баён этилган. Унга кўра:

- жамиятда қонун устуворлигини, ижтимоий адолатни, фуқаролар тинчлиги ва тотувлигини таъминлаш;
- ишларни сайёр суд мажлисларида жамоатчилик иштирокида муҳокама қилиш орқали аҳолининг кенг қатламига тарбиявий таъсир кўрсатишга ва шу орқали содир этилиши мумкин бўлган жиноятлар ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга эришиш;
- кўрилаётган ишларга доир амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шу жумладан моддий ва процессуал қонунчиликнинг мазмун-моҳиятини жамоатчиликка тушунтириш;
- суд томонидан қабул қилинган қарорларнинг қонунийлиги, холислиги ва одиллигини аҳолининг кенг қатламига намойиш этиш орқали уларнинг ҳуқуқий маданияти, ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий саводхонлигини оширишга эришиш;
- судларда кўрилаётган низоларнинг келиб чиқиши, шу жумладан жиноятлар ва маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг сабабларини ҳамда уларни юзага келтирган шартшароитларни оммага етказиш;

¹³⁴ Мирзиёев Ш.М. Конституция – эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустаҳкам пойдеворидир // http://uza.uz/oz/politics/konstitutsiya-erkin-va-farovon-ayetimiz-mamlakatimizni-yanad-08-12-2017?phrase_id=2579526

¹³⁵ Даъвогарлар фойдасига 12,6 триллион сўм ундирилди // http://uza.uz/oz/society/davogarlar-foydasiga-12-6-trillion-s-m-undirildi-29-01-2019?phrase_id=2579526

- аҳолининг эътиборини қонун бузилиши ва унинг юзага келиши сабабларига қаратиш ҳамда қарши фаол курашишга жалб этишдан иборатдир.

Сайёр суд мажлисини ўтказиша суднинг барча ҳаракатлари фуқароларнинг қонунларга риоя қилиш ва уларни қонунни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялашга кўмаклашишга қаратилади.¹³⁶

Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумнинг бир қатор қарорларида ишларнинг сайёр судларда қўрилиши юзасидан тушунтириш берилган. Масалан, Олий суд Пленумининг 1998 йил 11 сентябрдаги “Болалар тарбияси билан боғлиқ бўлган низоларни ҳал қилишда судлар томонидан қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 31-бандида судлар болалар тарбияси билан боғлиқ бўлган масалаларни тартибга солувчи қонунлар бузилишининг олдини олиш учун фаол иш олиб боришлири лозимлиги, судларга отоналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги ишларни, зарур ҳолларда, жамоат ташкилотлари ва меҳнат жамоалари вакилларининг иштирокида, сайёр суд мажлисларида кўриш тавсия этилиши таъкидланган.¹³⁷

Фуқаролик ишларини сайёр суд мажлисларида ўтказиш масаласи ишни судда кўришга тайёрлаш босқичида ҳал этилади. Маълумки, ишни судда кўришга тайёрлаш фуқаролик ишларини ўз вақтида ва тўғри кўриб чиқиш ҳамда ҳал қилишни таъминлаш мақсадида суд ва ишда иштирок этувчи шахсларнинг процессуал ҳаракатларининг мажмуини ўзида ифода этувчи биринчи инстанция судида иш юритишнинг мустақил босқичи ҳисобланади.¹³⁸

ФПКнинг 201-моддасида судья аризани қабул қилиш ва иш қўзғатиш тўғрисида ажрим чиқарганидан сўнг ишни ўз вақтида ва тўғри кўриб чиқиш ҳамда ҳал қилиш мақсадида уни суд

¹³⁶ Сайёр суд мажлисларини ўтказиш бўйича услубий тавсиялар // Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг 2017 йил 24 июндаги “Сайёр суд мажлисларини ўтказиш бўйича услубий тавсияларни тасдиқлаш тўғрисида”ги РС-09-17-сонли қарори билан тасдиқланган.

¹³⁷ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорларининг тўплами 1991-1998: 2-жилд // Тахрир ҳайъати: У.Қ.Мингбоев ва бошқ. -Тошкент: “Шарқ”, 1999. -126 б.

¹³⁸ Қаранг: Мамасиддиқов М.М., Ёдгоров Х.Б., Давлетов Ў.М. Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Махсус қисм / Дарслик. Масъул муҳаррир ю.ф.д., проф. М.Х.Рустамбаев. –Т.: Ҳарбий-техник институти нашриёти. 2018. – 53 б.

муҳокамасига тайёрлайди. Мазкур моддада ишни суд муҳокамасига тайёрлаш вазифалари сифатида қуидагилар кўрсатилган:

тарафларнинг ҳуқуқий муносабатларини ва ишни кўришда амал қилиниши лозим бўлган қонунни аниқлаш;

тарафларнинг талаблари ва эътиrozларини асословчи фактларни, шунингдек низони тўғри ҳал этиш учун аҳамиятга эга бўлган бошқа фактларни аниқлаш;

ишни ҳал қилиш учун зарур бўлган далиллар доирасини аниқлаш ва уларнинг ўз вақтида суд мажлисига тақдим этилишини таъминлаш;

ишда иштирок этиши мумкин бўлган шахслар таркиби тўғрисидаги масалани ҳал қилиш;

тарафлар, ишда иштирок этувчи бошқа шахслар томонидан зарур бўлган далилларни тақдим этилиши;

тарафларни яраштириш.

Фуқаролик ишларини сайёр суд мажлисида ўтказиш ишни суд муҳокамасига тайёрлаш вазифаларига ҳам мувофиқ келади. Хусусан, тарафларни яраштириш каби вазифани бажаришда сайёр суд мажлиси имкониятларидан фойдаланиш мумкин.

Бу борада М.Тожибоев ўз фикрини баён этиб, сайёр судларни ўтказишдан мақсад ўша ҳудудда рўй берган оилавий ажримлар ёки судга мурожаат қилган кишиларнинг ўзаро келишмовчилиги, турли жиноятчилик билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилишдан иборат эканлигини таъкидлаган.¹³⁹

Бинобарин, қайси ишнинг сайёр суд мажлисида кўриб чиқилишини тўғри танлай олиш унинг самарали ўтказилишининг муҳим омилидир. Шу сабабли Олий суд Раёсати ўз услугубий тавсияларида судья ишни сайёр суд мажлисида кўриб чиқиш учун танлашда ишнинг очиқ суд мажлисида муҳокама қилиниши мумкинлигини, унинг ижтимоий аҳамияти ва муҳимлигини, сайёр суд мажлиси натижасида огоҳлантириш ва тарбиявий таъсир кўрсатиш имкониятини эътиборга олиши лозимлигини баён этган (2.2.-банд).

Сайёр суд мажлислари ўтказилиши мақсадга мувофиқ бўлган туркумланган шундай фуқаролик ишлари танланиши керакки, бунда сайёр суд мажлисида иштирок этаётганлар суд

¹³⁹ Тожибоев М.М. Сайёр судлар номига ўтказилмоқда // <http://zarnews.uz/post>

муҳокамасида иш ҳолатлари чуқур, ҳар томонлама, холисона ўрганилишини, низонинг юзага келиш сабаблари ва шароитлари таҳлил қилинишини бевосита кузатиш имконига эга бўлиши лозим.

Шу сабабли сайёр суд мажлисида кўриладиган ишларнинг мураккаб тоифали бўлмаслиги ва бундай ишларда имкон қадар суд қарори шу суд муҳокамасининг ўзида эълон қилинишига алоҳида эътибор қаратилиши лозим.

Олий суд Раёсати ўз услубий тавсияларида сайёр суд мажлислари ўтказилиши мақсадга мувофиқ бўлган фуқаролик ишларининг рўйхати белгиланган. Унга кўра:

1. Фуқарони тураг жойга нисбатан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган деб топиш;
2. Тураг жойдан кўчириш;
3. Уй-жойни бўлиш;
4. Уй-жойдан фойдаланиш тартибини белгилаш;
5. Ишга тиклаш;
6. Мерос низолари;
7. Ер участкасининг чегараларини белгилаш;
8. Ер участкасини бўлиш;
9. Мол-мulkни рўйхатдан чиқариш;
10. Мол-мulkни бўлиш;
11. Фуқарони ўлган деб эълон қилиш;
12. Фуқарони бедарак йўқолган деб топиш.¹⁴⁰

ФПКнинг 12-моддасига кўра, давлат сирига, фарзандликка олиш сирига тааллуқли маълумотлар мавжуд бўлган ишлар бўйича ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ишнинг муҳокамаси ёпиқ суд мажлисида ўтказилади. Ишда иштирок этувчи шахсларнинг шахсий ҳаёти тўғрисидаги маълумотлар ошкор бўлишининг олдини олиш, ёзишмалар сирини ва қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни сақлаш мақсадида ёпиқ суд муҳокамаси ўтказилишига йўл қўйилади. Шунинг учун ҳам судья сайёр суд мажлисини ўтказишни режалаштириш жараёнида ушубу масалаларга лоҳида эътибор бериши талаб этилади.

¹⁴⁰ Сайёр суд мажлисларини ўтказиш бўйича услубий тавсиялар // Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг 2017 йил 24 июндаги “Сайёр суд мажлисларини ўтказиш бўйича услубий тавсияларни тасдиқлаш тўғрисида”ги РС-09-17-сонли қарори билан тасдиқланган.

Олий суди Раёсатининг Тавсияларига мувофиқ, қуидаги тоифадаги фуқаролик ишларини сайёр суд мажлисида кўриб чиқилишига йўл қўйилмайди:

- 1) давлат ёки тижорат сирлари билан боғлик;
- 2) тарафларни яраштириш манфаатларига зид келувчи ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида никоҳни бекор қилиш тўғрисидаги;
- 3) оталикни белгилаш тўғрисидаги;
- 4) фарзандликка олиш тўғрисидаги;
- 5) алимент ундириш тўғрисидаги;
- 6) шахсий ҳаётга оид ёки шахснинг шаъни ва қадр-қимматини камситувчи маълумотлар мавжуд бўлган;
- 7) шахсни ғайриихтиёрий тартибда психиатрия стационарига ётқизиш;
- 8) сил касаллигининг юқумли шаклига чалинган шахсни сил касаллигига қарши кураш муассасасининг ихтисослаштирилган бўлимига ғайриихтиёрий тартибда ётқизиш;
- 9) фуқарони муомала лаёқатини чеклаш ёки муомалага лаёқатсиз деб топишга оид;
- 10) процессуал қонунларда ёпиқ суд мажлисида кўриб чиқиш назарда тутилган бошқа ишлар.¹⁴¹

Сайёр суд мажлиси ўтказишни тўғри ва самарали ташкил қилиш мақсадида, судья фуқаролик ишини судда кўриш учун тайинлаш тўғрисидаги ажримда сайёр суд мажлиси ўтказиладиган жой ва вақтни ҳамда суд муҳокамасида иштирок этувчи процесс иштирокчиларини кўрсатиши лозим.

Фуқаролик ишларини кўриб чиқишнинг тарбиявий ва огохлантирувчи ролини ошириш мақсадида бундай ишлар бўйича сайёр суд мажлиси қоида тариқасида даъвогар ёки жавобгарнинг иш, ўқиш жойидаги жамоаларида ёки яшаш жойида ўтказилиши мумкин.

Фуқаролик ишлари юзасидан сайёр суд мажлислари ФПКда назарда тутилган суд муҳокамасининг умумий қоидалари асосида ўтказилади. Бунда ҳукуқбузарлик ва низоларнинг

¹⁴¹ Сайёр суд мажлисларини ўтказиш бўйича услугий тавсиялар // Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг 2017 йил 24 июндаги “Сайёр суд мажлисларини ўтказиш бўйича услугий тавсияларни тасдиқлаш тўғрисида”ги РС-09-17-сонли қарори билан тасдиқланган.

турларини таҳлил қилиш асосида ишларнинг камида 30 фоизи сайёр суд мажлислирида кўриб чиқилади.

Сайёр суд мажлисида тарафларнинг музокараси ва суд қарорини эълон қилиш процессуал қонун нормаларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Сайёр суд мажлисида суд мажлиси котиби томонидан баённома юритилади ва унда сайёр суд мажлиси ўтказилган жой аниқ қайд этилади. Суд мажлиси баённомаси раислик қилувчи ва суд мажлиси котиби томонидан имзоланади.

Таъкидлаш жоизки, айримлар ижтимоий тармоқларда суд мажлислари очиқ бўлишини, ҳар қандай иш сайёр суд мажлислирида кўрилишини ёқлаб чиқмоқдалар. Бироқ айрим тоифадаги фуқаролик ишлари борки, улар ёпиқ суд мажлислирида кўриллади. Лекин бу тоифада ёпиқ суд мажлисида кўрилаётган ишлапр умумий суд мажлислирининг жуда кам қисмини ташкил этади.

Олий суд матбуот хизматидан маълум қилишларича, 2019 йилнинг ўтган олти ойида 35 мингдан зиёд фуқаролик иши сайёр суд мажлислирида кўриб чиқилган. 2019 йилнинг биринчи ярим йиллигида фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан 91 минг 744 иш кўриб чиқилди. Мазкур кўрсаткич 2018 йилнинг шу даврига нисбатан 23,4 фоизга камайган.

Ҳисобот даврида 42 милллард сўмдан зиёд мажбурий тўловларни ундириш ҳақида 38 минг 630 суд буйруғи чиқарилди. Ушбу кўрсаткичлар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан қиймати бўйича 65,3 фоизга, суд буйруқлари сони бўйича эса 76,7 фоизга камайган.

Кўриб чиқилган фуқаролик ишлари бўйича 79 минг 420 ҳал қилув қарори чиқарилди. Ушбу қарорлар бўйича талабларнинг 84,4 фоиздан ортиғи қаноатлантирилди. Ахоли билан 3,6 мингдан зиёд учрашув ва очиқ мулоқотлар ўтказилди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан назорат тартибида 558 иш кўриб чиқилди. Биринчи инстанция судлари томонидан чиқарилган 190 қарор бекор қилинди ва 70 суд қарори ўзгартирилди.¹⁴²

¹⁴² <http://uza.uz/oz/society/oliy-sud-35-mingdan-orti-fu-arolik-ishi-sayyer-sud-mazhlisla-24-07-2019>

Хулоса

Таҳлиллар ҳамда хорижий давлатлар қонунчилик тажрибасидан келиб чиқкан ҳолда мамлакатимизнинг “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонунини самарали амалга оширилишини таъминлаш ҳамда мамлакатимизда жамоатчилик назорати механизмларининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш мақсадида қуидагиларга эътибор бериш мақсадга мувофиқ бўлади:

Биринчидан, мамлакатимиздаги қонунчилик амалиёти ва тажрибасидан келиб чиқкан ҳолда “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонунда асосий тушунчаларга таъриф берилиши таклиф қилинади. Масалан, Қонуннинг 1-моддасида ушбу Қонуннинг мақсади давлат органлари ва муассасалари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ташкил этиш ҳамда амалга ошириш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиши белгиланган. Шу ўринда мазкур Қонунда “давлат фаолияти” тушунчасига таъриф берилиши лозим. Зеро, давлат фаолияти деганда Ўзбекистон Республикаси давлат органлари ва муассасаларининг, бир сўз билан айтганда, давлат ҳокимияти органларининг олиб борадиган ички ва ташқи сиёсати тушунилар экан, демак нафақат ички сиёсат, балки ташқи сиёсатни амалга ошириш борасидаги фаолият ҳам жамоатчилик назорати остида бўлиши керак. Шунингдек, “Фуқаролик жамияти” атамаси айнан Ўзбекистон Республикасининг “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонунида очиб берилиши, унда фуқаролик жамиятининг давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлиги тамойиллари, фуқаролик жамиятининг давлат органлари билан ахборот муносабатларига доир нормалар ўз ифодасини топиши лозим эди.

Иккинчидан, миллий ва хорижий давлатлар қонунчилик тажрибасидан келиб чиқкан ҳолда “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонуннинг 4-моддасига жамоатчилик назоратининг обьекти сифатида бошқарув бўйича давлат функцияларини амалга оширувчи корхоналар, такшилотлар ва муассасаларнинг фаолиятини ҳам жамоатчилик назоратининг обьекти қаторига киритиш таклиф қилинади. Аслида ҳам мазкур идоралар фаолияти устидан жамоатчилик назорати амалдаги қонун ҳужжатларида ўз ифодасини топган. Масалан, “Меҳнатни

муҳофаза қилиш тўғрисида”ги, “Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида”ги, “Экологик экспертиза тўғрисида”ги, “Психиатрик ёрдам тўғрисида”ги, “Ветеринария тўғрисида”ги қонунлар, Ер кодекси кабилар шулар жумласидандир.

Амалиётда ҳозирги кунда фуқароларнинг кўплаб мурожаатлари “Ўзтрансгаз”, “Ўзавтосаноат”, “Ўзбекэнерго” ва бошқа шу каби аҳолига хизмат кўрсатувчи ташкилотларнинг фаолияти билан боғлиқ бўлмоқда. Бироқ “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонунда хўжалик бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати ўз аксинси топмаган. Бу эса мазкур масала “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонунда ўз ифодасини топиши лозимлигини кўрсатади.

Учинчидан, жамоатчилик назоратини таъминлаш механизmlари ва уларнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш мақсадида фикримизча, Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқни ҳимоя қилувчи жамоатчилик ташкилотлари тўғрисида”ги қонунини қабул қилиш масаласини кўриб чиқиш таклиф қилинади. Ўз навбатида мазкур Қонун қабул қилингач, Ўзбекистон Республикасининг “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонунига ҳуқуқни ҳимоя қилувчи жамоатчилик ташкилотларининг давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратининг предмети, уларнинг бу борадаги ҳуқуқлари, ариза бериш тартиби, жамоат текширувани ўтказиш тартиби, уларнинг хуносаси, уларнинг оммавий мурожаати, ушбу мурожаатлар ва хуносаларни кўриб чиқиш тартибига оид нормалар киритилиши таклиф қилинади.

Тўртинчидан, “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонун қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ва уларда ўзини ўзи бошқариш органларининг давлат идоралари фаолияти устидан жамоатчилик назорати, унинг шакллари, ҳалқ депутатлари туман (шаҳар) кенгашлари олдида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳисобот бериш тартиби, ушбу кенгашларнинг ваколатлари, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш механизmlари билан боғлиқ нормалар ўз ифодасини топиши лозим.

Бешинчидан, мамлакатимиз процессуал ҳуқук соҳасида илмий-тадқиқот ишларини олиб бораётган ҳуқуқшунос олимлар ва тадқиқотчилар олдида суд ишларини юритишда ошкоралик тамойили ва жамоатчилик назоратини таъминлашнинг қуидаги долзарб йўналишлари доирасида назарий ва амалий тадқиқот ишларини амалга ошириш ҳамда илмий муаммоларни ҳал этиш вазифалари туради:

- фуқаролик, иқтисодий, жиноят ва маъмурий суд ишларини юритишда техник воситалардан фойдаланиш доирасини аниқлаш (белгилаш);

- амалдаги фуқаролик, иқтисодий, жиноят ва маъмурий суд ишларини юритиш қоидаларини техниканинг “тажовузи”дан ҳимоя қилиш ва унинг таъсир доираси чегарасини белгилаш;

- фуқаролик, иқтисодий, жиноят ва маъмурий суд ишларини юритишда электрон далиллардан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилиш, уларга судлар томонидан баҳо беришда эътиборга олинадиган масалаларни тадқиқ этиш;

- судьялар ўртасида ишларни электрон тақсимлаш мезонлари ва тартибини шакллантиришнинг илмий-амалий жиҳатларини тадқиқ этиш;

- фуқаролик, иқтисодий, жиноят ва маъмурий суд ишларини юритиш давомида техника воситаларидан фойдаланишдаги чегаралар ва бу билан боғлиқ айрим мезонларни ишлаб чиқиш, масалан, қачон суд фаолияти давомида фуқароларнинг процессуал ҳаракатлари ўрнини техника ютуқлари билан алмаштириш мумкинлиги ҳамда қайси ҳолларда бу кутилган натижани ва самарани бериши мумкинлиги билан боғлиқ мезонларни ишлаб чиқиш.

Олтинчидан, одил судловни амалга ошириш жараёнида жамоатчилик назоратидан кўзланган мақсад муайян суд иши юзасидан ижтимоий адолатли ва бенуқсон суд қарорларининг чиқарилишига эришишдан иборат. Шундай экан, фикримизча, мамлакатимизда ҳам нафақат жиноят, балки маъмурий, фуқаролик ишлари бўйича ҳам суд маслаҳатчилари институтини жорий этиш мақсадга мувофиқ бўлади. Шу мақсадда “Ўзбекистон Республикасининг суд маслаҳатчилари тўғрисида”ги қонунини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш тавсия этилади. Унга кўра, айрим тоифадаги фуқаролик, маъмурий ишларда, шунингдек оғир ва ўта оғир жиноятларнинг туман ва вилоят

судларида кўрилишида суд маслаҳатчиларининг иштирок этиши, суд маслаҳатчиларининг сони, уларни танлаш (сайлаш) шартлари, муддатлари, уларнинг ҳуқуқий мақоми каби нормалар назарда тутилиши лозим. Шу билан биргалиқда суд маслаҳатчилари институтининг жорий этилиши муносабати билан уларни ўқитиш, малакаларини ошириш, суд биносида улар учун алоҳида хоналар ажратиш, уларнинг ҳавфсизлигини таъминлаш, ижтимоий муҳофаза қилиш билан боғлиқ масалалар ҳам ўз ечимини топиши керак.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

I. Раҳбарий адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи, 2017 йил 22 декабрь сони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2018 йил 13 июндаги “Қонун ва адолат устуворлигини таъминлаш – барча эзгу мақсадларимизга эришишнинг энг муҳим шарти” мавзусидаги маърузасидан // http://uza.uz/oz/politics/onun-va-adolat-ustuvorligini-taminlash-barcha-ezgu-ma-sadlar-13-06-2017?phrase_id=2579526
3. Мирзиёев Ш.М. Конституция – эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустаҳкам пойдеворидир // http://uza.uz/oz/politics/konstitutsiya-erkin-va-farovon-ayetimiz-mamlakatimizni-yanad-08-12-2017?phrase_id=2579526

II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Тошкент, Ўзбекистон. 2018. -60, 64, 65 бетлар.
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. –Тошкент: Адолат, 2018.
3. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессал кодекси. -Тошкент: Адолат. 2018.
4. Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси. -Тошкент: Адолат. 2018.
5. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессал кодекси // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.01.2018 й., 02/18/ФПК/0612-сон, 12.10.2018 й., 03/18/496/2043-сон; 21.03.2019 й., 03/19/531/2799-сон, 11.05.2019 й., 03/19/536/3114-сон.
6. Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 25.01.2018 й., 02/18/ИПК/0623-сон, 27.07.2018 й., 03/18/488/1579-сон, 12.10.2018 й., 03/18/496/2043-сон.
7. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.01.2018 й., 02/18/МПК/0627-сон, 12.10.2018 й., 03/18/496/2043-сон.
8. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 2 июлдаги “Касаба уюшмалари, ҳуқуқлари ва уларнинг фаолияти кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни. // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаш Ахборотномаси 1992 й. 9-сон, 344-модда // Ўзбекистон Республикаси 07.12.2001 й. 320-II-сон Қонуни билан ўзгартиришлар киритилган //

- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 2002 й. 1-сон, 20-модда.
9. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майдаги “Давлат сирларини сақлаш тўғрисида”ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаш Ахборотномаси, 1993 й. 5-сон, 232-модда.
 10. Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида”ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 20-сон, 230-модда.
 11. Ўзбекистон Республикасининг “Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида”ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 й., 1-сон, 12-модда, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 52-сон, 514-модда; 2016 й., 39-сон, 457-модда; 2017 й., 37-сон, 978-модда.
 12. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 15 январдаги “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги янги таҳрирдаги қонуни // “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2007 й. 3-сон, 20-модда.
 13. “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида” Ўзбекистон Республикасининг 02.05.2012 й. ЎРҚ-328-сон Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2012 й. 5-сон, 133-модда // Биринчи марта “Халқ сўзи” рўзномасида 2012 йил 3 майда нашр этилган.
 14. Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 й., 1-2-сон, 10-модда; 2002 й., 1-сон, 20-модда; 2004 й., 1-2-сон, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 51-сон, 514-модда; 2007 й., 29-30-сон, 296-модда; 2009 йил, 52-сон, 553-модда; 2011 й., 16-сон, 162-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 й., 6-сон, 249-модда; 2012 й., 38-сон, 433-модда; 2014 й., 4-сон, 45-модда; 2017 й., 13-сон, 194-модда, 15-сон, 242-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.07.2018 й., 03/18/486/1559-сон, 12.10.2018 й., 03/18/496/2043-сон.
 15. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 31-сон, 355-модда; 2017 й., 37-сон, 980-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 14.07.2018 й., 06/18/5482/1506-сон.
 16. Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013, 17-сон, 219-модда.
 17. “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига)”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни // Ўзбекистон

- Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 16-сон, 177-модда.
18. Ўзбекистон Республикасининг “Экологик назорат тўғрисида”ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 52-сон, 688-модда; 2017 й., 37-сон, 978-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.01.2018 й., 03/18/459/0536-сон; 09.01.2019 й., 03/19/512/2435-сон.
19. “Судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисида”ги Низом (янги таҳрири) // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 17-сон, 190-модда; 2017 й., 37-сон, 978-модда.
20. Ўзбекистон Республикасининг “Электрон тижорат тўғрисида”ги янги таҳрирдаги қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 20-сон, 250-модда.
21. Ўзбекистон Республикасининг “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонуни // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.04.2018 й., 03/18/474/1062-сон.
22. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 29 январдаги “Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айrim қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида”ги ЎРҚ-463-сонли Қонуни // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.01.2018 й., 03/18/463/0634-сон — 2018 йил 1 апрелдан кучга кирди.
23. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 12 июлдаги ПҚ-1576-сонли “Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори // “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2011, 30-сон, 312-модда. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси”, 2011, 7-сон, 184-модда.
24. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 февралдаги ПФ-4944-сонли “Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фар-мони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017, 6-сон, 69-модда.
25. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Ф-4947-сонли Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017. 13 февраль, 6-сон, 70-модда.
26. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида”ги Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.01.2018 й., 06/18/5308/0610-сон; 25.05.2018 й., 06/18/5447/1269-сон.

27. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 августдаги ПҚ-3250-сонли “Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори // Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2017 г., № 36, ст. 948.
28. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 июлдаги “Суд-хуқуқ тизимини янада такомиллаштириш ва суд ҳокимиюти органларига ишончни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 5482-сонли Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 14.07.2018 й., 06/18/5482/1506-сон.

III. Хорижий давлатлар қонунчилиги:

1. Гражданский процессуальный кодекс Азербайджанской Республики // www.qanun.narod.ru
2. Гражданский процессуальный кодекс Республики Казахстан (с изменениями и дополнениями по состоянию на 21.01.2019 г.) // <http://online.zakon.kz>
3. Гражданский процессуальный кодекс Российской Федерации от 14.11.2002. №138-ФЗ. www.consultant.ru
4. Гражданский процессуальный кодекс Республики Беларусь // Национальный ре-естр правовых актов Республики Беларусь, 1999. № 18-19, 2/13. www.consultant.ru; Kodeksy.by, 2016 - Кодексы Республики Беларусь.
5. Гражданский процессуальный кодекс Украины от 18 марта 2004 года // ВВР. – 2004. № 40 – 41, 42. – ст. 492.
6. Закон Республики Армения “О местном само управлении”. Принят 07.05.2002 года.
7. Закон Республики Беларусь “О местном управлении и само управлении в Республике Беларусь” от 20 февраля 1991 г. N 617-XII.
8. Федеральный закон N 1550-1. “О местном само управлении в Российской Федерации” от 6 июля 1991 года.

IV. Махсус адабиётлар:

1. Арбитражный процесс. Учебник / Отв. ред. проф. В.В.Ярков. -М.: БЕК. 2001. -32 с.
2. Гражданский процесс // Под. ред. проф. М.К. Треушникова. 2-е. изд. испр. и доп. -М.: Спарт. Юр. бюро “Городец”. 1998. - 27 с.
3. Гражданский процесс. Кол. авторов. -М.: Спарт. 1999. -25 с.
4. Гражданский процесс. Учебник. Издание третье, переработ. и доп. / Под ред. В.А.Мусина, Н.А.Чечиной, Д.М.Чечота. -М: ПБОЮЛ Гриженко Е.М. 2001.- 22 с.
5. Гражданское процессуальное право: Учебник / С.А.Алехина, В.В.Блажеев и др.; Под ред. М.С.Шакарян. - М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2004. -47 с.

6. Елисеев Н.Г. Гражданское процессуальное право зарубежных стран. М., 2004. -С. 480-482.
7. Иноғомжонова З.Ф. Жиноят процессида суд назорати. Ўқув қўлланма. –Т.: ТДЮИ. 2007. – 25 б.
8. Инсон ҳуқуқлари: Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пакт. Фуқаролик ҳуқуқлари ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пакт ва факультатив протокол. -Тошкент: Адолат. 1992. -40 б.
9. Колесов П.П. Групповые иски в США. М., 2004. -9 с.
10. Мамасиддиқов М.М. Суд фаолияти ва меҳнат ҳуқуқлари: ёки низоли муаммолар ва уларнинг олдини олиш чоралари // Ҳаёт ва қонун. 2004. 1-сон. - 47 б.
11. Мамасиддиқов М.М. Меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоли ишларни судда кўришнинг процессуал хусусиятлари. Монография. -Тошкент: ТДЮИ. 2005.-18 б.
12. Мамасиддиқов М.М. Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Умумий қисм / Олий ўқув юрти талабалари учун дарслик. Масъул муҳаррир ю.ф.д., проф. О.Оқюлов. –Тошкент: ТДЮИ нашриёти. 2010. – Б. 67-68.
13. Мамасиддиқов М.М., Ёдгоров Х.Б., Давлетов Ў.М. Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Умумий қисм / Дарслик. Масъул муҳаррир ю.ф.д., проф. М.Х.Рустамбаев. –Т.: Ҳарбий-техник институти нашриёти. 2018. –25 б.
14. Мамасиддиқов М.М., Ёдгоров Х.Б., Давлетов Ў.М. Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Махсус қисм / Дарслик. Масъул муҳаррир ю.ф.д., проф. М.Х.Рустамбаев. –Т.: Ҳарбий-техник институти нашриёти. 2018. – 53 б.
15. Пучинский В.К. Участники буржуазного гражданского процесса (Англия, США, Франция). -М., 1991. С. 19.
16. Рекомендации по более широкому применению международных стандартов в области прав человека в процессе отправления правосудия в Республике Беларусь / ПРООН. –Минск: 2009. - 14 с.
17. Русча-ўзбекча луғат. 2-том. Ўзбек совет энциклопедияси бош редакцияси. –Тошкент.: 1984. -215 б.
18. Семенов В.М. Конституционные принципы гражданского судопроизводства. -М., 1982. -82.
19. Хабибуллаев Д.Ю. Фуқаролик процессуал ҳуқуқининг конституциявий тамойиллари. Ўқув қўлланма // Ш.Ш.Шораҳметов таҳрири остида. -Тошкент: ТДЮИ, 2006. -65 б.
20. Шораҳметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи. –Т.: Адолат. 2001. -36 б.
21. Франция // Правовые системы стран мира. -М.: Норма. 2000. -С. 526.
22. Эгамбердиев Э. Фуқаролик жараёни ҳуқуқида даъво муаммолари. Юридик фанлар доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореферати. –Тошкент. 2007. -20 б.

V. Илмий мақолалар:

1. Барнар К. Пути и способы распространения информации о судебных решениях в Великобритании / В сб.: Судебная практика как источник права. –М., 2000. –С. 71-72.
2. Власихин В. Виртуальное путешествие российского читателья по американским судам // Российская юстиция. 2001. №3. –С. 60-63.
3. Мамасиддиқов М.М., Миражмедова Н.А. Фуқаролик процессида исботлаш воситаси сифатида электрон ҳужжатлар ва уларни қўллашнинг айрим масалалари// “Фуқаролик процессида ҳамда жиноят ишини тергов қилиш ва судда кўришда электрон далилларни олиш ва ундан фойдаланиш масалалари” халқаро семинар метериаллари, ЮМОМ. –Тошкент, «Lesson-press» нашр. 2016. – Б. 75-81.
4. Мамасиддиқов М.М., Одилов С.С. Мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини таъминлашда жамоатчилик назоратини таъминлаш механизmlари ва уларнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш // “Мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини таъминлашда давлат органлари фаолияти устидан самарали жамоатчилик назорати механизмини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш” мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари тўплами (23 май 2018 й.). Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист, юридик фанлар доктори, профессор, полковник М.Х.Рустамбаевнинг умумий таҳрири остида. –Тошкент, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти, 2018. -Б. 22-31.
5. Мамасиддиқов М.М. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси: янгиликлар, кафолатлар ва истиқболи // Юрист ахборотномаси. 2018. №1. -Б. 62-68.
6. Макарова О.В. Некоторые проблемы укрепления гарантий независимости судей // Журнал российского права, 2008, N 5.
7. Миракулов М.М. Жамоатчилик назоратининг моҳияти ва аҳамияти // “Мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини таъминлашда давлат органлари фаолияти устидан самарали жамоатчилик назорати механизмини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш” мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари тўплами (23 май 2018 й.). Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист, юридик фанлар доктори, профессор, полковник М.Х.Рустамбаевнинг умумий таҳрири остида. –Т.: Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти, 2018. -Б. 37-38.
8. Рустамов Л.Р. Одил судловнинг демократик асослари // Ҳукуқ магистирилигини олиш учун диссертация. –Т.: 2007. – 74 б.
9. Яровая М.В. Особенности англо-американской и континентальной моделей суда присяжных и проблемы его реставрации в России // Российская юстиция. 2006.- № 1.
10. Эгамбердиев Э. Эркин ҳуқуқлилик ва тортишувчилик принципи // Ҳаёт ва қонун. –Тошкент, 1998. 7-сон. - 45 б.

VI. Суд ҳужжатлари:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорларининг тўплами 1991-1998: 2-жилд // Тахрир ҳайъати: У.Қ.Мингбоев ва бошқ. -Тошкент: “Шарқ”, 1999. -126 б.
2. Сайёр суд мажлисларини ўтказиш бўйича услубий тавсиялар // Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг 2017 йил 24 июнданги “Сайёр суд мажлисларини ўтказиш бўйича услубий тавсияларни тасдиқлаш тўғрисида”ги РС-09-17-сонли қарори билан тасдиқланган.

VII. Электрон ресурс:

1. 1 апрелдан бошлаб судья оғир жиноятларни якка тартибда кўради <https://www.norma.uz/>
2. Автоматическое распределение дел: компьютер в роли председателя. http://usd.krd.sudrf.ru/modules.php?name=press_dep&op=4&did
3. Даъвогарлар фойдасига 12,6 триллион сўм ундирилди // http://uza.uz/oz/society/_davogarlar-foydasiga-12-6-trillion-s-m-undirildi-29-01-2019?phrase_id=2579526 taminlashga_hizmat_qiladi
4. Дўсманов С. Халқ маслаҳатчиси ҳаққоний ишласа, адолат ўрнатилишида муҳим ўрин тутади // <http://www.uza.uz/oz/society/khal-masla-atchisi-a-oniy-ishlasa-adolat-rnatilishida-mu-im--19-04-2019>
5. Миразов Д.М. Англия ва АҚШда судга қадар иш юритуви органларининг фаолияти устидан контроль ва назоратни амалга оширишнинг тажрибаси // Ҳукуқий тадқиқотлар журнали www.tadqiqot.uz.2017. №6. -50 б.
6. Общественный контроль в судебной системе: проблемы и тенденции // [HTTPS://SIBAC.INFO/CONF/JURISPRUDENCE/IV/88769](https://SIBAC.INFO/CONF/JURISPRUDENCE/IV/88769)
7. Тожибоев М.М. Сайёр судлар номига ўтказилмоқда // <http://zarnews.uz/post>
8. Ўзбекистон Республикасининг Солик кодекси // <http://lex.uz/docs/1286558#4161817>
9. Ўсаров О. Халқ маслаҳатчилари институти судлар фаолияти очиқлигини таъминлашга хизмат қиласи // http://uzbekistonovozi.uz/articles/index.php?ELEMENT_ID=41057
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 августдаги “Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3250-сонли қарори // http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=3327998
11. Ҳакимов М. Халқ маслаҳатчилари институти ва одил судлов // <http://old.xs.uz/index.php/homepage/sijosat/item/628-xalq-maslahatchilar>
12. Халқ маслаҳатчилари судлар фаолияти очиқлиги ва одиллигини таъминлашга хизмат қиласи https://www.norma.uz/uz/bizning_sharhlar/halq_maslahatchilar_sudlar_faoliyati_ochiqligi_va_odilligini

Изоҳлар учун

Изоҳлар учун

Мундарижа

Кириш	3
1-боб. Ўзбекистонда давлат органлари фаолиятининг очиқлиги ва жамоатчилик назоратини таъминлашга доир қонунчиллик: шаклланиши ва ривожланиши.....	7
1.1. Жамият ва давлат ишларини бошқаришда жамоатчилик назорати ва уни амалга оширишнинг конституциявий-ҳуқуқий кафолатлари.....	7
1.2. Одил судловни амалга ошириш фаолиятининг очиқлигини таъминлашнинг ҳуқуқий асослари	17
1.3. Суд ҳокимияти фаолияти устидан жамоатчилик назорати: ҳолати, таҳлили ва истиқболлари	29
2-боб. Фуқаролик суд ишларини юритишда ошкоралик тамойилини татбиқ этишнинг айрим масалалари.....	47
2.1. Фуқаролик процессида ошкоралик тамойили тушунчаси, мазмуни ва аҳамияти	47
2.2. Фуқаролик суд ишларини юритишда замонавий ахборот технологияларини жорий этиш: қиёсий-ҳуқуқий таҳлил	59
2.3. Фуқаролик процессида суд мажлиси баённомалари ва стенограммаларини юритиш: истиқболи ва такомиллаштириш	76
2.4. Суд қарорларини очиқлигини таъминлашнинг долзарб масалалари	82
3-боб. Фуқаролик суд ишларини юритишда жамоатчилик назоратини таъминлаш воситалари ва уларни такомиллаштириш масалалари.....	90
3.1. Судда ишларнинг кўрилишида фуқаролик жамияти институтлари иштирокининг процессуал хусусиятлари	90
3.2. Фуқаролик суд ишларини юритишда жамоатчилик вакиллари иштирокини такомиллаштириш: қиёсий-ҳуқуқий таҳлил	98
3.3. Фуқаролик ишларини сайёр суд мажлисларида кўришнинг ўзига хос жиҳатлари	116
Хулоса	126
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	130

МАМАСИДДИҚОВ МУЗАФФАРЖОН МУСАЖНОНОВИЧ

**Фуқаролик суд ишларини юритишда ошкоралик
тамойили ва жамоатчилик назоратини
таъминлашнинг долзарб масалалари**

(моноография)

Техник муҳаррир: С.Х.Аршиддинов
Компьютерда саҳифаловчи: У.А. Гулямова
Дизайнер: Л.Х.Исоқов

Нашр. Лиц. АI №009 20.07.2018.
Босишига русхат этилди 30.12.2019. Формат 60x84 1/16
Гарнитура Times. Офсет қоғози. Ризограф босма усули.
Шартли босма табоғи 8,8. Нашр босма табоғи 6,45.
Адади 100. Буюртма № .

“Инновацион ривожланиш
нашриёт-матбаа уйи” ДУКда чоп этилди
Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Олмазор, 171.